70-йилларнинг бошларида Иброҳим Мўминовнинг ташаббуси билан Иқтисодиёт институтининг тизими янгиланди, иқтисодиёт фанлари тадқиқотининг ва фан докторлари тайёрлашнинг янги йўналишлари ишлаб чиқилди. Бу тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида институтда фан докторлари сони 1970 йилдаги иккита ўрнинга сақкизтага қўлайди, республикада эса — 11 тадан 45 тага ортди.

Иброҳим Мўминов умрининг охириги йилларида республикада иқтисодиёт фанининг тараққиётини, унинг мутахассисларнинг ўсиши даражасини алоҳида диққат-эътибор билан кузатиб, зарур ҳолларда ҳар доим ёрдам кўрсатиб ва қўллаб-қувватлади. 1974 йилнинг мартида бўлиб ўтган илгиримой фаилар бўлимининг йиллик йиғилишида у киши сезиларли ютуқлар ҳақида хурсанд чехра билан: «Қарайтлар, ўртоқлар! Иқтисодиёт институтида фақат 1974 йилнинг ўзида бешта докторлик диссертациясини тайёрлаш мўлжалланган, илгари эса... бу институтда ўилаб йиллар давомида ҳеч бўлмаганда битта иқтисодиёт фанлари докторини тайёрлаш жуда мушкул эди»,— деганди.

Иброҳим Мўминов ўтмиш маданий мерос масаласига катта қизиқиш билан қарар эди. Мен Иброҳим Мўминов раислигида Эргаш Жуманбулбул ўглининг 100 йиллигига бағишланган Самарқанд шаҳридаги кўчма сессияда қатнашишга муяссар бўлганман. Унда сўзга чиққан ўртоқлар шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги илгари номаълум бўлиб келган янги маълумотларни келтирдилар. Уларни эшитар экан, Иброҳим Мўминов: «Биз у тўғрида қанчалик кам биламиз-а, мутафаккирларнинг ҳаётий фаолиятларини ҳар томонлама ўрганиш зарур»,— деган эди. У киши Эргаш Жуманбулбул туғилган уйни бориб кўрдилар, шоирнинг қабрини зиёрат қилдилар, унинг эваралари тўқнаган шеърларини эшитдилар.

Иброҳим Мўминов ўзининг беқиёс камтарлиги билан ажралиб турар эдилар. 1971 йилнинг августида у киши ўзининг Ваган олдидаги катта хизматлари учун навбатдаги юксак орден билан мукофотланди, биз, иқтисодчилар у кишига эсдалик совға қилмоқчи бўлдик: иқтисодиётчилар миллий нақшли катта чинни чойнак ва табрик сўзи ёзилган пиёла, философлар эса — у кишининг суратлари ишланган чинни товоқ тайёрладилар. Биз Иброҳим Мўминовнинг ўзини учрата олмадик ва совғаларини у кишининг ишлайдиган хонасида қолдирдик. Қўннинг иккинчи ярмида институтларнинг раҳбарларини Иброҳим Мўминов ўзининг ҳузурига таклиф қилди ва эътибор учун ташаккур билдириб совғаларимизни қайтариб берди, фақат гулвигина қолдирди. «Энг яхши совға — бу гул», деди у киши. Кейин эса, ҳеч қачон бундай иш қилмаслик лозимлиги хусусида насихат қилди. Бу биз учун катта сабоқ эди.

Мен ўзимнинг илмий ходим ва раҳбар сифатида шаклланишимдаги Иброҳим Мўминовнинг ролини қайд этиб ўтишни ўзимнинг бурчим деб ҳисоблайман.

Мен у кишининг раҳбарлиги остида ишлаганимдан ўзимни бахтиёр ҳис қиламан. У киши билан бўлган ҳар бир учрашув, ҳар бир суҳбат кишини маънавий жиҳатдан бойитар, фикр доирасини кенгайтирар, воқеликни ҳаққоният мавқеидан туриб баҳолашга ёрдам берар, одамлар билан ишлаш ва раҳбарлик қилиш санъатидан сабоқ берар ва энг муҳими — ҳақиқий меҳнаткеш кишиларнинг инсоний қадр-қимматини қадрлай олишини ўргатарди.

Иброҳим Мўминовнинг ҳаёт йўли ва амалга оширган ишлари ҳақида ўйлар экансан, Алишер Навоийнинг халқ қаҳрамони Фарҳод тўғрисидаги қуйидаги сатрларни беихтиёр ёдга келадим:

«Демонким қўнгли поку ҳам кўзи пок,
Тили поку сўзи поку ўзи пок»

Мазкур сатрларни Иброҳим Мўминовга тўла тааллуқли деб биламан. У киши билан бирга ишлаган йиллар узоқлаша борган сари, йirik олим ва доно раҳбардан, ажойиб машҳур устоздан жудо бўлганлик тобора кўпроқ ва чуқурроқ англашиб бормоқда.

Мен бахтиёрманки кичкина илмий фаолиятимни Москва Давлат Иқтисодиёт институтда аспирантурани ўтиб, номзодлик диссертациясини ҳимоя қилганимдан кейин академиянинг ижтимоий фанлар бўлимининг илмий котиби вазифасидан бошладим. Шу даврдан бошлаб Иброҳим Мўминовдек буюк инсон (ЎзФА вице-президенти) раҳбарлигида ишлаб келдим. 1963 йили докторлик диссертация устида ишлаш хоҳишим борлигини билдириб домладан Иқтисодиёт институтига ўтказишини илтимос қилдим. Домла менинг фикрларимни диққат билан тинглаб «Сизни жойингиз Иқтисодиёт институтига экан»,— деб рухсат бердилар. Қизини шу ердаки домла: «Қайси мавзу устида докторлик бўйича изланиш олиб бормоқчисиз?»— деганларида: «Мен Республикада тўқинчилик саноатининг истиқбол ҳақида»,— деб заруриятни асослаб бермоқчи бўлдим. Домланинг «Республикада етиштириладиган пахта толасининг неча фонзи тайёр маҳсулотга ишлатилади?»— деган саволларига 15 фонзи деб жавоб бердим. Домла бу жудаям кўпку деб таажубландилар. Аслида пахтанинг 3 фонзигина республикада қолар эди. Домладан уэр сўраб бу рақамларни ҳаммага ҳам айтиш мумкин эмаслигини назарда тутиб «бўрттирилган» рақамни келтирганимни айтдим. Домла эса бизга бу рақамларни ҳақиқийсини айтиверсангиз бўлади, деб жилмайиб қўйдилар. Шундан маълум бўлдики домла иқтисодиётнинг ҳам энг нозик томонларини қамраб олган эканлар. Шундай қилиб, Иброҳим Мўминов менинг докторлик ишимни бошланишига оқ фотиҳа берган биринчи устоз эди. Маълумки, у даврларда миллий иқтисодиётни ўз хом ашё базасида ривожланишига бағишланган изланишларга деярли эътибор берилмас ва шароит яратилмас эди. Шунга қарамадан 1969 йилда мен юқоридаги маззудаги докторлик диссертацияни тугаллаб домла раислик қиладиган илмий фанлар бўйича ҳимоя кенгашига тақдим этдим (у фалсафа, иқтисод ва ҳуқуқ мутахассисларини бирлаштирар эди). Уша йиллари мен домланинг дониш нозоратида ва ҳимоясида бўлдим. Мен докторлик диссертациямни ҳимоя қилган 1969 йил 17 июнь ҳеч ҳам эсимдан чиқмайди. Ҳимоя Президиумнинг одамлар билан лиқ тўлган катта мажлислар залида ўтди. Бунга қизиқиш биринчидан мавзунинг долзарблиги бўлса, иккинчидан мени ёшлигим эди. Ушангача 50 ёшигача бўлган олимнинг докторлик ҳимоя қилиши амри маҳол эди. Мен эса 37 ёшда эдим. Бу «аъёна»ни биринчилардан бўлиб бузишга тўғри келди. Ҳозиргача сақланиб қолган ҳимоя стенограммасида домланинг якунловчи сўзларини вақти-вақти билан ўқиб домланинг тирик сиймосини кўз олдимга келтираман. Унда шундай сатрлар ёзилган: «Искандаров саноатимизнинг поэзиясини яратди. У катта йўналишга асос солди...» яна айтдиларки «Мени отим ҳам Иброҳим, Искандаровни исми ҳам Иброҳим, лекин бизларни ҳеч қандай қариндош-уруғчилигимиз йўқ». Бу билан домла менга қилган муруватларини заминда инсонпарварлигидан бошқа нарса йўқ эканлигини намойиш этган эди.

Эсимда яна шундай воқеалар сақланиб қолганки ўйланавериб тағига етмайсан киши, 1969 йилининг бошида ижтимоий фанлар бўли-

мининг йиллик мажлисида мутахассислар масаласига тўхталиб домла мен ишлаётган институтнинг директорига хитоб билан: «Если Вы не обеспечите защиту докторской диссертации Искандарова, то дуло нашей пушки будет направлено против Вас»,— деганларида бутун залдагилар қотиб қолган эди. Лекин мен бирон марта ҳам домлага ишим бўйича шикоят қилмаган эдим. Аммо домла ҳамма воқеалардан хабардор эканлар. Шундай кейин ишларим жадаллашиб кетди.

Кейинги йили яъни 1970 йилда бўлган бўлимнинг навбатдаги йиллик мажлисида академик-секретарь Ш. З. Урозаевнинг маърузасида Иқтисод институтида 1 доктор ишляпти деб, мени исмим ҳали докторлик дипломи тасдиқ бўлмаганлиги учун эслатилмаган экан. Лекин домла ўзининг нутқида институтда 2 доктор ишляпти деб ёшиш керак деб қуйидагиларни айтди: «Если докторская диссертация Искандарова не утверждена, это еще ни о чем не говорит. И Имеете ввиду, что он высококвалифицированный доктор, хороший доктор, честный доктор...» Мени бу анжуманда қатнашиб шундай илиқ сўзларни эшитишим қалбимга далда бўлди. Иккинчидан, ўзимни анча ноқулай ҳам сездим. Кейинчалик англаسام бу гаплар мени тўғримда ижтимоий фикрнинг шакллантирилиши экан. 1971 йилда мени Иқтисод институтига директорликка домла томонидан тавсия этилганимда собиқ директор мени «қизиққон»лигимни рўкач этиб қаршилиқ кўрсатган экан. Лекин домла ўз сўзида қатъий туриб олиб марказкомдагиларга мен тўғримда кафолат берган эканлар.

Домланинг бағри кенглиги ва донолиги шунда эдики, раҳбарларни бир-бирлари билан беҳуда тўқнашиниларига йўл қўймасликка ҳаракат қилар эдилар. Уша Иқтисод институтининг директори 1971 йил март ойида академиянинг Президиуми аъзоси этиб сайланди. Мен эса институтнинг директори этиб тайинландим. Домла иккаламизни ҳам ҳузурига чақириб менга: «Мана домлангизни каттакон қилиб Президиум аъзоси қилиб сайладик. Домлангиз эса ўзини ўрнига директорликка сизни тавсия этдилар»,— деб у кишига бургутларча бир қараб қўйдилар. У домла ўзларини қаерга қўйишга жой тополмас эдилар. Мана шундай йўллар билан раҳбарларнинг аҳиллигини таъминлашга интилар эдилар.

Мени академия аъзоси бўлишимда Иброҳим Мўминов жуда муҳим роль ўйнаган. 1974 йили академияда катта сайлов ўтказилди. Мени соҳам бўйича ҳам вакансия ажратилган эди. Унга даъвогарлар обрўли олимлар эдилар. Лекин домланинг тавсиялари ва сай-ҳаракатлари туфайли мени академиянинг муҳбир аъзоси этиб сайлашди.

Кейинчалик, домла туфайли тўпланган яхши фикрлар, мени 1979 йили академик бўлиб сайланишимга асосий сабаб бўлди.

Ўйлаб-ўйлаб шундай ҳулосага келаман, мендек бир оддий деҳқоннинг фарзандига нисбатан эътибор домланинг мен қабиларга бўлган муруватни ифодаси эди. Домла тарбия этган юқори малакали олимлар мамлакатимизнинг барча жабҳаларида фаол ишлаб келмоқдалар.

Мана уч йилдирки, домла кўп йиллар ишлаган хонада, у эгаллаган вазифада ишлайман. Ҳар кунини у киши билан саломлашиб, қайтишда хайрлашиб кетгандай бўлмаган. Уш фаолиятимда эса домланинг васиятлари ҳаммавақт гавдаланиб хатоликларга йўл қўймасликка даъват этиб тургандай туюлади. Фақат бир армон мени қалбимдан ҳеч ҳам кўтарилмайди: яъни, домламизни бўрилар тўдаси билан шердек яккама-якка олишадиган пайтларида, бошқаларни айтмайлик, лекин эндиликда домланинг шогирдларимиз деб таратаётган ва ўз даврида домла туфайли юқори мансабларни эгаллаган шахслар унинг ён теvaraгида туриб тириалган юракларига, ҳеч бўлмаганда самимий му-

носабатимиз билан малҳам бўла олдикми? Афеуски, кўп ҳолларда биз кузатувчилар бўлиб қолдик, қолос ва устозни сақлаб қола олмадик. Домла ҳаётнинг қушларидан қанчалик улоқлашар эканмиз, унинг қадри-қиммати ва истиқдол учун курашдаги забардастлиги шунчалик буюк бўлиб қолаверади.

Н. М. Мўминов яхтимовий фанларни ривожлантиришнинг ҳақиқий сардори, юқори малакали мутахассислар тайёрлашга катта гамжўрлик қилган ва нисон сифатида юксак ахлоқий фазилатлар эгаси бўлган киши сифатида олимларимиз хотирасида абадий сақланиб қолади.

А. АСҚАРОВ

ҲАЁТ ПРИНЦИПИГА СЌДИҚ УСТОЗЛАР

Мен ўз касбим бўйича фан сирларини билишда устозларим Я. Ғ. Ғуломов ва М. П. Ғразновлардан сабоқ олган бўлсам, раҳбарлик иш фаолиятим сирларини яна бир устоз Н. М. Мўминовдан ўргандим.

1966 йили 31 ёшимда Тарих ва археология институтида археология бўйича директор ўринбосари қилиб тайинландим. Бироқ бу академия раҳбариятининг ҳукми баъзи сировларга ёқмади. Чунки ўша йилларда бир гуруҳ ёшлар археология соҳаси бўйича Ленинграддан фан номзодлари бўлиб қайтган, тоғни урса, талқон қиладиган илм аҳли бор эди. Лекин Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти Н. М. Мўминов менинг қатор эътирозларимни асоссиз топиб, ўз фикридан қайтмади. Н. М. Мўминовга хос қатъийлик менга қанот бағишлади.

Н. М. Мўминов мени вазифага қўйиш олдидан ўтказган суҳбат чоғида: «Раҳбар уч масалада қатъий бўлиш керак. Шунга амал қилган бошлиқнинг раҳбарлик иш фаолияти боқий бўлади. Бу ишда ҳалоллик, ростгўйлик ва неччи фидойиликдир. Бунинг учун уч нарсага амал қилиш керак. Биринчиси, сен бирор бир жамоага раҳбар этиб тайинланар экансан, давлат молиявий ишларида ўта ҳалол бўлишга иттип, жамоа ва давлат ҳақини ўз нафсининг йўлида талон-торож қилишга йўл берма, ўзингни ундан эҳтиёт қил: иккинчиси, жиғилдон нафсига берилган раҳбар сўзсиза, эртани-кеч ёмон йўллarga кириб кетади, яъни ўз ҳалолу пок вазифасига хиёнат қилиб, бошқаларга кўз олайтира Сошлайди. Бундай нафе балосига гирифтор бўлган раҳбарнинг жамоада обрўйи бўлмайди. Учинчиси, бу нафе балосига учраган раҳбар албатта, эртани-кеч ичкиликка берилиб кетади. Энди ундай раҳбарнинг ҳолига вай. Бу менинг ҳаёт принципим. Бу принципларга қатъий амал қилган ёш раҳбар доимо бизнинг ҳомийлигимизда бўлади. Албатта, ҳатосиз, нуқсонсиз нисон бўлмайди. Иш йўлида, турмушда бошқа бир хатолар рўй бериши мумкин. Лекин юқоридагилар эмас, улар сенга ишонч билдириб, раҳбарликка ўтгандан кейин қўйиладиган, узоқни кўра билмасликдан келиб чиқадиган хатолардир»,— деб ўнгит берган эдилар.

Мен бугун иш фаолиятимда шу принципга амал қилдим. Устоз ўғитлари ҳаётний эканлигига яқин 30 йиллик раҳбарлик иш фаолиятимда бир неча бор синадим.

1970 йил 1 октябрда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Президиуми мажлисида Самарқандда Археология институтини ташкил этиш ҳақида масала кўрилиб, Я. Ғ. Ғуломов институтнинг директори, мени директор ўринбосари этиб тайинлади. Мажлисида академиянинг нуфузли Президиум аъзолари, Марказком вакиллари иштирок этарди. Я. Ғ. Ғуломов кутубмағанида институт директорлигидан воз кечдилар. Ҳамма ҳайрон. Шунда Иброҳим Мўминов сўз олиб, ўзига хос саловат ва вазминлик билан Я. Ғ. Ғуломов билан дўстларча мулоқотга кириш-

ди. Яхъёхон домла ўз сўзларида қатъий туриб олдилар. Шунда Иброҳим Мўминов «Яхъё Фуломовични тўғри тушуниш керак. Бироқ биз ушбу мажлисда институтни қайси шаҳарга жойлаштириш масаласида олдиндан келишилган тарзда кўра, унга зид қарорга кела олмаймиз ҳам. Я. Ф. Фуломов институтнинг илмий йўналишлари бўйича раҳбар бўлиб қолаверади, ёшлар эса устоз Яхъё Фуломович билан тез-тез учрашиб, маслаҳат олиб туради. Бу жуда масъул масалани, яъни институт директорлигини Яхъё Фуломовичнинг шогирдларидан бири Аҳмадалига топширамиз»,— деб сўзини якутлади.

Директорлик фаолиятини дастлабки йилларида менга жуда оғир бўлди. Чунки севимли устоз олдида ўзимни гуноҳкор ҳисоблардим. Лекин давлат, халқ олдидаги бурч мени икки устоз билан тил топиб ҳалол ишлашга ундарди. Уша йилларда бутун бошлиқ институт эмас, ҳатто бўлим очиб учун ҳам минг чиғирқидан ўтган Марказ руҳсатномаси керак эди. Масаланинг бу томони ҳам мени хатоликка йўл қўймаслигини тақозо этар эди. Дастлабки икки йил давомида жамоани, айниқса, маҳаллий ёшларни тўлиғича Самарқандга кўчириш оғир бўлди. Лекин халқимизнинг «Сабр қилсанг, ғўрадан ҳалво битур» — деган ҳикматли сўзлари бизни яна бир синовдан ўтказди. Устоз юрагига қўл ура олди. Устоз эридилар. Кейинчалик, тез-тез Самарқандга бориб, биз шогирдлари ҳолидан хабар олиб турдилар, юзқларимиздан аввалгидек ич-ичидан қувониб, бизга оталарча ғамхўрлик қилардилар. Я. Ф. Фуломов «Агар институт Тошкентда очилганда археология бобида қўлга киритилган ютуқлар янада икки-уч қарра кўпроқ бўларди»,— деб оламдан ўтдилар. Биз шогирдлари шу фикрга тамоман қўшнгамиз. Аммо ҳаёт доимо хоҳишдан устун келаркан. Бу тақдир тақосидир.

Биз шогирдлари Мўминовнинг археология фани тараққиётига қўшган ҳиссасини ҳеч қачон унутмаймиз.

В. К. КАБУЛОВ

МУДРЫЙ ЧЕЛОВЕК, НАСТОЯЩИЙ УЧЕНЫЙ

Для меня, работавшего с Ибрагимом Муминовичем Муминовым, он служил образцом настоящего ученого. Находясь на посту вице-президента Академии наук Узбекистана, Ибрагим Муминович создавал спокойную рабочую обстановку, необходимую для творческого труда, добиваясь стройной целенаправленности исследований.

И. М. Муминов вложил много сил в развитие наук в Узбекистане как руководитель гуманитарного направления. Под его руководством осуществлялся ряд фундаментальных исследований.

Ибрагим Муминович был по-настоящему деловым человеком. Самые сложные и запутанные вопросы он решал спокойно и обстоятельно, без суеты, взвешивая все аргументы. На заседаниях президиума его мнение воспринималось как одно из самых авторитетных.

Он долгое время руководил аспирантурой и всегда заботился о молодых специалистах.

Научные интересы И. М. Муминова были многогранны. В середине шестидесятых годов мы в Институте механики и сейсмостойкости сооружений начали заниматься проблемой восстановления медресе Бинби-Ханум в Самарканде, этого уникального памятника старины. Создали схему его восстановления, разработали чертежи, провели натурные исследования. Но некоторые искусствоведы и работники Министерства культуры возражали против восстановления, предлагая ограничиться консервацией памятника. Ибрагим Муминович, возглавлявший Республиканский комитет по охране памятников, внимательно

разобрался во всех тонкостях этой проблемы, ознакомился с многочисленными проектами восстановления и консервации. После тщательного анализа он поддержал нас, и дело восстановления этого уникального памятника пошло по правильному пути.

С большим интересом отнесся Ибрагим Муминович к изучению трудов великого ученого средневековья Хорезми, оказывая исследователям всестороннюю помощь.

И. М. Муминов вел огромную общественную работу, был бессменным председателем Республиканского общества «Знание». В течение многих лет я работал под его непосредственным руководством в качестве заместителя председателя, члена президиума Общества. Эта совместная работа стала для меня настоящей школой. У Ибрагима Муминовича я учился делу организации пропаганды политических и научных знаний. Под руководством И. М. Муминова Общество «Знание» превратилось в действительно массовую организацию интеллигенции и новаторов производства, окрепло материально.

Ибрагим Муминович был кристально честным человеком и в окружающих ценил прежде всего добросовестность и трудолюбие.

У всех, кто знал близко Ибрагима Муминовича и работал с ним, навсегда остается в памяти светлый образ замечательного ученого.

Д. К. САИДОВ

ВИДНЫЙ УЧЕНЫЙ, ОБАЯТЕЛЬНЫЙ ЧЕЛОВЕК

Я знал Ибрагима Муминовича с 1929 г. по совместной учебе в Педагогической академии в Самарканде. Он был студентом историко-экономического факультета, я учился на естественно-географическом факультете. Нас воспитывали видные ученые, посланцы Москвы, Ленинграда, Казани — профессора С. А. Ляковский, А. М. Титов, Н. А. Меркулович, Л. Н. Парфентьев и др.

В эти годы здесь учились ставшие впоследствии известными писателями и учеными Хамид Алимджан, Уйгун, Ойдин, У. А. Арифов и другие.

Ибрагим Муминович, отличавшийся незаурядными способностями, после окончания учебы был оставлен в Пелакадемии.

Моя многолетняя дружба с Ибрагимом Муминовичем завязалась в 1938 г. Мы называли его Ибрагим-ака, отдавая дань уважения как ученому, талантливому организатору, а главное — как мудрому человеку, который решал все вопросы объективно и умно. Это был очень гуманный человек, сердечный, всегда готовый прийти на помощь людям.

В период совместной работы в Самарканде, когда Ибрагим Муминович возглавлял Самаркандское отделение Общества «Знание», а я был его заместителем по пропаганде достижений биологических, естественных, сельскохозяйственных наук, мы часто выезжали с лекциями в районы области, колхозы и совхозы. В эти годы Самаркандское отделение Общества было одним из ведущих в республике по пропаганде достижений науки и передового опыта.

И. М. Муминов проявлял большой интерес к природе и ее законам. Во время наших поездок он расспрашивал меня о растительности Аманкутанского массива, о приспособлении ее к окружающей среде, о развитии растений и их видах. Все жизненные процессы он толковал с точки зрения ученого-философа.

Позже, в Ташкенте, мне вновь довелось быть заместителем И. М. Муминова как председателя Правления Республиканского общества «Знание» по пропаганде биологических знаний, и я имел воз-

мѳжность видеть, какую большую заботу он проявлял о воспитании молодого поколения. Его организаторские способности, знания — все было отдано развитию науки и культуры в республике.

Долголетняя плодотворная работа, доброта, скромность Ибрагима Муминовича снискали ему любовь и уважение всей научной общественности Узбекистана.

Ш. З. УРАЗАЕВ

ЗАБОТЛИВЫЙ НАСТАВНИК НАУЧНОЙ МОЛОДЕЖИ

Мы с друзьями часто вспоминаем об Ибрагиме Муминовиче, и каждый раз перед нами встает образ маститого ученого. Это был человек масштабный. К нему вполне применимы слова: крупный ученый, крупный организатор, крупный деятель. Во всех сферах своей деятельности, будь то руководство общественными науками, издание Узбекской Советской Энциклопедии, работа в Обществе «Знание», И. М. Муминов умел находить в массе проблем главные, узловые, ставить их и решать.

Мне помнится, сколько заседаний мы провели в 1966—1967 гг. по вопросу издания Энциклопедии, и дело дальше разговоров не шло, пока не включился в эту работу И. М. Муминов. Он, как всегда, взялся за работу смело, уверенно и благодаря исключительной настойчивости добился успеха.

И. М. Муминов был зачинателем многих крупных мероприятий. С его именем связаны создание Института философии и права, Института археологии, Главной редакции Узбекской Советской Энциклопедии, проведение в республике ряда международных, межреспубликанских конференций, симпозиумов, научных сессий. Он был признанным авторитетом в Академии наук республики, во Всесоюзном обществе «Знание», среди широкой научной общественности страны. Имя академика Муминова и сейчас произносится с уважением не только среди философов, но и среди представителей других наук.

Ибрагима Муминовича я знал давно. Вначале главным образом как председателя Ученого совета. Под его председательством проходила защита моей докторской диссертации в 1962 г. Она мне запомнилась на всю жизнь. Дело в том, что защита была очень бурной, затяжной. Один из моих оппонентов говорил около двух часов, в зале стали шуметь, раздавались голоса: «Хватит!» Тогда И. М. Муминов встал и с присущим ему спокойствием тихо и вместе с тем категорично сказал: «Товарищи, которые не хотят слушать выступление оппонента, могут оставить зал заседания, а мы, члены Ученого совета, обязаны выслушать выступление до конца». В зале воцарилась тишина. Ученый совет продолжил свою работу. И. М. Муминов умело проводил заседания Ученого совета — без суеты, без лишнего слов. Помнится, однажды оратор начал свое выступление с того, что стал заверять диссертанта в своей любви к нему. И. М. Муминов тут же остановил его, попросив выступать по существу.

И. М. Муминов внес огромный вклад в подготовку ученых кадров, проявлял большую заботу о них, не щадил своих сил для их роста. Он предъявлял высокие требования к каждой диссертации, но если она была опробирована, выношена, отвечала высоким требованиям, то он делал все для того, чтобы диссертант не ощутил организационных трудностей. Один из товарищей рассказывал: «Как-то в научном коллективе обсудили диссертацию, рекомендовали к защите, но защиту задержали. Диссертант первичал, не зная, что делать дальше. Он поделился своими переживаниями с И. М. Муминовым. Ибрагим

Муминович тут же позвонил руководителю научного коллектива, сделал выговор за бюрократизм, и тот немедленно взялся за организацию защиты».

Я знал многих товарищей, которые не раз в трудную минуту обращались за советом и помощью к Ибрагиму Муминовичу, входили в его кабинет озабоченными, а выходили радостными и окрыленными.

В 1966—1970 гг. мне довелось работать в Академии наук под непосредственным руководством И. М. Муминова. Запомнилась его исключительная трудоспособность и трудолюбие. Заходя в кабинет Ибрагима Муминовича, я всегда видел его склоненным над рукописью или книгой. Он не мыслил себе жизни вне работы и работал, до тех пор, пока болезнь не лишила его возможности трудиться.

Хотелось бы сказать также о принципиальности и твердости И. М. Муминова, ученикам своим он прививал чувство ответственности за порученное дело.

Ибрагим Муминович всегда был ровным в обращении и с учениками, и с академиками — со всеми, с кем ему приходилось встречаться и беседовать. Я не помню случая, когда бы он вышел из себя, нервничал.

Ибрагим Муминович был умным руководителем, твердым, принципиальным, заботливым и требовательным учителем и наставником, простым и обаятельным человеком, мудрым организатором и глубоким исследователем, талантливым ученым и горячим пропагандистом научных знаний.

М. М. ҚАЙРУЛЛАЕВ

МИЛЛИЙ МАДАНИЯТИМИЗНИНГ ЖАСУР ЖОНҚУЯРИ

Ўзбекистонда миллий маданиятнинг ривожини, бой маданий меросини, халқимизнинг ўтмиш тарихини ўрганиш, умумий маънавий юксалишимизда йирик фан арбоблари улкан ҳисса қўшдилар. Бу Республикаимизнинг мустақилликка эришиб янги йўлдан ривожланишига ғоявий тайёргарлик вазиқасини ўтади, унга ҳисса бўлиб қўшилди. Уларнинг ижодий ва ташкилий фаолиятлари ҳар доим ҳам силлиқлик билан ўтмади, албатта. Турли тўсиқлар расмиятчилик, бюрократия, қаршиликларни енгиб ўтишни талаб қиладди. Айримлари турли иғво, сиёсий қоралашларга ҳам дучор бўлдилар.

Ўзбекистоннинг илмда, тафаккурда мустақил бўлиши учун курашган, унинг миллий таълибиятини тиклашга интилган миллатпарвар, ватанпарвар олимлар насорати доимо аъзога, зўр ҳурмат-эътиборга, муҳим ахлоқий-тарбиявий аҳамиятга, мишинатдорчиликка лойиққидир.

Шундай олимлардан бири Иброҳим Мўминов (1908—1974) эди.

Мен Иброҳим Мўминов раҳбарлигида аспирантурани ўтдим. 1955 йилда фалсафадан номзодлик, 1966 йилда докторлик диссертацияларини ёқладим. 1955 йилдан то у кишининг вафотига қадар устоз раҳбарлигида Ўзбекистон Фанлар академиясида хизмат қилдим. У кишини улкан олим — миллатпарвар ва ватанпарвар тадқиқотчи, ниҳоятда тоза инсон, зўр иродали ва принципли шахс, ғоята меҳрибон устоз, зўр истеъодли ташкилотчи сифатида яхши ва яқиндан билишга муяссар бўлдим.

Улуғ Ватан урушининг энг қизғин даврида 1943 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси таъсис этилди ва И. Мўминов унинг асосчилари қаторида академиянинг мухбир аъзоси этиб сайланди.

1955 йили И. М. Мўминов Тошкентга, Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих ва археология институтига директорлик лавозимига таълиф этилди ва шу йилдан бошлаб унинг ҳаётида янги давр бошланди.

И. М. Мўминов Ўзбекистон Фанлар академиясида вице-президент

лавозимда ишлаган йиллари (1956—1974) унинг олимлик, раҳбарлик, ижодкорлик фазилатлари, ажойиб истеъдоди, янада ёрқин намоён бўлди. У Ўзбекистонда ижтимоий-гуманитар илмларнинг ташкилий жиҳатдан мустақамлаштиришига, бу соҳанинг янада кенгайишига, илмий мутахассисларнинг кўпайишига катта ҳисса қўшди. Ҳабиб Абдуллаев, Убай Орипов, Обид Солиқов, Сағди Сирожилов, Яхъё Гуломов каби атоқли олимлар билан ёнма-ён туриб фан учун, Ўзбекистон маданияти ривож учун сиққидилдан хизмат қилди.

Иброҳим Мўминовнинг асосий илмий йўналиши — бевосита ўз халқ манфаатларини ҳимоя этиш, унинг маънавияти тарихининг ўзига хос ва бой эканлигини неботлашга қаратилган эди. Бу йўналишни Иброҳим Мўминов ўз умрининг охиригача изчил давом эттириб, ривожлантириб, кенгайтириб, чуқурлаштириб борди.

Иброҳим Мўминов 1946 йилда Самарқандда «Мирзо Бедилнинг фалсафий қарашлари» монографиясини нашр эттирди. Бунда XVII—XVIII асрда Ҳиндистонда яшаб форе тилида ижод этган мутафаккир шоир Бедилнинг ижтимоий-фалсафий, унинг табиат, жамият инсон, ахлоқ ҳақидаги қарашлари илмий жиҳатдан теран таҳлил этилади. Гап шундаки, Бедил асарлари Шарқдаги, жумладан Ўрта Осиёдаги сўнгги шоирлар ижодига ўзининг чуқур фалсафий мазмундорлиги билан катта таъсир кўрсатган. Шунинг учун Иброҳим Мўминовнинг бу асари бутун Ўрта Шарқнинг, жумладан Мовароуннаҳр мусулмон халқлари адабиёти, ижтимоий-фалсафий фикрларини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Бедил ҳақидаги бу монографияси унинг ўз илмий изланишларини Шарқ фалсафаси, жумладан, Ўрта Осиё фалсафаси тарихини ўрганишга қаратилганидан далолат беради.

1950 йилда Иброҳим Мўминов Москвада СССР Фанлар академияси Фалсафа институтининг илмий Кенгашида «XIX аср охири XX аср бошларида Ўзбекистоннинг ижтимоий-фалсафий фикри тарихидан» деган мавзуда докторлик диссертациясини ёқлади.

Биринчидан, бу мавзу 40-йиллари кам ўрганилган ва маълум далил хулосалар ва фикрларга муҳтож ҳисобланган мавзу бўлиб, иккинчидан, бу давр фақат адабиётшунослар томонидан адабий-бадний жараён сифатида ўрганилар, бу давр адабиётининг вакиллари Дониш, Фурқат, Муқимий, Ҳамза қабилар ижодининг ижтимоий-фалсафий моҳияти ва аҳамияти илмий таҳлилдан четда қолган — бунинг ўрганишини ҳеч ким ҳаёлига ҳам келтирмаган давр эди.

И. Мўминов бой тарихий далилларини илмий таҳлил этиш асосида XIX аср охири XX аср бошларида Туркистонда юз берган ижтимоий-иқтисодий маънавий-маданий жараённи объектив ёритиб берди.

Иттифоқ Марказидаги раҳбарларга, ҳукмрон сиёсатга маъқул бўлувчи Туркистоннинг Россияга қўшиб олинганлиги ҳақидаги фикрлар китобларда кенг тарғиб қилинаётган бир шароитда И. Мўминов ўз талқиқотининг боғлиқлигида тарихий ҳақиқатга содиқ қолди очикдан-очик шундай қайд этади:

«XIX асрнинг 60—90-йиллари давомида рус чоризми Ўрта Осиёни забт этди ва унда мустамалакка тартибини ўрнатди. Чор ҳукумати Бухоро эмирлиги ва Хива хонлигини номинатига сақлаб қўлиб, амалда бутун ҳокимиятни ўз қўлига олди. Мана шу даврда Ўрта Осиёнинг меҳнаткаш оmmasини эксплуатация қилиш кучайибгина қолмади, балки миллий—мустамалакчилик зулми ҳам ўрнатилди»¹.

Иброҳим Мўминов биринчи бўлиб бу даврнинг фалсафий таҳлил асосида ўрганиш, ҳамда шу билан бирга Туркистон, Мовароуннаҳр халқларининг мустақил ижтимоий-фалсафий тарихга, мустақил фалсафий

¹ Мўминов И. Ўзбекистон ижтимоий-фалсафий тафаккури тарихидан. Тошкент, 1980. 19 бет.

меросга эга эканлигини чеботлаш учун муҳим далил яратди. Бу илмий йўналишни сўнроқ, янада Ўзбекистон Фанлар академиясига вице-президенти бўлиб сайлангандан сўнг, янада ривожлантиришга катта эътибор берди. Ҳозирда бу илмий йўналиш республикада фалсафа соҳасидаги тадқиқотларнинг энг муҳим ва халқимиз миллий маънавий меросини ўрганишга қаратилган энг йирик ва самарадор йўналиши ҳисобланади.

Иброҳим Мўминов Урта Осиёда ижтимоий-фалсафий фикрнинг ривожланиши даврилари, турли муаммолари бўйича қатор тадқиқотлар олиб бориб китоблар, мақолалар нашр этди. Москвада босиб чиқарилган «СССР халқлари фалсафаси» тарихига оид фундаментал китобларни тайёрлашда Ўзбекистон фалсафасининг ривожланишига оид бўлимлари билан фаол иштирок қилди. 1966 йилда Москвада И. Мўминовнинг «Урта Осиёнинг машҳур мутафаккирлари» китоби чоп этилди.

Иброҳим Мўминов халқимиз тарихини, маданий меросини, маънавийатимизни ўрганишга эътибор бера бориб вице-президентлик даврида (50-йиллар-охирда ва 70-йилларнинг биринчи ярмида) гуманитар илмлар соҳасида нашр этилган Урта Осиё фалсафаси, маданияти, тарихи, адабиётшунослиги, ўзбек маданиятига оид жуда кўп асарлар, дарсликлар, тўпламлар, жумладан кўп томли китобларнинг муаллифи, ташкилотчиси ва раҳбари бўлди. Унинг бевосита иштирокида ва муҳаррирлигида 4 томлик «Ўзбекистон ССР тарихи», 2 томлик «Самарқанд тарихи», 3 томлик «Ўзбекистон ишчи синфининг тарихи» каби фундаментал тадқиқотлар, бой маданий меросимизнинг муҳим саҳифаларини ёритувчи қўлёзма асарларнинг араб ва форсчадан таржималари уюштирилиб рус ва ўзбек тилларида нашр этилди. Унинг бевосита бошчилигида шу соҳалар бўйича республикада Бутуниттифок ва халқаро анжуманлар бўлиб ўтди.

Иброҳим Мўминов маданиятимиз ривожига муҳим аҳамиятга эга бўлган, биринчи ўзбек қомусининг асосчиси ва бош муҳаррири ҳамдир. Унинг фаолиги ва жонкуярлиги туфайли Ўзбек Совет Қомусининг 5 томи нашрдан чиқиб, ўқувчиларга тақдим этилди ва 4 томи нашрга тайёрланди.

Иброҳим Мўминов ўзининг илмий ва ташкилотчилик фаолиятида айниқса, миллий маданиятимиз ва унинг негизи бўлмиш Урта Осиё халқлари маданий меросини ўрганишга ниҳоятда катта эътибор берди. Унинг раҳбарлигида ўтмиш маданий меросимизнинг буюк намоёндалари Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Қошғарий, Навоий, Бобур, Фурқат, Муқимий, Доғиш қабиларининг асарлари кенг ўқувчилар оmmasн учун нашр этилди. Улар ҳақида рисолалар, китоблар тайёрланди, кўпларининг таваллуд кунлари нишонланди.

Бу ерда шунинг эслаб ўтишим керакки, ман ҳам Иброҳим Мўминов тавсияси билан 1956—57 йилларда ЎзФАнинг фалсафа бўлимида ишлаб юрган чоғларимда Урта аср Шарқнинг Аристотели деб ном олган ватандошимиз Абу Наср Форобий асарлари устида тадқиқот ишларини бошлаб юборган эдим. Иброҳим Мўминов менга бевосита Форобий мероси бўйича тадқиқот олиб боришга деб айтганлари йўқ. Чунки у даврда Форобийни ҳеч ким билмас, у жуда-жуда кўпчиликка зиёлилар, олимларга ҳам номаълум эди.

Бир кун, домла (Иброҳим Мўминовни домла деб айтар эдик) менга 6—7 бетлик рус тилидаги материални киритиб юбордилар. Унда Форобий деб аталган бир мутафаккир ҳақида қисқача маълумот берилган экан. Сўнроқ бу материал Ислоҳ Қомусидаги мақоланинг таржимаси эканлигини билдим. Менинг Форобий билан қизиқишим шу кичик материаллардан бошланди ва у ҳақидаги сўнги йирик

тадқиқотларининг, умуман бизда форобийшуносликнинг вужудга келишига сабаб бўлди.

Иброҳим Мўминов маънавий мерос, хусусан миллий фалсафий меросни тадқиқ этишни нафақат Ўзбекистон, балки Тожикистон, Туркменистон ва бошқа Ўрта Осиё республикаларида ҳам ривожлантиришда фаол иштирок этди, бу республикаларнинг йирик файласуф олимлари билан, хусусан Тожикистон ССР ФА академиги А. М. Богоутдинов, Туркменистон ССР ФА академиги Г. У. Чорнев, Қирғизистон ССР ФА академиги А. Олтамшбоев билан яқиндан алоқада бўлди ва мутахассислар тайёрлашда, илмий тўпламлар яратишда ҳамкорлик ишларини олиб борди.

Иброҳим Мўминов 50—70-йиллари шиддатли равишда миллий маънавият тарихи — миллий меросни кенг ўрганиш бўйича олиб борган фаолиятининг ўзи жасурлик, ғоявий мустақиллик учун курашнинг олдинги сафларида бўлиш эди. Бу жиҳатдан унинг вице-президент сифатида ўзбек адабиёти тарихи, Ўзбекистон халқларининг ўтмиш тарихи, маданий меросининг ёрқин саҳифаларини ўрганиш, эски кўл-ёзма ларни таржима қилиб, нашр этиш, Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Улугбек, Навоий қабиларининг таваллуд топган кунларини нишонлашдаги улкан ҳиссаси ва жонқуярликлари ҳам юқоридаги фикримизнинг исботидир.

II. Мўминов республикамизда ижтимоий-гуманитар фанларнинг етилиб-ўлгалишига, ташкилий жиҳатдан кенгайиши, мутахассислар билан таъминланиши, Ўрта Осиёнинг бошқа республикалари ичида кўзга кўринарли муҳим ютуқларни қўлга киритишига улкан ҳисса қўшди. Бевосита унинг ташаббуси билан Ўзбекистон Фанлар академияси таркибига Фалсафа ва ҳуқуқ институти, Археология институти, ижтимоий илмлар соҳасида СОПС — Республика Ишлаб чиқариш кучларини ўрганувчи кенгаш ташкил этилди. Ижтимоий-гуманитар фанларнинг турли соҳалари бўйича аспирантура ва докторантуралар кенгайди ва фаол иш олиб борди, диссертация ҳимояси бўйича қатор махсуслашган советлар ташкил этилди, юзлаб номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимоя этилди.

Бевосита Иброҳим Мўминовнинг шахсан ўзлари раҳбарлигида фалсафа ва тарих соҳасида 80 дан ортиқ номзодлик 20 дан ортиқ докторлик диссертациялари ҳимоя этилди.

Иброҳим Мўминовнинг қаламига маъсуб бўлган «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихидаги роли ва ўрни» китобчаси биринчи бор 1968 йил 5 июлда Ўзбекистон Фанлар академияси Президиуми қошидаги кенгашда ўқилган илмий маърузанинг матни асосида рус ва ўзбек тилларида нашр этилган эди. Бу кенгашда академиянинг айрим раҳбарлари, турли институтлар, айниқса ижтимоий-гуманитар бўлимининг институтларидан таклиф этилган академиклар, мухбир аъзолар, фан докторлари ва номзодлари иштирок этиб, ушбу маъруза кенг муҳокама этилган ва ижобий баҳоланган ҳамда қимматли таклифлар, маслаҳатлар айтилиб, нашрга тавсия этилган эди. Бу маслаҳатлар ва муҳокаманинг натижалари назарга олинган ҳолда матн рус ва ўзбек тилларида шу 1968 йили «Фан» нашриётида алоҳида китобча ҳолида нашр этилди.

Бу воқеа республикамизнинг кўп зиёлилари, фан ва адабиёт вакиллари эътиборини ўзига жалб этди. Чунки у республика ва иттифоқ тарих фани учун кутилмаганда ниҳоятда далил, совет фанида ҳукмрон бўлган мулоҳазалардан, социалистик мафкура талабидан ўзгарақ мавқега эга бўлган ҳодиса сифатида кутиб олинди.

Бундай китобчани бирданга эмас, аввалдан чуқур мулоҳаза ва ўйланмишлар натижасида пайдо бўлган деб билиш табиийдир. Маълум бўлишича, Иброҳим Мўминов тарихчилардан ЮНЕСКОнинг бу хал-

қаро анжуманига Темур, темурийлар фаолияти ҳақида объектив илмий материал маъруза тайёрлашни тақлиф этган. Лекин шу давр бўйича ишлайдиган бирор тарихчи — мутахассис бу ишга журъат эта олмаган. Шунда Иброҳим Мўминовнинг ўзлари бу ишни амалга оширишга бел боғлаганлар. Марксча-ленинча мафкурага асосланган совет тарих фанида Амир Темур тўлигича «босқинчи», «золим», «халқларни қақшатган қонхўр» деган турли ўта салбий характеристикалар тўлигича ҳукмрон бўлган бир шароитда И. М. Мўминов биринчи бўлиб Темурни илмий, объектив ўрганиш, унинг турли соҳадаги фаолиятига тўғри, изчил баҳо бериш масаласини кўтариб чиқди. Бу ўша шароитда ўз даври учун ўта жасурлик, ўта кескинлик эли, ҳеч қайси олим бу ишга журъат эта олмаган эди.

Иброҳим Мўминов китобчада табиий равишда ўша даврда тўлигича ҳукмрон бўлган Коммунистик сиёсат ва марксча-ленинча назарияга ҳавола этган ҳолда Амир Темурнинг бошқа ўлкаларни босиб олишдаги урушлари ва сиёсатини эслаб ўтиш билан бирга, асосий эътиборни унинг ўрта Осиё тарихи учун ижобий роль ўйнаганлигини тадқиқ этишга қаратади.

Хусусан, Темур ўрта Осиёни мўғуллардан озод қилиш ва уни мустақил ва кучли давлатга бирлаштиришга ва ҳар томонлама ривожлантиришга улкан ҳисса қўшди. Шу билан бирга И. Мўминов тасвирида Темур ўрта Осиёда шаҳарларнинг қурилишига, илм-фан, дин аҳлига эътибор берди, ўзaro феодал вилоятларнинг олдини олди, савдо-сотик, хунармандчиликка кенг йўл очди, бошқа давлатлар билан алоқаларни кучайтирди, мамлакатни бошқариш учун «Қонунлар» — («Темур тузуклари»)ни яратди, армияни мустаҳкамлади, иқтисодий ва сиёсий бақувват давлат системасини вужудга келтирди, буюк ва жасур саркарда, моҳир давлат арбоби бўлиб танилди.

Иброҳим Мўминов ўзи бошлаган ишни изчил давом эттирган ҳолда Темур томонидан яратилган давлатни бошқариш қонунлари «Темур тузуклари»нинг («Уложение Тимура») инқилобдан олдинги рус нашрини «Фан» нашриётида қайта кўпайтириш (1968 й.), Темур даври ва унинг турли соҳадаги фаолияти ҳақида XV аср бошида ёзилган муҳим манба Шарофиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарининг факсимиле нусхасини нашр (1972 й.) этишининг асосий ташаббускори бўлди.

Ўзбекистонда Иброҳим Мўминовнинг бу фаолияти, унинг Темур ҳақидаги китобчаси жамоатчиликни ҳайратда қолдирди ва ижобий кутиб олинди. Лекин айрим шахслар Иброҳим Мўминовнинг бу ишларидан унга қарши кураш йўлида фойдаланиш ҳаракатига киришдилар. Китобча И. М. Мўминовни Темур фаолиятини «идеаллаштириш», унга ғайри-илмий ёндашни, сиёсий-ғоявий хатога йўл қўйишда айбдор қилиб кўрсатишга бўлган уринишларнинг авж олишига сабабчи бўлди. Бу ишга Москвадаги айрим илмий текшириш институтларининг раҳбарлари, тарихчилар, ҳатто КПСС Марказий Кўмитасидаги баъзи раҳбар ходимлар ҳам жалб этилди.

Амир Темур ҳақида И. М. Мўминов олиб борган ишлар, тадбирлардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга интилган Тошкент ва Москвадаги айрим шахслар, раҳбарларнинг ҳаракати И. Мўминовнинг руҳиятига, саломатлигига салбий таъсир кўрсатди.

Ўша йиллари мамлакатда ҳукмрон бўлган мафкуравий диктатура, ғоявий бирёқламалик — адолатсизликнинг сиёсий қудратига асосланган бундай ивво, ноҳақ тўхматлар Иброҳим Мўминовга ниҳоятда оғир ботди. У кишининг виждони, нозик қалби, онги ноҳақ гапларни, шахсий мақсадларини ҳақиқатдан, ўз халқи маънавий манфаатларидан устун қўювчи шахслар фалсафасини сингдира олмади. 1974 йил

22 июлда узоқ давом этган касалликдан сўнг Иброҳим Мўминов вафот этди.

Амир Темурнинг улкан, жаҳоншумул фаолиятини объектив илмий ўрганиш эндиликда Ўзбекистоннинг Марказ таълиқидан қутилиб, мустақиллик йўлидан ривожлана бориши муносабати билан кенг тус ола бошлади. Темурнинг XIV асрда мамлакатимиз тарихида, унинг маданий-маънавий юксалишида, ўлкамизда сиёсий мустақил давлатнинг вужудга келишидаги тугган ўрни ҳақидаги мақолалар, турли китобларнинг вужудга кела бориши мустақиллигимиз, янги тараққиёт йўлига киришимизнинг натижасидир. Бу ишни биринчи бўлиб чорақ аср муқаддам олдинги тузум, мафкура ва сиёсат тўла ҳукмрон даврида Иброҳим Мўминов бошлаб берган эди. Бу ўз даври учун жасорат, қаҳрамонлик, жасурлик эди.

Иброҳим Мўминов тарихни илмий ёритиш, миллий тарихга илмий ёндашиш, ҳақиқий маданий меросни тиклаш, мустақил фикр юритиш учун курашнинг қурбони бўлди.

И. М. Мўминов ажойиб олим, жонкуяр устоз, адолатли раҳбар сифатида юқори маданият ва мустақкам ирода эгаси, ўзидан ҳам, бошқалардан ҳам ниҳоятда талабчан, қаттиқ интизом тарафдори бўлган ва бу йўлда биринчи бўлиб ўзи намуна кўрсатар эди. Лекин шу билан бирга бошқаларга, айниқса, ёшларга ғамхўр, ёрдам қўлини чўзишга доимо тайёр, ночорларга кўнгилчанг, эътиборли, бағри кенг, олижаноб инсон эди. Бу йили у кишининг таваллудига 85 йил тўлди.

И. М. Мўминов фаолияти ва тафаккурининг муҳим ҳислатлари изчиллик, мустақиллик, эътиборлилик, чуқур ва асосли билим, кенглик эди. У ҳар доим мустақил фикр юритар ва ўз фикрида қатъий туриб, уни изчил амалга оширар эди.

И. М. Мўминовнинг фанимиз, маданиятимиз учун қилган хизматини биз ҳеч қачон унутмаймиз. Республикаимизнинг мустақиллиги, ҳозирда миллий мерос, миллий маданиятимиз учун курашга ҳурматли доғламиз И. М. Мўминовнинг қўшган ҳиссаси улкандир.

Э. ЮСУПОВ

КАМТАРИН ВА БУЮК ИНСОН

Даврлар ўзгариши, вақт ўтиши билан буюк инсонларнинг номи ўчмайди, балки уларнинг жамият учун қилган хизматлари, фан тараққиётига қўшган ҳиссаларининг тобора янги ва янги қирралари очилиб боради. Буюк инсонлар илмий тафаккурнинг ўз давридаги имкониятларидан анча илгарилаб кетадилар. Келажак авлодлар ҳам уларнинг қолдирган меросидан баҳраманд бўлиб маънавий камолатнинг янги чўққиларига етишиш имконига эга бўладилар.

Академик Иброҳим Мўминов мана шундай буюк инсонлардан бири эди.

Ҳозирги кунимиз, келажак истиқлолимиз манфаатлари нуқтан назаридан қараганимизда Иброҳим Мўминов миллатимиз тарихидаги доно даҳолардан бири эканини чуқурроқ тасаввур қилиш имконига эга бўламиз.

Ахир миллат ўтмиши ва маданияти тарихини ҳолисона ўрганиш, чеklang қўйилган ўша муҳим даврларда ўзбек халқининг жаҳон маданияти тарихига қўшган ҳиссасини ўрганишга илмий жамоатчиликнинг диққатини жалб қилиш, бу соҳада етук бир мактаб яратиш, истеъдодли ёш мутахассисларни тарбиялашнинг ўзи ҳам катта жасорат эди-ку.

Буюк бобокалонимиз Амир Темур ҳақида ўша йилларда ҳолисона, ҳукмрон сиёсат чегарасига сиймайдиган фикрни очиб айтишнинг

Ўзи ҳам илмий ва инсоний жасорат бўлди. Ушунга йилларда ҳукмрон тузум Темур ва унинг фаолияти ҳақидаги илмий фикрлари учун Иброҳим Мўминовга жуда қаттиқ таъийқ кўрсатди, очиқ, олижаноб қалбига кўп жароҳатлар етказди. Марказ погорасига кўзини юмиб рақсга тушишга ўрганиб қолган маҳаллий миллатфурушлар ҳам унга кўплаб таъна тошларини отишди, иғволар уюштиришди. Лекин академик Иброҳим Мўминов виждони пок бўлгани, қалб амри билан иш қилганлиги сабабли бундай фитна ва иғволардан устун турди, тавба тазарру қилиш йўлини танлаб олмади.

Мардлик ва ватанпарварлик инсоннинг буюклигини яна бир бор исботлайди. Лекин унинг очиқ қалбига етган жароҳатларни ҳеч ким даволай олмайди.

Мардлар эътиқод, ғоя учун майдонда курашиб мардларча ҳалок бўладилар. Аммо миллатимизнинг доно даҳолари ҳаётдан кўз юмганидан кейингина уларни эслаб, кўз ёши тўкиш касалига мубтало бўлиб қолдик.

Ҳозир Амир Темур ҳақидаги тарих ҳақиқати тикланди. Унинг номига қишлоқлар, шох кўчалар, катта майдонлар, мактаблар қўйилмоқда. Тошкент шаҳрида унга ҳашаматли ҳайкал ҳам ўрнатилди.

Мен бу олижаноб ишларнинг гувоҳи бўлганимда ҳаммавақт Иброҳим Мўминов кўз олдимга келади.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришганини кўриш Иброҳим Мўминовга насиб этмади. Лекин у ўзбек халқининг миллий онги ўсиши, миллий бирлик ва бирдамлик туйғуси мустақамланишига ўзининг катта ҳиссасини қўшди. Бу субъектив омил мустақилликка эришганимизнинг муҳим заминларидан бири бўлди.

Мен докторлик диссертациясини ҳимоя қилишимдан олдин домла билан кўп мулоқотда бўлдим...

Иброҳим Мўминов Октябрь инқилобидан олдин Ўзбекистонда ҳукм сурган маданий қоқоқлик масалаларига берилган баҳолар билан келишмади. Бир суҳбат вақтида менга қараб жиддий бир оҳангда шундай деди: — Эркинбой, ўзбек халқининг ўтмишдаги маданий қоқоқлиги ҳақида ёзганда кўп нарсани ўйлаш керак. Биринчидан, маданият ўзи нима эканини тўғри ёритиш керак. Агар маданият тушунчасининг барча мезонларини ҳисобга олсак халқимиз маданий камолатнинг қатор соҳаларида бошқалардан кам бўлмаганини, ҳатто устун ҳам турганини кўришимиз мумкин.

Бу доно насиҳатларда қанчалик катта маъно ётганини мен кейинроқ тушуниб етдим. Докторлик диссертацияси устида домла раҳбарлигида олиб борилган қўшимча ишлар мен учун катта бир мактаб бўлди. Мен Иброҳим Мўминов фақат етук файласуфгина эмас, балки Ўзбекистон тарихининг чуқур билимдони эканини ҳам билиб олдим.

Докторлик диссертацияси ниҳоясига етганидан кейин Иброҳим Мўминов мени ўз хонасига чақиртириб олиб шундай деди: — мана, ишингиз ҳам ҳимояга тайёр бўлди. Сиз ёзаётган диссертация бўйича қандай гаплар бўлганини яхши билмайсиз. Баъзи кишилар И. Мўминов Э. Юсуповнинг ҳимоясини жўртага орқага суриб келмоқда деб мендан ўч олмоқчи бўлдилар. Лекин мен илмий ишингиз етук, пишиқ бўлишини хоҳладим. Сизга берган барча маслаҳатларим самимий эканини ўзингиз сезган бўлсангиз керак, деди. Мен домланинг донолиги, шошилмай узоқни кўзлаб иш қилишига яна бир бор ишондим. Энди, деди, у қўшимча қилиб, мен ўзим сизга биринчи оппонент бўламан.

Иброҳим Мўминовнинг етук билимлигина эмас, балки олижаноб хислатлари ҳам ёшлар учун катта бир мактаб вазифасини ўтади. Давр ўтиши билан у кишининг характеридаги олижаноб, ибратли фазилат-

ларининг аҳамиятини янада чуқурроқ англаш ва қадрлаш имконига эга бўлмоқдамиз.

Темур шахсига берилган баҳслар борасида шов-шувлар кучайиб кетган бир вақтда домла билан суҳбатлашиш имконига эга бўлдим.

Бу суҳбат 1972 йилнинг баҳорига бўлди. Уша йилнинг бошида Андижонда Урта Осиё тарихига бағишланган катта анжуман бўлиб, унда кўплаб долзарб бўлиб турган илмий муаммоларга баҳо бериш ўрнига кўпгина олимлар яна Темур шахсига қоралаш, шу орқали Иброҳим Мўминовга тош отиш йўлини ташлаб олган эдилар. Шу анжуманда мен сўзга чиқиб Темур шахсига бир томонлама баҳо бериш хато эканлигини айтган эдим. Домла мендан Андижон анжуманида қандай масалалар кўрилганини сўради. Мен ҳамма нарсани айтиб берганимдан кейин, қулмсираб, асабни маҳкам қилаверинг, бу гаплар ҳаммаси ўтиб кетади, деди. Шунда мен бўлаётган барча ифво ва шов-шувларга қарамай Иброҳим Мўминов Темур шахсига баҳо берган масаласида ўз эътиқодидан қайтмаганини фаҳмладим.

1979 йили мен Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти лавозимига сайландим. Мен 11 йил давомида шу лавозимга сайланганимдан эмас, балки Иброҳим Мўминов ишлаган хонада ўтирганимдан мағрурланиб юрардим.

Иброҳим Мўминов вафотидан кейин Ўзбекистонда кўпгина воқеалар бўлиб ўтди.

1984—1990 йилларда Ўзбекистонга марказдан юборилган десантчилар, уларнинг маҳаллий миллатфуруш ҳомийлари Ш. Рашидовни қоралаш билан бирга, унинг энг яқин кишиларидан бири бўлган Иброҳим Мўминовнинг ҳам номига доғ туширмоқчи бўлдилар. Маданий меросимизга, миллий қадриятларимизга нисбатан бўлган ваҳшиёна муносабат Темур шахсига қоралаш, шу орқали марҳум Иброҳим Мўминовнинг шаънига яна тош отиш билан боғланиб кетди. Ҳатто Ўзбекистон Фанлар академияси ижтимоий институтлари жойлашган бинодаги мемориал лавҳани олиб ташлаш тўғрисида ҳам бир неча марта оғзаки кўрсатма берилди. Лекин академия президенти Обид Содиқов билан келишиб олиб бу бебошликка йўл қўймадик.

Иброҳим Мўминовнинг туғилган кунларини нишонлаш ҳам мумкин бўлмай қолди. 1988 йил кузида ҳам домланинг туғилган кунига 75 йил туғилишни кенг кўламда нишонлаш имконига эга бўлмадик. Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг раҳбарлари, биринчи навбатда В. П. Аннишев, бунга жиддий қаршилик кўрсатди. Шундай бўлса ҳам биз домланинг ҳаёти ва ижоди ҳақида мақола тайёрлаб «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» журнали саҳифасида эълон қилишга ҳаракат қилдик.

Забардаст олим, олижаноб мураббий, фанимизнинг бетакрор ташкилотчиси Иброҳим Мўминов қалбимизда абадий яшайди.

С. АЗИМЖОНОВА

ОЛИЖАНОБ ИНСОН ЭДИЛАР

*Бари элга яхшилик қилганик, бундан
яхши йўқ,
Ким дегайлар даҳр аро қолди
фалондин яхшилик.*

Заҳириддин Муҳаммад Бобур қаламига мансуб бўлган бу сатрларни келтиришим бежиз эмас, албатта. Ҳурматли Иброҳим Мўминович Мўминов юқорида айтилганидек, умр бўйи фақат яхшилик қилиб яшаган дини пок, кўнган кенг устоз ва олим эдилар. У киши илм аҳлига кўп яхшиликлар қилган ва халқига сиққидилдан хизмат кўрсатган ўз юртининг ажойиб фарзанди эдилар. Иброҳим Мўминовда

мужассамлашган барча инсоний фазилатлар уларни билган ва айниқса, бирга ишлаб мулоқотда бўлган ҳар бир кишининг қалбида чуқур муҳаббат уйғотар эди. Олимнинг Ўзбекистон фан-маданияти равнақи-га қўшган ҳиссалари ниҳоятда беқиёсдир. Кўплар қатори мен ҳам у киши ЎзФА Тарих институти директори лавозимида ишлаганида ва академиянинг вице-президентлигига сайлангандан сўнг иш юзасидан тез-тез учрашиб турардик. Сўхбатларимиз асосан, Ўзбекистон ижтимоий фанлари, жумладан, шарқшунослик илмий тадқиқот ишларига тегишли бўлиб, (мен у пайтларда Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти директори эдим) шу соҳада мавжуд бўлган айрим муаммо ва масалалар ечимини маслаҳатлашиб олар эдик. Иброҳим Мўминович иш юзасидан беҳад талабчан ва қаттиққўл ҳам эдилар. ЎзФА ижтимоий фанлар бўлимида муҳокама этиладиган ҳар бир масала пировардида чуқур илмий мулоҳазалар ва қизгин баҳслар билан яқунланар эди. Маълумки, ўша пайтларда Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтининг кўпгина олимлари ўз илмий мулоҳазалари билан халқаро шарқшунослар анжуманларида иштирок этиш шарафига эришган эдилар. Институтда сақланаётган қўлёзмалар эса дунёнинг нафақат олимлари, балки йирик давлат арбоблари диққатини ҳам ўзига жалб этган эди.

Институтимизга чет эллик меҳмонлар тез-тез ташриф буюриб турардилар. Бундай муҳим ва ниҳоятда масъулиятли давларда Иброҳим Мўминов доим ўзининг доно маслаҳатлари билан бизга далда бўлардилар. У кишининг бундай чин дилдан ва меҳрибона ёрдамлари тўғайли, ҳар қандай нозик вазият ҳам қувончли яқунланарди.

Собиқ СССРда биринчи бўлиб, 1957 йили Тошкенда Бутуниттифоқ шарқшунослар анжуманини чақиринида Иброҳим Мўминов катта ташаббус кўрсатди. Бу ташаббус ЎзФА ҳайъатида муҳокама этилиб, маъқуллангач, бу борадаги ташкилий ва амалий ишлар бошланиб кетди ва Иброҳим Мўминович ўзларининг бу ғояларини амалга оширишда катта жонбозлик кўрсатдилар.

1957 йил 4 июнда Тошкенда ўз иштини бошлаган Бутуниттифоқ шарқшунослари анжуманида собиқ СССРнинг йирик олимларидан ташқари кўпчилик хорижий мамлакатлардан (Мўғулия, Курия, Хитой, Чехословакия, Польша, Руминия, Бўлгария) меҳмонлар иштирок этдилар, маърузалар шарқшунослик, тарих, фалсафа, иқтисод, тилшунослик, адабиётшунослик ва этнография каби соҳаларга тааллуқли эди. Бу анжуман якунида ўқилган илмий маърузалар кўпчилик олимлар томонидан юксак баҳоланди ва қўллаб-қувватланди.

Собиқ СССР ФА тарих бўлимининг бошлиғи, йирик шарқшунос олим Е. М. Жуков Тошкенда ўтган Бутуниттифоқ шарқшунослар анжуманига баҳо бериб, «Бизнинг шарқшунослик фанимиз тарихида, ҳозиргача ҳали бу даражадаги йирик анжуман бўлган эмас, шунини қайд қилиш керакки, бу анжуман Ўзбекистон олимларининг ташаббуси билан чақирилди. ЎзФА ва унинг вице-президенти бу борада жуда катта меҳнат қилди»,— деб Иброҳим Мўминовнинг ҳам ташаббусини эслатиб ўтган эди. Академик Е. М. Жуковнинг юқоридаги фикри бежиз эмас эди. Дарҳақиқат, кўпдан-кўп бундай анжуманларга кейинчалик ҳам Иброҳим Мўминов бевосита раҳбарлик қилган эди. У киши ўз ижодий фаолиятлари давомида ҳамisha она ватан, халқи манфаатларини кўзлаб иш юритар эдилар. Маълумки, у киши ўтмиш шарқнинг олимлари илмий меросини ўзида акс эттирган муҳим тарихий қўлёзмаларни ўзбек ва рус тилига таржима этиб нашр қилиш фикрини илгари сурдилар ва биз шунини амалга оширишимизда катта ҳисса қўшдилар.

Иброҳим Мўминовичнинг илмий ва ижтимоий фаолиятлари ниҳоятда кўп қиррали эди. Гарчи, асосан файласўф бўлсалар ҳам, шарқ

халқларининг жумладан, Ўзбекистон дёрида яшаб ўтган машхур аллоамаларининг ўз даври тарихи, маданияти ва адабиётига қўшган улкан ҳиссалари ва қадр-қимматини ардоқлар эдилар. Уларнинг илмий меросини теzkорлик билан халққа етказишга интилар эдилар.

И. Мўминов Ўз ФА ижтимоий фанлар бўлимининг раҳбари сифатида институтларининг илмий кенгашларида тез-тез қатнашиб турар эди. Шу жумладан, бизнинг Шарқшунослик институтимиз илмий кенгашида ҳам баъзан иштирок этиб, муҳокама қилинган мавзуларда ўз фикр-мулоҳазаларини очиб ва лўнда қилиб изҳор қилар эдилар. Баъзан бундай илмий кенгашларда мунозаралар бошқа институтларда бўлганидек, қизгин тус олар, илмий баҳслар, баъзан шахсий адоватлар билан аралашиб қолган кезлари ҳам бўлар эди. Шундай вақтларда Иброҳим Мўминовни ўз фикрларини холисона билдирган ҳолда чегарадан чиқмаслигини эслатиб, ўз сўзларини «андишалик» бўлмоқ керак деб яқунлар эдилар.

Иброҳим Мўминов ФА Шарқшунослик институтида олиб борилаётган илмий тадқиқотларга катта аҳамият берарди. Эртдан то кенгача бошини нодир қўлёмалар саҳифаларидан кўтармай, муролаа қилган ёш ва кекса илмий ходимларимиз меҳнатини Иброҳим Мўминов қадрлаб, уларнинг ҳар бирини жуда катта ҳурмат билан қарши олар эдилар.

Маълумки, Иброҳим Мўминов республикамизда биринчи бўлиб Темур ва темурийлар даври тарихий меросини ўрганишга қўл урган эди. Темур ва темурийлар даври тарихини ўзида акс эттирган китобларни жумладан, Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» китобининг нашр этилишига Иброҳим Мўминов сабабчи бўлган эдилар. Сўнграқ Иброҳим Мўминов темурийлар даврини бўрттириб кўрсатишда айбланди. Бу ҳақда Ўзбекистон собиқ Компартия Марказий Қўмитасининг алоҳида қарори ҳам чиқарилган эди. Бу қарор илмий ташкилотларда муҳокама қилина бошланди. Эсимда Ўз ФАнинг мажлисларидан бирда юқоридаги масала муҳокама этилиб, Амир Темур тарихини ўзида акс эттирган Шарафиддин Али Яздий асари «Зафарнома»нинг танқидий матнини нашрга тайёрлаган институтимиз ходими А. Уринбоев танқид остига олинди. А. Уринбоев қачдай мушкул аҳволда қолгани ҳозиргача кўзин олдида. Худди шу онда Иброҳим Мўминовни мажлисда сўзга чиқиб, «А. Уринбоевни эмас, мени муҳокама қилинлар, «Зафарнома» матнини нашрга тайёрлашни мен буюрган эдим».— деб ҳамманн ҳайратда қолдирдилар. У киши бундай катта айбни мардонворлик билан ўз устларига олиб А. Уринбоевга таскин бердилар. Бу жасорат эса Иброҳим Мўминовни ҳалол ва улкан қалб соҳиби, ажойиб ниссон ва олим эканлигидан далолат беради. Эҳхимоф, бошқа киши бўлганда бундай қалтис вазиятда ўзини четга олган бўларди.

Яна бир воқеа эсимда, 60-йиллар ўрталарида ФА Шарқшунослик институтига (ҳозирги Академия шаҳарчасида) янги бино қуриш масаласи кўтарилди. Айни шу вақтда бу бинонинг марказдан нисбатан узоқдан бўлган ҳозирги ўрнида қуриш ҳақида гап бўлганда, мен институт раҳбари сифатида кўп қаршилик кўрсатдим ва Иброҳим Мўминов билан кўп баҳслашдим. Чунки, менинг назаримда институтга мўлжалланган бу жой марказдан анча узоқ бўлиб, транспорт воситалари бугунги кун даражасида эмас эди. Иброҳим Мўминов ўзларига хос ажойиб мулоимлик билан менга «Сиз рози бўлинг, агар қаттиқ нозилик билдирсангиз, институт шу аҳволда қолиб кетади».— деб мени кўндирдилар. Бу бинони қуриш ва жиҳозлашда жуда кўп қийинчиликларга учрадик. Лекин Иброҳим Мўминов ҳаммавақт қўлларидан келган ёрдамни аймадилар. У кишининг бевосита ёрдамлари туфайли, эндиликда А. Р. Беруний номидаги жадоғга машхур бўлган Ўз ФА

Шарқшунослик институти яхши жиҳозланган, нодир қўлёмалари эса доимий бир хил ҳароратда сақланадиган махсус биюга эга бўлди.

Институт биноси кўркам боғлар билан ўралган. Бу боғлардаги ҳар бир дарахтнинг майини шабадаси ёнинг ҳароратли иссиқ кунларида кўнгилага ором баҳш этганда шу бию ва боғни барпо этишда Иброҳим Мўминовичнинг берган беминнат ёрдами эга тушиб, у кишининг ёрқин сиймоси кўз ўнгимизда доим намоён бўлади.

Пирик мутафаккир олим, ўз халқи илми фани, маданий меросини ардоқлаб, унга ўз жошини фидо қилган устозимиз Иброҳим Мўминов сиймоси шарқшунослар қалбига мангу жой олган. Афсуски, Иброҳим Мўминов айни ижодий кучга тўлган бир пайтда оламдан бевақт кўз юмдилар. Иброҳим Мўминовнинг Ўзбекистон ижтимоий фанлари ривожига айниқса, Ўзбекистон Шарқшунослик фанининг тараққиётига қўшган улкан ҳиссалари абадий ёдимиздадир.

М. БАРАТОВ

УСТОЗ

Ўзбек миллатининг маданий-маънавий мероси тўғрисида қайғуриб, унинг адолат тарозиси нуқтан-назаридан баҳолашга катта ҳисса қўшган улуғ зотлардан бири устоз Иброҳим Мўминович Мўминов эдилар.

Мен устоз Иброҳим Мўминов билан 1956 йил июль ойида танишдим. Тошкент Давлат университетининг шарқ факультетини битиргач, мени аспирантурага тавсия қилишди. Шарқшунослик институтига борсам, менга рад жавоби беришди ва институтнинг илмий котиби Ўзбекхон Аъзамович: «Тарих ва археология институтига бултур янги директор тайинланди — у киши Иброҳим Мўминов — Шарқ фалсафаси бўйича мутахассис, ўша киши бизларга Шарқ тилларини биладиган ёшлардан бўлса менинг қошимга юборинглар, деб айтган эдилар. Иброҳим Мўминов ҳузурига борсангиз, зора аспирант қилиб олсалар» — дедилар. Мен у зот ҳузурларига бордим. Менинг ҳужжатларимни кўриб домла академик Рауф Баратовга ким бўласиз дедилар. Мен эса ул кишини танимаслигимни, мен асли Самарқанд вилоятининг Нурота ноҳиясидан эканлигимни ота-онам ёшлигимда вафот қилиб сағир ўганимни айтдим, домла бироз тўлқинландиларда, сўнг қайси тилларни биласиз дедилар. Мен эса урду, форс, инглиз тилларини билишимни айтдим. Унда имтиҳонга тайёрланинг, конкурс бўлади, агар билим даражангиз тўғри келса, фалсафадан аспирантурага киришингиз мумкин, дедилар. Мен қувониб кетдим. Орадан бир ой ўтгач, фалсафа тарихи ва Шарқ фалсафаси тарихидан имтиҳон топширгани институтга келдим. Имтиҳонни домла билан бирга М. Хайруллаев ва А. Қосимовлар олишди. Улар баҳони ёллон қилиб, «Аъло олдим деб мағрурланманг, бу билимлар дебочаси, бундан кейин номзодлик имтиҳони топширишингиз керак, у жуда мураккаб» — дедилар.

Барча имтиҳонлар топширилгандан кейин 1956 йилнинг 1 ноябрида мен аспирантурага қабул қилиндим худди шу кун Иброҳим Мўминов академиямизнинг вице-президенти этиб сайландилар. Шу кундан бошлаб то 1974 йил июлигача мен домла билан бирга бўлдим. Мени том маънода ҳар томонлама тарбияладилар. Ул зотнинг раҳбарлигида 1961 йилда номзодлик диссертациямни, 1972 йили докторлик диссертациямни ҳимоя қилдим. Домла раҳбар бўлган институтда аспирантликдан шу институтнинг директори (1970—1975) гача лавозимларида ишладим.

Домланинг бутун қиёфалари, юрш-туришлари, хулқ-атворлари, инсонга меҳрибонликлари, ўзларига ва бошқаларга талабчанликлари,

чуқур мулоҳазаларни, фикрларининг теранлигини, пок қалбларни, ҳар томонлама чуқур билимларни бизларга ўрнак эди. Бул зот бизлар учун том маънода идеал инсон эдилар.

Аспирантурада ўқиш жараёнида мутахассислигимдан — Шарқ фалсафаси тарихидан номзодлик имтиҳони топширишга тайёр бўлиб домла ҳузурларига келдим. Адабиётлар: — манбалар рўйхатини кўздан кечириб, ҳаммасини ўқиб конспект қилдингизми, дедилар. Мен ижобий жавоб бердим. У киши:— Арастуниинг «Метафизика»сини, Ал-Ғазолининг 1904 йил Тошкентда ўзбек тилидан чоп этилган «Қимёи — саодат» асарини ва Аҳмад Донишнинг «Наводирул-вақое» («Нодир воқеалар») (форс тилида) асарларини сўрадилар. Худди шу асарларни мен топа олмаган эдим. Бу китобларни мутолаа қилмай туриб, қандай файласуф бўласиз дедилар. Арастуниинг китоби Тошкентда бир нусха бор Навоий Давлат кутубхонасининг нодир фондида, «Қимёи-саодат» билан А. Донишнинг асарлари Шарқшунослик институтининг фондида бор. Ана шу асарларни яхшилаб тушуниб олганингиздан кейингина имтиҳонга келинг дедилар. Шундан сўнг яна 6 ой тайёргарлик кўриб, кейингина имтиҳон топширганман.

Ҳиндистонга хизмат сафарига жўнашим олдиан устоз ҳузурларига чақириб, сафар дастури билан қизиқдилар. Мен Деҳли, Алигарх, Банорас, Агра ва Рабиндранат Тагор тузган дунёга машҳур Шантеникетан (Калькуттада) университетларига бориб, ҳинд фалсафаси Ўзбекистонда қандай ўрганилиши ва ўқитилиши ҳамда умуман шарқ мутафаккирлари — Ибн Сино, Форобий, Беруний, Бобур мероси қай тарзда тадқиқ қилинаётганини лекцияларимда ёритаман дедим. Шунда домла агар Алигарх Муслмон университетида Исмоил Бухорий ҳақида сўрашса, нима дейсиз дедилар. Ҳақиқатан бу буюк мутафаккирни мен чуқур ўрганмаган эдим. Домла Бухорий ҳақида менга батафсил илмий ахборот бердилар ва айтдиларки, бу каби зотларни ҳам меросини ҳар томонлама ўрганишимиз зарур. Исломотининг машҳур назарийчиси Исмоил Бухорий ислом дунёсида биринчи бўлиб ҳадисни яратган ва ул зотининг «Ал-Сахиҳ ал-Бухорий» китоби ислом таълимотининг чўққиларидан, дедилар. Бу мен учун тамомила янгилик эди. Бундан ташқари, домла ҳинд олимлари билан бўлган суҳбатда — ҳинд пантеизми (Брахманизм, Вайшешика, Веданта, Миманса, Ньяява, Чарвака каби қадимги ҳинд фалсафий таълимотлари)нинг суфизмга (тасаввуфга) кўрсатган таъсири бўйича фикр алмашинг. Мен Бедилнинг «Чор унсур»ини тадқиқ қилганимда шунга дуч келган эдим, дедилар.

Мен Ҳиндистонда Алигарх университети ва Шантеникетан университети домлалари билан шу хусусда мунозара ўтказиб, анча нарса билиб олдим. Сўнг устознинг таклифлари билан 1973 йил сентябрь ойида Болгарияда бўлиб ўтган XV халқаро фалсафий анжуманда «Ҳиндистон қадимий фалсафасининг тасаввуф (суфизм) шаклланишига таъсири ҳақида мулоҳазалар» мавзудида маъруза қилдим.

Устоз шу тариқа ўз шоғирларининг диққатини шарқ фалсафасининг энг нозик ва қизиқарли муаммоларига жалб қила олар эдилар.

Домла ҳузурларида доимий назарий семинар мавжуд эди. Бир ойда 2 марта барча файласуфлар, жумладан аспирантлар ҳам шу семинар машғулотларда қатнашар эди. Бу семинар 1956 йилда ташкил қилинган бўлиб, то домла вафотларига қадар давом этди. Бу қўшимча университет эди. Барча фалсафий муаммолар, муҳим масалалар атрофича илмий жиҳатдан муҳокама қилинар эди. Еш олимлар учун ўсиш, улгайиш мактаби эди. Афсуски, домла вафотларидан кейин бу давом эттирилмади.

1970 йил май ойида домла мени ҳузурларига чақириб, — сизнинг докторлик диссертациянгиз тугай деб қолди энди шу институтни бошқарсангиз, дедилар. Мен эътироз билдирдим, майли муовин бўлай,

декин, директорликни эплай олмайман, дедим. Домла эса жиддий тус олиб, агар эплмасангиз нидан олиш осон, кўраминиз нимага қодир бўлиб етишибсиз, ё бизни меҳнат зос кетдимикан, дедилар. Бу гап менга жуда қаттиқ таъсир қилди. Ҳали ҳам эсласам татсириланман.

Меҳнат фаолиятимизда устозимнинг ишоначларини оқлаш учун доимо интилиб юрдим.

Домла вафотларидан кейин 1975 йил март ойида марҳум Шароф Рашидов мени ҳузурларига чақириб Ўзбек қомусига Бош муҳаррирлик лавозимига тақлиф эдилар. Шунда ул зот бу албатта, оғир маъсулият, лекин Иброҳим Мўминов сизга ўхшаган ёш олимларни яъни ишият билан, булар келгусида халқ учун, миллат учун фидокорона меҳнат қила олади деб, бутун умрларини шунга сафарбар эдилар. Домланинг ишларини сиз шогирдлари давом эттирмаса, ким бу ишни бажаради. Ишонамизки, бу мураккаб ишни сиз уддалай оласиз. Сиз ҳақингизда домла менга ижобий фикрлар айтганлар, дедилар.

Ўзбек қомусининг биринчи Бош муҳаррири Иброҳим Мўминов эдилар. Жуда катта машаққатли зарбаларга чидам билан мардона бардош бериб бу ишни йўлга қўйган эдилар. Домла вафотларидан олдин қомусининг 5 жилди нашрдан чиққан эди. Яна 9 жилдини тайёрлаб нашр қилиш зарур эди. Қомус ҳужжатларини кўздан кечирсам, домла қомус жамоаси олдига ҳар йили 2 жилд нашрга тайёрланиши ва 2 жилдини нашрдан чиқариш вазифасини қўйган эканлар. Ишчан жамоани сафарбар этиб, шу вазифани бажаришга киришдик ва бир-бир ярим йил ичнда, 6, 7, 8, 9-жилдлар нашр қилинди.

Мен гарчи Бош муҳаррир этиб тайинланган бўлсам ҳам, шу жилдларни устозим номлари остида чиқаришга эришдим. Бу билан мен устозимнинг 18 йил мобайнида мени олим ва инсон сифатида шаклланганимга сарфлаган меҳнатларига менинг бурчим ва ташаккурим деб ҳисобладим.

Иброҳим Мўминов диссертация ҳимояси жараёнига жуда катта эътибор берар эдилар, доимо ёрдам қўлларини чўзар эдилар. Бизлар махсус кенгаш аъзоларига шу нарсани доимо таъкидлар эдиларки, ҳимоя пайтида, ё оппонент бўлган чоқларингда ўзларининг шу инсон ўрнига қўйиб ҳис қилинглр ва ўзларинг диссертация ёзганда қанақа ҳолат ва кайфиятда бўлганларингизни ёдга олинглар. Ёнча таъкидий фикр-мулоҳазалар бўлса муҳокама жараёнида айтиш керак, ишни пиштиб ёқлаш даражасига чиқарилганда, диссертантга мадад бериш керак, деб доимо уқтирар эдилар. Ёки бирор инсон сизларга мурожаат қилиб ёрдам сўраса, ҳузурингизга келса, ёрдам қўлини чўзиш керак, чунки ёрдам сўраб, ё илтимос билан сизнинг олдингизга келгунча инсон изтироб чекади. Сиз унинг ҳолатини енгиллаштиришингиз керак.

Дарҳақиқат, домланинг ҳузурларига инсон қачон келса, ул киши ҳузурдан қанот қоқиб, руҳи кўтарилиб, мамнун бўлиб чиқиб кетар эди. Домламиз шундай инсон эдилар.

Мен қўлимдан келгунча бутун меҳнат фаолиятим жараёнида Фалсафа ва ҳуқуқ, Қомус, Шарқшунослик институти, ТошДУ қошидаги Малака ошириш институтига раҳбар бўлиб ишлаганимда домланинг шу панд-насиҳатларига амал қилишга ҳаракат қилдим. Домланинг буюк қиёфалари доимо кўз ўнгимда.

Домладаги олижаноб хислатлар — меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, ватанпарварлик хислатлари ёш авлодимизда, мустақиллик даври ёшларида мужассамланишини жуда-жуда хоҳлардим.

Иброҳим Мўминов бутун фаолиятларида миллат тараққиёти, қадриятларимизнинг равнақи учун фаол иш олиб бордилар. Ул зотнинг бевосита раҳбарлигида Абу Райҳон Берунийнинг 1000 йиллиги кенг нишонланди. Унинг ўлмас асарлари — «Ҳиндистон», ўтган авлодлар ёдгорликлари Беруний илмий меросига бағишланган «Беруний ва

гуманитар фанлар», «Беруний ва табиий фанлар» каби тўпламлар нашр этилди.

Самарқандда Темурийлар даври санъатига бағишланган халқаро анжуман ўтказилди ва устознинг «Амир Темурнинг Урта Осиё халқлари тарихида тутган роли ва ўрни» рисоласи нашр этилди. Муҳтарам устоз Абу Али Ибн Синонинг 1000 йиллигига тайёргарликни бошлаб берган эдилар. Натижада 1980 йили Ибн Синонинг юбилеи бутун дунёда кенг нишонланди ва унинг машҳур «Тиб қонуни» кўп томлик асари ўзбек ва рус тилларида нашр қилинди.

Иброҳим Мўминов — ўзбек халқининг содиқ фарзанди, буюк олим, ажойиб мураббий ва инсон сифатида келгуси авлодлар қалбида абадий сақланади.

А. Қ. ВАЛИЕВ

ҲАМИША БИЗ БИЛАН

И. М. Мўминовнинг Ўзбекистон тарихи ва фани оламида ҳеч ўчмайдиغان буюк хизматларидан бири — бу ўзбек қомусини яратишдаги жонкуярлигидир.

60-йилларда ўзбек қомусини яратиш устида иш бошланди. У йиллар ниҳоятда мураккаб, зиддиятли йиллар эди. Марказнинг миллий республикаларга, олиб бораётган сиёсатига, унинг миллий мутахассисларига нисбатан муносабати ўтакетган мустамлакачилик ва зўравонлик руҳи билан сугорилган, буйруқбозлик авжига чиққан, миллий республикаларнинг манфаатлари, анъаналари, урф-одатлари бир пақирга олинмайдиган давр эди. Ҳамма иш, бутун ҳаёт-мамоти Москвадан юборилиб, энг масъул лавозимларни эгаллаб ўтирган тоталитар система вакилларининг хоҳиш ва иродасига боғлиқ эди. Арзимаган ишга рухсат олиш учун Москвага бориш, у ердаги амалдорларнинг қош-қовоғига термулиш, уларга катта-катта тўхфалар қилиш зарур эди. Масалан, миллий мутахассисларни арзимаган нарса учун миллатчиликда, миллий чекланганликда, ўтмишни илоҳийлаштиришда айблаб, қувғинга солиш кенг авж олган эди. Не-не истеъдодли, халқпарвар, миллатпарвар кишилар тоталитар система томонидан жувонмарг қилинди. Улардан бири — Ҳ. М. Абдуллаев эди.

Қомусни яратиш тўғрисида Москванинг ижозати олингандан сўнгра И. М. Мўминов раҳбарлигида сўзлик тузиш, уларнинг ҳажмини аниқлаш, қандай тарихий ҳамда тирик шахсларга қомусдан ўрин бериш-бермаслик муаммолари устида иш бошланди.

Мен 1968 йилдан Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош муҳаррирининг, яъни И. Мўминовнинг ўринбосари сифатида ўша даврдаги Қомусни яратишдаги қийинчиликларнинг гувоҳи бўлганман.

Қомус — бу миллатнинг кўзгусидир. Унда миллатнинг узоқ ўтмиш тарихи ва ҳозирги аҳволи, иқтисоди, маданияти, маорифи, илм-фани, миллий ва маънавий қадриятлари, машҳур тарихий намоёндалари, обидалари, урф-одатлари, анъаналари, расм-русмлари, жаҳон моддий ва маънавий хазинасига қўшган ҳиссаси, ҳуллас тўла-тўкис ҳаёт-мамоти акс этилади. Ўзбек Қомусини тайёрлаш, унда берилиши зарур бўлган тарихий воқеалар, ҳаракатлар, даврлар, ҳодисалар, айрим шахсларга объектив ва ҳақиқий баҳо беришда қомусчилар ўша даврнинг ниҳоятда мураккаб, зиддиятли эканлигининг яна гувоҳи бўлдилар. Қомуснинг дастлабки жилдларида Амир Темур, Бехбудий, Бобур, Боту, жадидлик, жадидчилар ва шунга ўхшаш ўша даврда ҳали объектив ва тўғри баҳо берилмаган, қалтис ҳисобланган мақолаларни бериш зарур эди.

Буларга бағишланган мақолалар тарихий ва адабий манбаларга асосланган ҳолда ниҳоятда объектив, бирёқламаликлардан, субъективизмдан ҳоли бўлиши зарур эди. Илм-фан аҳли, умуман тарих, маънавий қадриятлар билан қизиқувчи ҳар бир ўзбек Қомусе бу тарихий воқеалар, ҳаракатлар, шахсларга қандай баҳо берар экан, уларга объектив ёндашувчи мақолалар эълон қилинармикан, деб кутганлар кўп эди. Улардан дастлабкиси 1 жилд учун И. Мўминов томонидан тайёрланган Амир Темур мақоласи эди. Тахминан 1 босма табаққа яқин мақола қайта-қайта муҳокама ва тақрирлардан сўнг нашрга тайёрланиб, 2 мартаба корректура ўқилиб, китобни босмадан чиқаришга топширилди. Шу кунларда И. Мўминов мени чақириб, 1 жилддаги Амир Темур мақоласини олиб ташлани илтимос қилдилар. Бу мен учун ҳеч қутилмаган ҳодиса бўлди. Мен бу мақолани олиб ташлаш учун унинг ўрнини шу ҳажмдаги ва шу ҳарфдаги мақола билан алмаштириш ёки қайтадан бутун жилдни верстка қилиш, бу эса Қомуснинг чиқишини кечиктишини, ўқувчилар 1 жилддан биринчи навбатда Амир Темурга қандай баҳо бериларкан, деб шу мақолани излашларини айтиб, мақолани сақлаб қолишга уриниб кўрдим. Шунда у киши бу буйруқ жуда юқори доиралардан келганини, Москвадаги корчалонлар, шовинистлар бу масалага аралашаётганини айтдилар. Натижада 1 босма табақдан иборат жуда зўр ва ниҳоятда объектив ёзилган мақола олиб ташланиб, ўрнига Амир Темур — қ. Темур деб ҳавола қилинди. Амир Темур мақоласи «Темур» номи билан 11 жилдда 8000 белгига яқин, яъни илгариги ҳажмидан 5 баравар қисқартирилган ҳолда, у асосан золим ва босқинчи сифатида берилди.

Уша йиллари маҳаллий мутахассисларни — олимлар, ёзувчилар ва бошқаларни арзимаган сабаб билан, баъзида сабабсиз ҳам ўтмиш тарихни, маданиятни, айрим шахсларни илоҳийлаштиришда, миллий чекланганликда, умуман миллатчиликда айблаш, бу билан зиёлиларнинг миллий ғурурлик, маънавий қадриятлар учун курашига йўл қўймаслик кенг авж олган эди. Ана шу шароитда Қомусда юқорида айтилган шахслар ва воқеа, ҳаракатларга объектив ва илмий тўғри баҳо бериш ниҳоятда масъул ҳамда мушкул эди, ҳар бир мақолани ёзиш энг йирик мутахассисларга топширилар, бир неча кишига тақризга бериларди, қайта-қайта муҳокама этиларди. Баъзи мақолаларни, масалан, Бехбудий, жадидлик ва шунга ўхшаш мақолалар бир неча мартаба қайтадан ёзилган эди. Ана шу мақолаларни объектив ва илмга асосланиб тайёрлашда, уларни юқори ташкилотларда ҳимоя қилишда И. Мўминов забардаст қалқон эди. Ўзбек қомуси яратилишидаги хизматлари билан И. Мўминов ўзбек халқи тарихида, ўзбек халқининг ўз-ўзини англашида, тарихий хотирасини тикланишида ўзларига ўчмас саҳифа ва абадий тарихий ёдгорлик яратдилар.

И. Мўминовнинг Ўзбекистонда илм-маърифатни ривожлантиришда, миллий мутахассисларни тайёрлашда, айниқса ўзбек халқининг кўҳна ва бой тарихини, миллий ва маънавий қадриятларини тиклаш, уларни нашр этиш ва кенг оммага тарқатишдаги роли ва ҳиссаси бе-ниҳоя улғу ва ибратлидир.

О. ҲИҚМАТОВ

ИБРОҲИМ МҶМИНОВ ТУҒРИСИДА ХОТИРА

Домла кўп қиррали олим ва ёшларнинг ғамхўри бўлибгина қолмай, балки узоқни кўра биладиган, ижтимоий фанларнинг ҳамма тармоқларини замон ва келажак талабларига жавоб берадиган даражада ривожланиши устида доимо, тиниб-тинчимай бош қотирадиган инсон эдилар. Бу сўзларни ёзишимнинг сабаби шуки, мен илмий ходим бў-

либ етишишимда бу инсоннинг ғамхўрлигидан баҳраманд бўлганман.

Мен 1959 йилда Сурхондарё вилоятидаги Тахчиян ишчилар шаҳарчасида Кўмир қазиб чиқарувчи шахталар бошқармасининг бош муҳандиси бўлиб ишлардим. Шу даврдаёқ менда иқтисодийёт муаммоларини ўрганишга бўлган иштиёқ орта бориб, ҳатто кўмир саноатида капитал маблағлар самарадорлигини ошириш тўғрисида рисола чоп этган эдим. Бундан хабардор бўлган дўстим профессор М. Аброров мен ҳақимда раҳматлик И. Мўминовга айтган экан, домла: «Маоши катта бўлса ҳам ҳозирги ишини ташлаб, Фанлар академиясининг Иқтисод институтига илмий ходим бўлиб ишга ўтса, мақсадга мувофиқ бўларди»,—дебдилар. Домланинг шу сўзлари сабаб бўлиб мен 1961 йилнинг апрель ойидан бошлаб бу илмий даргоҳда кичик илмий ходим бўлиб, иқтисод фанининг муаммолари билан шуғуллана бошладим.

Бир кун кечки пайт бир неча илмий ходим шахмат ўйнаб ўтирган эдик, бирданига домла ўтиб қолдилар. Жилмайиб ҳаммамиз билан салом-алик қилгандан сўнг, мендан номзодлик диссертациянгиз мавзуси илмий кенгаш томонидан тасдиқландими, номзодлик имтиҳонларини топшириш қандай кетаяпти, деб қизиқиб сўрадилар. Мен диссертация мавзуси тасдиқланганлиги, аммо номзодлик имтиҳонларини топшириш тўғрисида ҳали аниқ режам йўқлиги ҳақида айтдим. Шунда домла орамизда ўтирган, ўша пайтда Ўзбекистон Фанлар академияси аспирантура бўлими бошлиғи, ҳозирги пайтда ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор М. Файзиевга мурожаат қилиб, менга тезлик билан номзодлик имтиҳонларини топширишимда ёрдам бериш лозимлиги тўғрисида илтимос қилдилар. Шундан сўнг, домла ғамхўрликлари таъсирида илмий ишларим, яъни диссертация ёзишим, фақат тезлашди десам хато бўлади, балки уни илҳом билан ярата бошладим. Номзодлик имтиҳонларини эса 1961 йил ноябрь ойларига топшириб бўлган эдим, чунки И. Мўминовнинг юқорида қайд қилинган ҳаракатларидан сўнг институтимиз раҳбарияти ва Ўзбекистон Фанлар академияси аспирантура бўлими бу жараённинг кетишини қаттиқ назорат остига олган эдилар.

Менинг номзодлик, докторлик диссертацияларимни ёқлашимда домла ҳамisha ғамхўрлик қилдилар.

Ўзбекистонда янги илмий мактабни ташкил қилиш ва ривожлантиришда домла И. Мўминовнинг хизматлари бениҳоя катта ва албатта фан тарихида қолажак.

Мен фанлар доктори даражасини олишимдан бир оз олдин, яъни 1968 йилдан то 1974 йил март ойигача Ўзбекистон Режа қўмитасидан келиб, Иқтисодийёт институтида ўз мутахассислигим бўйича бўлим бошлиғи бўлиб ишладим. Шундан сўнг мени бу қўмитанинг янги раиси Қ. Аҳмедов ҳузурига чақириб, И. Мўминов таклифига биноан ишлаётган институтга раҳбар қилиб тайинланганлигим тўғрисида хабар берди. Домла илмгоҳда раҳбар ўрни бўшлигини И. Исқандаровдан эшитибдилар ва мени тавсия қилибдилар.

Орадан бир оз вақт ўтгач, домлани Ўзбекистон ФА да бўлган бир илмий анжуманида учратиб суҳбатлашдим. И. Мўминовнинг юз-рангида бобокалонимиз Амир Темур Соҳибқироннинг донолиги ва жаҳонгирлигини дунёга танитиш учун қилган хизматлари эвазига унга қилинган тўхматлар ва ерга уришлар ўз аксини топган эди. Лекин домла буни ҳеч кимга сездирмасликка ҳаракат қилиб, кечқурун шифохонада даволашиб, кундуз эса республикада ижтимоий фанларни ҳар томонлама ривожлантириш борасида тинмай ғайрат билан ишлар эди.

И. Мўминов менинг қалбимда ҳамisha меҳрибон устоз, ёшларнинг ғамхўри ва республика фанини ривожлантиришда улкак улуш қўшган чинакам инсон сифатида сақланиб қолади.

ЎЗБЕК ҚОМУСИНИҢ ДАРҒАСИ

Республикамиздаги қайси бир кутубхона, мактаб, ўқув юрти ёки маҳкамга кирманг, қайси ўзбек хонадонига қадам босманг — пештахталарда албатта 14 жилдлик Ўзбек қомусининг тўқ ҳаворанг жилдларини кўрасиз. Шу Қомуснинг асосчиларидан бири, унинг бевосита ташкилотчиси, ишбошиси, жонқуяри, илҳомчиси ва биринчи Бош муҳаррири буюк файласуф олим, академик Иброҳим Мўминович Мўминов бўлганларини биласизми?

Шу нашр этилган Қомуснинг режаларини белгиланган, тахминий сўзликларни тузган, китобнинг умумий ҳажмини, мақолаларнинг жойлашини тартиботи ва ҳажми масаласини ҳал этган, китобнинг муқовасини, тасвирини, ҳаттоки рангини танлаган ҳам Иброҳим Мўминович Мўминов эди.

Ўзбек Қомусини, ўзбек миллатининг паспортини яратиб масаласи 50-йиллар охириларида кўтарила бошлади. Бу марказдаги Катта ва Кичик Совет, соҳа қомусларининг нашри ва Украина қомусининг яратила бошлаши билан боғлиқ эди. 60-йиллар бошида Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтида иқтисодчи олим Нуралла Муродов бошчилигида қомус-луғат бўлими ташкил қилинганди. Гарчи у кўп иш қилмасда, кейинроқ шу илмгоҳ таркибидаги бир бўлимга айланди. Академия вице-президенти И. М. Мўминов ташаббуси билан унга янги мутахассислар жалб қилинди.

1966 йилнинг охириларида энди номзодлик диссертацияни ёқлаганимда мени Академия Президиумига зудлик билан И. М. Мўминов чақиртирдилар. Котиба рухсати билан хонага кирдим, у анчагина совуқ экан. Иброҳим Мўминов ЎзФА Президенти академик Обид Содиқовга, ЎзФА мухбир аъзоси, Бош илмий котиб М. З. Ҳомидхоновга; ижтимоий фанлар бўлимининг академик-секретари, ЎзФА мухбир аъзоси Ш. З. Убазаевага, Тил, адабиёт ва тарих бўлимининг академик-секретари, ЎзФА мухбир аъзоси М. К. Нурмуҳамедовга, президиум аъзоси, академик М. Н. Набиевага мени таништирдилар: «Шоғирд. Энди ҳимоя қилди». — деб айтдилар ва улар мени табриқладилар.

Домла менга: «Мираҳмад, сизни Ўзбек Қомусига бўлим бошлиқлигига олаямиз», деб янги вазифамни айтганларида, кутилмаган хабардан қотиб қолдим. Ўзимга келгач, «Домла, эллай олармиканман. Энди ёқладим», дебман. Домла қатъий ва меҳрибон овозда: «Ўрганасиз, ишлайсиз, янги йилдан ишга чиқинг», гап тамом деганлари эди. Хайрлашиб чиқиб кетдим.

Домланинг менга нисбатан шиош, оталарча гамхўрликларини кейинроқ тушундим. Мен Фалсафа ва ҳуқуқ институтида катта илмий ходим вазифасини адо этувчи лавозимда, 105 сўм ойликка ишлардим. Ойлам, икки фарзанд, энди ҳимоя қилдим, қачон диплом келади (бу вақтда кичик илмий кенгаш қарорини катта илмий кенгаш тасдиқламагунча, ҳужжатлар Москвага, Олий Аттестация Комиссиясига жўнатилмади). Эски Катта кенгашнинг муҳлати тулаган, янгисининг тасдиғини кутишарди)? Янги лавозимда сектор мудири сифатида менга 170 сўм моёца тайинлашибди.

Мен бундай самимий нисонпарварликни, оталарча гамхўрлик ва ўта оламлиқликнинг кўп марта гувоҳи бўлганман. Қомусни домла бошчилигида бошқариб турганимизда, бир ходимни бошқа вазифага ўтказмоқчи ёки бўшатмоқчи бўлсак, албатта оилавий аҳволини, сўнг қандай маошга ўтаётганини ёки бошқа жойда қандай маошли лавозимга кетаётганини сўрайдилар. Агар юқорироқ, жуда бўлмаса тенг-

роқ маошли лавозим бўлса розилик берардилар. Бу раҳбарнинг олижаноб фазилатидан далолат эмасми?

И. М. Мўминов Қомуснинг ишини ташкил этишда ўша йиллари ўта жонбозлик ва тадбиркорлик намуналарини кўрсатдилар. Ўзбек қомусини яратиш тўғрисида 1965 йил 25 апрелда қарор қабул қилинди. Шу қарор асосида ташкилий ва амалий ишлар қизиб кетди, Қомуснинг соҳалар бўйича сўзликлари тузила бошланди. Уларни соҳа илмий тадқиқот институтлари, олий ўқув юрглари, вазирликлар ва давлат қўмиталари, ижодий ва жамоат ташкилотларида кўриб чиқилди, тўлдирилди, бойитилди ва тасдиқланди.

Соҳалар бўйича сўзликлар лойиҳаси тайёр бўлгач, уни беш жилдли қилиб нашр қилинди.

Сўзлик лойиҳалари ва мақетнинг чиқиши кейинги ташкилий ишларни тезлаштириб юборди. 1968 йил январда Ўзбекистон Фанлар академияси ҳузурда Ўзбек Қомуси Бош таҳририяти тузилди. Ушбу таҳририят ҳузурда эса илмий секциялар иш олиб борадиган бўлди.

Қомуснинг биринчи жилди 1971 йилда чоп этилди. Бу ва бундан кейинги чиққан ҳар бир жилд жамоа учун, биринчи гада дарғамиз ва Бош муҳарриримиз Иброҳим Мўминович учун байрам эди. Дастлабки нашр этилган жилдлар учун Академия Президиуми бутун ходимларни пул мукофоти билан тақдирлади. Бу ҳам домланинг жамоага миннатдорчилиги эди. Афсус ўзлари бошлаган бу буюк ишни охиригача етказа олмадилар.

Юқорида айтганимиздек, Қомуснинг сўзликларини ишлашда, жилдлар материалларини тайёрлашда домла бевосита иштирок этганлар. У кишининг билимдонлиги, тарих ва адабиётни, фалсафа ва иқтисодиётни ва бошқа фанларни бениҳоя ҳар томонлама ва чуқур билишлари бизнинг ишимизни енгиллаштирарди, кўп яхши ва ўринли маслаҳатларини олардик, ечим мураккаб масалаларни ҳал қилиб берардилар. Айниқса бизнинг муҳарририятдан тайёрланаётган мақолалар сиёсий характерда бўлганлиги учун кўп эътибор берардилар.

Маълумки, бу вақтга қадар дидримизда бундай замонавий универсал қомус тайёрланмаган ва нашр қилинмаган эди. Шунинг учун тайёр мутахассислар йўқ эди. И. М. Мўминов илм даргоҳларидан, олийгоҳлардан, нашриёт ва муҳарририятлардан мутахассислар жалб этишга катта аҳамият берди. У ҳар бир ходимдан ишчанликни, билимдонликни, ҳалолликни, интизомлиликни, материалларни уюштириш ва таҳрир қила билишни талаб қиларди. Шу туфайли бўлса керак, ўзларига иш юритувчи муовинликка яхши ташкилотчи, фидокор меҳнатчи, ишчан, кенг қамровли билимдон, уddaбурон олимларни танлаганлар. Булар фольклоршунос Ҳ. Т. Зарифов, таржимашунос Ғ. Т. Саломов, файласуф А. К. Валиевлардир.

Мен домланинг шогирди, Ўзбек Қомусида иш юритувчи муовин бўлганлигимдан фахрланаман. 1958 йили И. М. Мўминов директорлик қилаётган Фалсафа ва ҳуқуқ институтига кичик илмий ходим бўлиб, 1961 йилдан аспирантлари бўлиб, 1967 йил январидан то умрларининг охиригача қомусда бевосита биргаликда ишлаганлигимдан бахтиёрман. Домла биз шогирдларини меҳнатсеварликка, ҳалоллик ва покликка, тўғри сўзликка, асосийси, инсонийликка ўргатдилар.

И. М. Мўминов жуда узоқни кўрадиган ва шунга мос аниқ режалар туза оладиган олим эдилар. Уларнинг қомус бўйича режалари бениҳоя улкан бўлган. 14 жилдли универсал қомусдан сўнг, соҳа қомуслари ва маълумотномалар чоп этиш, 80-йиллар охирида Ўзбек Қомусининг II нашри сўзликларини ишлаш ва нашрни йўлга қўйишни мўлжаллаган эдилар. Домланинг бу режаларини ҳозирда Қомусда ишлаб турган издошлари давом эттирмақдалар.

СЕВИМЛИ ДОМЛАМИЗ

Инлар ўтиши билан Иброҳим Мўминовнинг Ўзбекистонда фан ривож, халқимизнинг келажаги ва истиқболи учун қўшган ҳиссаси янада норлаб кўримоқда.

Домла ўз илмий изланишларида миллатнинг маданий ва маънавий бойлигини, тарихнинг фалсафий таҳлилига асос солиб, шоғирдлар тайёрлаб, ўзига хос фалсафий мактабнинг шаклланишига раҳбарлик қилдилар. Бу муаммоларни тоталитар тузумни мустаҳкамловчи ва унинг манфаатини кўзловчи мафкура давр сурганда изчил тадқиқ этиш миллий маданият ва маънавийт пойдевори тикланишига ва ривожланишига таъсир қилди. Эндликда мустақилликка эришганимизда бу илмий изланишларнинг нақадар керак эканлиги кўриниб турибди.

Фан келажаги ёшлар билан боғлиқ. Домла илмий даргоҳга кириб борувчи ёш мутахассислар чуқур, пухта, ҳар томонлама билимга эга бўлиши билан бир вақтда инсонлигини, инсонга хос бўлган фазилатларни унутмаслиги керак, ўзгаларга донмо ёрдам, маслаҳат бериб, тўғри йўлни кўрсатиши олимнинг бурчи деб ўргатар эдилар.

Фан соҳасида маълум бир ютуққа, даражага эга бўлиш олимнинг янги илмий тадқиқотларига асос бўлмағлини касб этади. Яъни, олим фanning янги, замонвий ютуқлари билан танишиб бориши керак, бу инсоний фазилатларнинг барчаси домлада мужассамлашган эди.

Эсимда, мен фалсафий тадқиқотларни бошлаганимда домла: «Файласуф фалсафага доир муаммоларни мукаммал, пухта билиши билан бир қаторда, махсус фанларни, чет тилларни яхши ўрганган бўлиши керак»,— деб айтган эдилар. Диссертация учун мавзу танлаганимда фалсафанинг фундаментал муаммолари билан боғлиқ бўлган масалаларни танлашга маслаҳат берганлар. Ўзларининг илмий изланишлари ҳам мураккаб фалсафий муаммоларга — Гегель диалектикасининг раціонал маъини, Шарқнинг буюк мутафаккири А. Бедил фалсафасини ўрганишга бағишланган.

Домланинг сўзлари билан ишлари бир бўлган. Иккиюзламачи, чақимчи, имонсиз одамларни ёқтирмасдилар. Домла ҳар қандай вазиятда ҳам ёрдам беришдан толмаган.

Домла: «Газ Бухоро ҳудудидан топилган, бухороликлар газ устида яшаб турган бўлсалар ҳам бундан баҳраманд бўла олмайдилар»,— деб қайғуриб гапирар эдилар. Бу масалани ижобий ҳал қилиш учун анча ҳаракат қилдилар, лекин ҳаммамизга маълум бўлган сабаблар тўсиқ бўлди.

Республикаimizдаги маданий ёдгорликларнинг аҳволига ачинар эдилар. Ваҳолонки, ёдгорликларимизни кўп хорижий давлатлардан туристлар зиёрат қилиш учун келиб, давлатни валюта билан таъминлар эдилар. Аммо, бу маблағлар ёдгорликларни таъмирлаш учун сарфланмай марказда қолиб кетарди. Фалсафий фикрлашнинг юксак маданиятга, бой ҳаётини таърибага эга бўлган домла тинимсиз илмий изланишларда, инсонларга ҳар қандай вазиятда ёрдам беришга тайёр эдилар.

Абдулла Орипов сўзлари билан айтганда, «Менга очмадингиз дилларингизни, энди мен англадим».

Сиз чору ночор ўтибсиз, у шонли йўлларингизни...

Ўзи йўқ кўрғонга бўлибсиз қалқон, соддадил, фидоий жонингиз билан».

И. М. МУМИНОВНИНГ АХЛОҚ ҲАҚИДАГИ ИЛМГА ҚУШГАН ҲИССАСИ

И. М. Мўминов Ўзбекистон Фанлар академиясида ижтимоий фанларга раҳбарлик қилиш жараёнида олимлик этикасига қаттиқ риоя қилди, илм-фан равнақи билан боғлиқ бўлган чигал ва жанжалли масалаларни ҳолсиз ва адолатли ҳал қилди, бутун умр илмдаги гуруҳбозлик, гаразгўйлик, бир-бирини ютуғини кўраолмаслик каби ярамас итлағларга қарши курашди. Олимнинг бу хислатлари ўтмиш мутафаккирларнинг ахлоқий қарашларини тадқиқ қилганда ҳам яққол намоён бўлди. Олим айниқса Ўрта Осиё ижтимоий-фалсафий фикри тарихи, хусусан Ўрта Осиё халқларининг ахлоқий меросининг чуқур билимдони эди. Шахсан ўзим домла билан бир неча бор учрашиб, суҳбатларида бўлиб бунинг гувоҳи бўлганман. 1972 йилда «XIV—XV асрларда Ўрта Осиёнинг ижтимоий-фалсафий фикри ва Давоний ижтимоий-ахлоқий қарашлари шаклланишида унинг роли» мавзусида фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ёқладим. Илмий кенгаш И. М. Мўминовни менинг ишимга оппонент қилиб тайинлади. Домла вақтлари тизиб бўлишига қарамастан, диссертация билан авторефератни жуда синчиклаб ўқиб ўз фикр-мулоҳазаларини айтдилар, ишнинг нуқсонларини кўрсатдилар. Диссертациянинг камчиликларини бартараф қилганимдан сўнг домла оппонент бўлишга рози бўлдилар.

И. М. Мўминов Давоний ижоди билан яхши таниш эканлигини кўрсатди. Диссертациянинг ҳимояси вақтида домла Давонийнинг ахлоқий таълимотига муфассал тўхталиб, унинг шу вақтгача маълум бўлмаган қирраларини очиб бердилар, дунёқарашининг муҳим хусусиятларини таҳлил қилдилар. И. М. Мўминовнинг айтишича, Октябрь инқилобига қадар Давоний Ўрта Осиёда машҳур бўлган, унинг «Ахлоқи жалолӣ» рисоласи Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарларда мактаб ва мадрасаларда кунт билан муталаа қилинган, рисоласи талабалар учун қўлланма бўлиб хизмат қилган. Шундан бошлаб мен домланинг на фақат Давоний, балки Ўрта Осиё халқларининг ахлоқий меросини чуқур билишига тўла ишонч ҳосил қилдим.

И. М. Мўминов ўзининг ижодида, фалсафий рисоалари ва илмий мақолалари ҳамда турли анжуманларда қилган маърузаларида ахлоқ ва таълим-тарбия муаммоларига катта эътибор берди. Хусусан, 1967 йили олимнинг бевосита раҳбарлигида чоп этилган «Марксча-ленинча этика асослари» номли ўқув қўлланмасида ахлоқий таълимотлар Ўрта Осиёда қадимда пайдо бўлганлиги, кейинчалик эса Юнонистонда шакллانганлиги қайд этилади. Олим ушбу китобда Ўрта Осиё мутафаккирларининг ахлоқшунослик ривожига қўшган улкан ҳиссасини айтиб ўтади.

Бизнинг фикримизча, И. М. Мўминовнинг ахлоқшунослик соҳасидаги хизмати, энг аввало, Яқин ва Ўрта Шарқ халқларининг, айниқса, Ўрта Осиё мутафаккирларининг ижтимоий-ахлоқий қарашларини тадқиқ қилишни ташкил қилиб, кенг йўлга қўйишидир. Олим Форобий, Ибн Сино, Беруний, Аҳмад Яссавий, Улугбек, Али Қушчи, Жомий, Алишер Навоий, Мирзо Бедил, Аҳмад Донш, Фурқат, Муқимий, Завқий, Ҳамза ва бошқаларга бағишлаб ёзган рисола ва мақолаларида Ўрта Осиё ахлоқий меросининг муҳим хусусиятларини очиб берган.

И. М. Мўминов ижодида Бедилнинг ахлоқий таълимотларини тадқиқ қилиш ҳам кенг ўрин олган. Айниқса, олим Бедил дунёқарашига бағишланган қатор мақолалар ёзди, монография чоп этди. Унинг «Мирза Бедилнинг фалсафий қарашлари» номли монографияси Бедилнинг ижтимоий-ахлоқий қарашларини ўрганганда муҳим аҳамиятга эга.

Айниқса, бу китобда Бедилнинг инсон, жамият ва ахлоқ ҳақидаги фикрлари эътиборга сазовордир. Олим Бедилнинг ватанпарварлик, сахийлик, камтарлик, одиллик, ҳақгўйлик, вафодорлик, билимдонлик, меҳнатсеварлик ҳақидаги фикрларига катта баҳо беради.

Хуллас, И. М. Мўминов ўз тадқиқотларида ўз даври талабларидан келиб чиқиб, Урта Осиё халқларининг ахлоқий мероси, урф-одати, анъаналари, расм-русмларини ҳар томонлама чуқур ва ҳолисона ёритган алломадир.

Н. ҒОИИБОВ

БУЮҚ АЛЛОМА

Академик Иброҳим Мўминович Мўминов ҳаёт бўлганларида шу йилнинг кузида саксон беш ёшга кирган бўлардилар. Афсус, у киши ҳаётдан анча барвақт кетдилар. Иброҳим Мўминов сингари ҳаётдан вақтли кўз юмган сиймоларни эслаганда, беихтиёр, табиат бунчалик нотанти бўлмас, деб ўйлайсан киши. Кўзга кўринмас, кўл билан ушлаб бўлмас илоҳий қонуният борми?! Еки бошқа сабабми?! Бу саволларга жавоб топиш амри маҳол... Лекин бир нарса аниқки, табиат тантилик қилиб домла умрларини лоақал бироз чўзганда ҳам илм-фанимиз ҳозиргидан анча бойир, халқимиз тарихи, қадриятлари ҳақида яна қанча янги асарлар юзага келган бўларди...

Иброҳим Мўминов ўзбек халқининг ардоқли фарзанди, буюқ аллома, йирик жамоат арбоби эдилар. У киши ижтимоий фанларнинг кўп соҳаларида, хусусан ўзбек халқи мутафаккирлари фалсафий қарашлари, халқимиз тарихи, миллий маданият назарияси ва амалиёти ҳамда бошқа соҳаларда ғоят асосли ва чуқур изланишлар олиб бордилар, ўзларининг бебаҳо илмий тадқиқотлари билан фанимизни беқиёс даражада бойитдилар.

Домланинг шогирдлари кўп эди. У кишига шогирд бўлиш орзусида юрганлар ундан ҳам ортки эди. Мен кўплаб шогирдларининг бириман. Аспирант бўлиб шогирд тушганимдан бошлаб, домла ҳаётининг охиригиги кунларигача ўн олти йил у киши билан мулоқотда бўлганимдан, у кишидан ўрганганимдан ғоят фахрланаман. Илмий мавзулар муҳокамасида домла ҳар бир илмий йўналиш ёки муаммони шунчаки юзаки эмас, чуқур ва асосли тушунтирар, унинг мағзини чақиб таҳлил этар эдилар. Амалиётга келсак, домла илмда ўз тушунчалари, масалаларга ёндашишда доим дадил, содиқ қолардилар; ўзларининг ғоят тартибли ва одобли юриш-туришлари, ҳайратомуз ўта интизомликлари билан ҳамманинг ҳурматини қозонган эдилар. Биз шогирдлар домламизнинг бу фазилатларини кўриб у кишига ҳавас қилардик, у кишининг шаънига зиғирдек бўлса-да доғ туширмасликка, у кишининг дидларига маъқул бўлмайдиган бирор-бир ҳаракат қилмасликка тиришардик.

Домла Фанлар академиясининг вице-президенти сифатида тинимсиз меҳнат қилардилар: қўлёзмалар ўқир, илмий анжуманларда маърузалар қилар, сон-саноксиз ташкилий ишлар билан шуғулланар, олимларнинг арз-додини тинглар ва ҳоказо. Шунчалик улкан иш уммони орасида шогирдлар билан ишлашни ҳам ҳеч унутмасдилар. Бугина эмас, теран зеҳинли психолог сифатида ҳар бир шогирднинг феъл-атворини, илмий имкониятларини мукаммал билар, шунга кўра улар билан муомала қилар, топшириқлар берад эдилар.

Эсимда, домла шогирдлари билан ҳам якка-якка, ҳам барча шогирдлари билан бир варакайга суҳбатлар ўтказардилар. Шогирдларни бир варакайга тўплаб ўтказилган муҳокамалар айниқса қизиқарли ва фойдали бўларди. Бундай ҳолларда домла шогирдларидан

таплаган илмий мавзулар устида қандай ишлар олиб борилаётганлигини бир-бир сўрайдилар. Шогирдининг ахборотини диққат билан ва охиригача тинглаганларидан сўнг, агар ахборот маъқул тушган бўлса, жуда яхши, давом эттириверинг, дер эдилар. Мавзунинг бирор ерида шубҳа ёки тушунмовчилик юзага келгудек бўлса, гоят босиқлик ва салоҳият билан бу масалани ана шу шаклда ўрганиб кўрсангиз, ёки бу масалага мана бундай ёндашилса яхши бўлса керак, қабилда маслаҳатлар берар эдилар. Домла ҳузурида бўлиб ўтган ҳар бир ана шундай суҳбат биз шогирдлар учун бетакрор, буюк бир дарс ҳисобланарди.

Одатда устоз билан бўлган мулоқотда у киши айтган ҳар бир мулоҳаза илмий йўналишга туб ўзгартиришлар киритишга, ишнинг моҳиятини кўтаришга йўл очар эди. Ҳатто баъзан домланинг бир сўзи билан кўпдан-кўп қўшимча манбаларни кўришга тўғри келарди, натижада илмий тадқиқот учун кўплаб бебаҳо материаллар тўпланарди.

1964 йилнинг бошида домла мени ҳузурларига таклиф этиб, XIX асрнинг иккинчи ярмида Бухорода яшаган буюк маърифатпарвар олим, ёзувчи Аҳмад Донишнинг «Наводирул вақое» («Нодир воқеалар») асарини ўзбек тилида чоп этиб чиқарсак, дедилар. Бу асар Бухородаги ижтимоий-сиёсий воқеалар, шунингдек ўлкашунослик, ахлоқ, одоб, маданият, санъат масалаларига бағишланган бўлиб, форс тилида битилган, матида эски араб сўзлари ҳам кўп ишлатилган эди. Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг бир гуруҳ кекса олимлари бу асар матнини ўзбек тилига таржима қилиб улгурган эканлар. Вазифа ўзбек тилидаги матини ишриёт ва китобхоналар талаби даражасида таҳрир қилиш, шу билан бирга асар мазмунига пўтур етказмасликдан иборат эди. Домла ана шу вазифани менга топширмақчи эканликларини айтдилар. Бу, албатта, мен учун шарафли эди.

«Наводирул вақое»ни нашрга тайёрлаш жараёнида домла билан тез-тез учрашдим. Домла асар матнининг нашрга тайёр қисмини диққат билан ўқир ва кўпинча айрим иборалар устида тўхталиб, менга маслаҳатлар берардилар. Бир гал Донишнинг «Фарангилар» сўзини қавс ичида «французлар» деб ёзиб қўйганимни ўқиб, йўқ, мулла Наим (мени баъзан шундай дер эдилар), «Фарангилар» сўзи фақат французлар маъносидан эмас, балки барча озруполиклар маъносидан ишлатилган бўлса керак, яна бир ўрганиб кўринг, дедилар. Шу бўлди-ю, асарнинг кўп жойларини тuzатишга тўғри келди ва муаллиф ўйлаган мазмун сақлаб қолинди. Шу зайлда Аҳмад Донишнинг «Наводирул вақое» асари нашрга тайёрланди, «Фан» нашриёти уни 1964 йили ўзбек тилида босмадан чиқарди.

Яна бир воқеа хотирамда маҳкам ўрнашган. Бу домланинг шовшувга сабаб бўлган «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли» рисоалари билан боғлиқ. 1963 йили домла жуда катта журъат билан ана шу рисоalani ёзиб тугатдилар. Рисола рус тилида ёзилган эди. Лекин уни биратўласи ҳар икки тилда чиқиши заруратини ҳисобга олиб, менга рисола матнини ўзбек тилига таржима қилишни топширдилар.

Ҳар кун домла билан учрашиб, тайёр қисмларни кўриб чиқардик. Ва ҳар гал домла менга мавзунинг гоат нозик ва масъулиятли эканлигини ўқтириб, ҳар бир жумла ҳамда иборани пухта ўйлаб ишлатиш зарурлигини тайинлардилар. Темур ва унинг даврига берилган баҳоларнинг аниқлигини текшириб кўриш мақсадида манбаларни яна бир бор кўриб чиқишимни айтдилар. Шу бонс Амир Темурга бағишланган энчагина китобларини варақлашга тўғри келди. Ушанда биринчи бор Клавиho, Лангле, буюк тарихчилар асарларини ўқиганман. Лекин бу асарларнинг аксарияти ўша даврларда гайриилмий ҳисобланиб, Фанлар академияси кутубхонасининг махфий фондида сақланар эди. Ака-

демия раҳбариятининг махсус руҳсатномаси билан бу китобларни алоҳида хонада беркинб ўқишга тўғри келган.

Ҳар қалай, таржима вақтида тугади. Рисола 1968 йилнинг август ойида рус ва ўзбек тилларида наирдан чиқди. Бу билан бугун совет даври тарихи давомида қораланиб келинган Амир Темур шахсига биринчи марта объектив баҳо берилди. Бу фанда улкан жасорат эди. Лекин шу билан бирга, афсуски, кейинчалик у пайт пойлаб юрган фан ва сиёсат оламининг айрим лўттибозлари учун яхшигина эрмакка айланди. Менга келсак, рисолаги ўзбекчалаштириш жараёнида ортирган билим ва тажрибалар меннинг бебаҳо маънавий бойлигимга айлиниб қолди.

Фанлар академиясининг илмий наشري бўлган «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» журнали тахририятида Иброҳим Мўминов билан тўққиз йил бирга ишлаганим мен учун тенгсиз бир мактаб бўлди. Бу журнал домланинг ташаббуслари билан ташкил топган бўлиб, ижтимоий фанлар доирасида катта обрўга эга эди. Журналда мақола бостириб чиқариш кўзга кўринган мутахассисларга ҳам ҳамиша насиб бўлавермасди. Бунинг устига илмий кенгашлар ва аттестация комиссиясининг талабларига кўра бўлажак фан номзоди ана шу журналда лоақал бир мақола эълон қилмоғи зарур эди. Бу ҳол журнал эътиборини кўтариши билан бирга, тахририятдаги ишларни гоят қизитиб юборганди. 1966 йил, номзодлик диссертациясини ҳимоя этганимдан сўнг домла мени бош муҳаррир ўринбосари (бош муҳаррир ўзлари эдилар) этиб тайинладилар. Шу зайл тахририятда жамоатчилик асосида тўққиз йил ишладим.

Вазифа тақсими бўйича мен журналнинг муайян сони мундарижасини тузишим, кўплаб илмий мақола ва ахборотлар орасидан кераклиси ҳамда яроқлисини танлашим зарур эди. Шундан сўнг ана шу ҳақда тахририят йиғилишида ахборот бериб, журналнинг бўлажак сони лойиҳасини ҳам илмий, ҳам ўша давр сиёсати нуқтан назаридан ҳимоя этишим лозим эди.

Бу осон иш эмасди. Бунинг устига тахририятнинг ҳар бир аъзоси ўз йўналиши бўйича кўпроқ материал киритиш, шогирдлари ишини олдинга олиш учун тиришарди. Бундай вазиятларда домла томонидан доимо ва оғишмай амалда қўлланилган талаблар бўйича ишлаш билангина эсон-омон қолиш мумкин эди. У ҳам бўлса мақоланинг илмий қимматини ҳисобга олиш, барча фан йўналишларига бир хилда қараш, шу билан бирга аспирант ва ёш олимлар ишларига кенгроқ йўл очишдан иборат эди. Ана шу талаблар ишимизнинг асосини ташкил этди. Худди шу йўл билан ва, энг муҳими, домланинг қўллаб-қувватлашлари туфайли ўша йиллари юзлаб аспирант ва ёш олимларга номзодлик диссертацияларини ҳимоя этишларига йўл очиб берилди.

Юқорида баён этилганлар Иброҳим Мўминов билан бўлган мулоқотларнинг айрим лавҳаларидир, холос. Домланинг фазилатлари ҳақида жуда кўп ибратли воқеаларни эслаш мумкин. Ишончим комилки, Иброҳим Мўминов билан ҳатто бир бор учрашиб мулоқотда бўлган киши ҳам бугун домла ҳақида тўлқинланмасдан гапира олмайди.

Иброҳим Мўминов вафотларидан сўнг у кишининг сафдошлари ва шогирдлари ташаббуси ҳамда Фанлар академияси Кенгаши қарори билан домланинг тўрт томлик асарлар тўплами чоп этилди. Бу асарларни «Ўзбекистон» нашриёти 1976 йилда босмадан чиқарди. 1978 йилда эса, домла таваллудларининг 70 йиллиги муносабати билан «Фан» нашриёти «Иброҳим Мўминович Мўминов ҳақида хотиралар» китобини нашр этди. Домла билан бирга ишлаган, у киши билан мулоқотда бўлган йирик олимлар, давлат ва жамоат арбоблари, домланинг шогирдлари хотиралари ана шу китобдан жой олди. Домла ту-

ғилган саналар нишонланиб, файласуфлар жамоатчилиги «Мўминоф ўқишлари»ни ўтказиб турибди.

Темур ҳақидаги рисола ни рўкач қилиб домлага тош отган ғанимларнинг шармандаси чиқди. Жонажон республикамиз истиқлолга эришиб, Президентимиз Ислои Қаримов олиб бораётган одил ички ва ташқи сиёсат туфайли ҳақ жойини топди. Домла яратган бебаҳо маънавий бойлик, хусусан у кишининг бобомиз Темур ҳақидаги мўъжазгина рисолалари қадриятларимиз тарихини ўрганишининг нодир манбанга айлиниб қолди. Ушбу рисола фақат Ўзбекистонда эмас, бошқа мамлакатларда ҳам турли тилларда чоп этилди.

Хуллас, Иброҳим Мўминович Мўминов хотираси севган халқи, касбдошлари, шогирдлари қалбидан ўчмағай. Демишларки, буюк алломалар ҳеч маҳал ўлмайдн, улар жисмонан бу дунёдан ўтган бўлсаларда, маънан асарлари ва гоёлари билан ўз халқи қалбида яшайверади. Домла хотираси ҳам ана шундай ўчмасдир. Бу, албатта, қалбларимизга чексиз тасалли беради. Лекин барибир домла ҳаёт бўлганларида фан ва маданиятимиз ривожига яна нечоғлик мадад етказишлари мумкин эди, деган афсус мени ҳеч қачон тарк этмайди.

А. ЖАЛОЛОВ

ХОТИРА ҲУРМАТИ

Мен ўзимни Иброҳим Мўминович Мўминовнинг бевосита шогирдман, деб айта олмайман, у киши билан бирон бир марта шахсан учрашган, гаплашган ҳам эмасман. Аммо, Иброҳим Мўминовнинг билвосита таъсирини жуда кўп йиллардан бери ҳис этиб келаман.

Фалсафа фани бўйича мутахассис бўлиб етишиш орзуси менда мактабда ўқиб юрган пайтимида шаклланган эди. 60-йилларнинг биринчи ярмида Иброҳим Мўминовични файласуф — академик, Ўзбекистон ФА вице-президенти эканлигини билардим. Вице-президент лавозими ҳақида муайян тушунчага эга бўлмасам-да, бироқ, уни эгаллаб турган кишининг файласуф эканлиги менга алоҳида бир гурур бағишларди.

1964 йили мактабни битириб, Тошкент давлат университетининг фалсафа бўлимига ўқишга кирдим. Бахтимга, фалсафа бўлими университетда эндигина ташкил этилган бўлиб, худди ана шу йили миллий гуруҳга қабул эълон қилинган экан.

Бизга кўшни бўлган ўқув хонасида таълим олаётган тарих факультети талабаларига Иброҳим Мўминовични лекция ўқишларини билиб қолиб (дарс жадвали орқали), кўпинча у кишини бир кўриб қолишга ҳаракат қилардик. Айни пайтнинг ўзида, файласуф-академикни бизга — бўлгуси файласуфларга дарс бермаслиги жуда-жуда алам қиларди. Бу ҳолининг сабаблари шахсан менга ҳозиргача ҳам аниқ эмас...

Иброҳим Мўминович ҳақидаги тасаввурларим у кишига устозлик қилган, сафдошлари бўлган кишилар орқали ҳам шаклланган.

Чунончи, мен у кишининг номзодлик диссертацияларига илмий раҳбарлик қилган профессор Наталья Митрофановна Мирошхинанинг лекцияларини тинглаганман ҳамда Иброҳим Мўминович ҳақидаги мароқли сўзларини кўп маротаба эшитганман. Наталья Митрофановнанинг «Катта диққат билан тишловчи талабамга» деган дастхат билан менга совға қилган китобини ҳозиргача авайлаб сақлайман.

Иброҳим Мўминовичнинг худди ана шу номзодлик диссертациялари бўйича бирдан-бир расмий оппонент бўлган доцент Николай Романович Косенков менга беш йил давомида фалсафадан таълим берди, илмий матрузаларимга раҳбарлик қилди. Мен Николай Романовичдан жуда кўп нарсаларни ўргандим ва ҳозиргача ўрганаман.

90 ёшни қоралаб қолган устозимга шу кунларда ҳам қўлимдан келган ҳурматимни бажо келтиришга ҳаракат қиламан.

Николай Романовичнинг эслашича, Иброҳим Мўминович 1941 йилдаги биринчи учрашувидаёқ ўзининг ниҳоятда камтар ва меҳнатсевар киши эканлиги тўғрисида тасаввур уйғотган.

Устоз Иброҳим Мўминовичнинг юксак инсоний фазилатлари тўғрисидаги сўзларни у кишининг сафдошлари — таниқли жамоат ва давлат арбоби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби С. Э. Азимов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Ҳ. Ғ. Расулов (марҳум), профессор Ж. М. Бобоевлардан таҳсил олган, бирга ишлаган пайтларимда ҳам эшитганман.

Қолаверса, Иброҳим Мўминовичнинг шогирдлари менга устозлик қилшган. Ўзбекистон ФА академиги М. М. Ҳайруллаев номзодлик диссертациям бўйича илмий раҳбар, Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси М. Б. Баратов диплом ишимга раҳбарлик қилганлар.

Иброҳим Мўминовичнинг Ўзбекистон ФА Президиуми биносидagi хизмат хоналарига Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг «Ўзбекистондаги ижтимоий—фалсафий фикр тарихи» шўъбаси ходимлари билан биргалликда 1974 йил (ўша пайтда мен шу ерда ишлардим) борганман. У кишининг ниҳоятда сокин, салобатли, камтар инсон эканликларини кузатганман.

Ўша йилнинг июнь ойида институтимизда И. Кант таваллудининг 250 йиллигига бағишланган илмий анжуман ўтказиш режалаштирилган, унда Иброҳим Мўминовичнинг иштироклари кўзда тутилган эди. У кишининг иштирок эта олмасликлари туфайли конференция 1974 йилнинг сентябрь ойига кўчирилди. 22 июль куни Иброҳим Мўминов оламдан ўтдилар...

Анжуманда ёшлар вакили сифатида менинг «Кант ва Гегель» мавзусида маъруза қилишим кўзда тутилганди. Ўйлайман-ки, агар ана шу анжуман Иброҳим Мўминовичнинг иштирокларида ўтганда бевоқиф танишиш имкониятига эга бўлардим... Аммо, минг афсус-ки, бу нарса бизга nasib этмади.

Мен худди мана шу 1974 йилнинг август ойида Москвада ўтган гегелшуносларнинг X Халқаро конгрессида иштирок этдим. Москва-нинг, бошқа илмий марказларнинг йирик файласуф олимлари Иброҳим Мўминов вафотидан чуқур қайғуда эканликларини билдириб, таъзия изҳор қилдилар. Мен яна бир бор Иброҳим Мўминовнинг катта обрўси, машҳур ва маълум шахс эканликларининг гувоҳи бўлдим, қалбим ифтихор ҳисси билан тўлди.

1977 йилда Москвада бўлиб ўтган фалсафа жамиятининг II съезди Президиумига Ўзбекистондан ҳеч ким сайланмади... Шунда, Қирғизiston ФА нинг академиги, Фалсафа ва ҳуқуқ институти директори А. Олтомшибоев Иброҳим Мўминовичнинг ҳаётдан кўз юмганлигини биринчи маротаба бутун кучи билан ва чуқур ҳис этганлигини менга изтироб билан гапиргани ҳали-ҳали эсимда.

Ўзбекистонда фалсафа илми ҳақиқатда ҳам оғир жудоликка учраган, ўзининг салоҳиятли раҳнамосидан ажраган эди.

Мустақил Ўзбекистоннинг мустақил фалсафий қиёфасини шакллантириш, уни ижтимоий-иқтисодий, маданий, маънавий, сиёсий раънақимизнинг муҳим омилга айлантириш Иброҳим Мўминов порлоқ хотирасига нисбатан кўрсатилган ўзига хос ҳурмат бўлур эди.

Б. В. ЛУНИН

НЕУВЯДАЮЩАЯ ПАМЯТЬ

Отчетливо помнится время первого знакомства с Ибрагимом Муминовичем Муминовым...

Шел 1955 год. Директором Института истории и археологии АН Узбекистана в Ташкенте был назначен И. М. Муминов, ранее работавший в Самарканде. Ученым секретарем названного Института был автор этих строк. Последовали годы совместной с И. М. Муминовым работы в Институте, затем в Президиуме АН УзССР — по Отделению общественных наук, по выпуску «Известий» Академии — серии общественных наук (впоследствии ежемесячного журнала «Общественные науки в Узбекистане»), по линии Общества «Знание» и др.

В общей сложности мое постоянное общение с Ибрагимом Муминовичем охватывает без малого два десятилетия...

И. М. Муминов являл собой наглядный пример того, как может и должен расти и совершенствоваться человек, любящий и знающий свое дело, отдающийся ему целиком, не привыкший удовлетворяться достигнутым, почивать на лаврах, самоуспокаиваться.

Известны заслуги И. М. Муминова как организатора науки, в том числе в создании Института философии и права АН Узбекистана, ряда секторов в составе гуманитарных институтов Академии. Не всем, однако, известно, сколько при этом было затрачено И. М. Муминовым энергии и времени. Ведь мало было убедить соответствующие инстанции в целесообразности образования новых институтов и секторов; неизбежно вставали вопросы дополнительных сметных ассигнований, расширения штатов, подбора кадров, поисков помещения, приобретения инвентаря и т. д.

И по внешнему виду И. М. Муминова (с обликом спокойного, неторопливого, казалось бы, даже малоподвижного человека) было трудно судить, какую энергию, волю, такт, настойчивость, убежденность в правоте и полезности задуманного проявлял он, претворяя в интересах дела, науки намеченные мероприятия.

И вообще характерной чертой И. М. Муминова было стремление и умение примечать, подхватывать и претворять в жизнь любую действительно полезную инициативу, активно поддерживать и давать ход новым научным направлениям, стремлениям, создавать капитальные (в том числе коллективные) труды сводного, обобщающего характера, учебные пособия, справочники, развивать экспедиционные исследования.

Ограничусь здесь одним примером. Не могу сказать, чтобы наши скромные начинания в области историографии не встречали в общем сочувственного, одобрительного к себе отношения ученых. Скепсис был здесь не правилом, а исключением. Но в том, что работа в данном направлении стала приобретать необходимые организационные формы и материальную базу и дело увенчалось образованием в 1968 г. в составе Института истории АН Узбекистана специального отдела историографии, мы обязаны прежде всего поддержке И. М. Муминова.

То же самое следует сказать и о журнале «Общественные науки в Узбекистане», бессменным редактором которого до последних дней жизни являлся И. М. Муминов. Как сейчас помню, сколь горячо была воспринята и поддержана им наша мысль о создании такого журнала, кстати сказать, пока единственного в республике ежемесячного академического печатного органа, специализированного в сфере общественных наук.

Уже в 1957 г. вышел первый номер журнала, издание которого осуществлялось на общественных началах. Тут особенно хочется рассказать, как ревностно относился Ибрагим Муминович к выполнению своих редакторских обязанностей по журналу. Им была введена и последовательно осуществлялась практика регулярного созыва заседаний редакционной коллегии. Ни один из вышедших при его жизни номеров журнала не был сдан в печать без рассмотрения и утверж-

дня его содержания на заседании редколлегии. При этом лишь в редких случаях заседание проходило без И. М. Муминова, даже самые неотложные дела не могли быть причиной его отсутствия.

Более того, Ибрагим Муминович взыскательно относился к посещению заседаний редколлегии ее членами, особенно директорами институтов. Каждая статья всегда тщательно штудировалась им самим.

...Было бы неверно рисовать облик И. М. Муминова как человека, стоящего, что называется, над и вне всего того, что именуется образом «мирскими страстями». В том нет нужды. Как и в жизни каждого человека, у И. М. Муминова были свои радости, горести и разочарования. Было множество людей, искренне расположенных к нему и горячо благодарных ему за помощь и содействие в научных и общественных начинаниях. Он справедливо гордился этим, дорожил оказываемым ему доверием, усматривая в нем признание своего служения науке и обществу. Мне не раз приходилось видеть Ибрагима Муминовича в приподнятом настроении, испытывавшим чувство глубокого и нескрываемого удовлетворения после беседы с тем или иным ученым. Особенно радовали И. М. Муминова успехи научной молодежи, чьим заботливым покровителем и наставником он являлся.

Ибрагим Муминович умел находить добрые и ободряющие слова в адрес тех, кто обращался к нему за помощью и советами, тепло, внимательно и участливо беседовать с ними. И только тот, кто, подобно нам, часто встречался с Ибрагимом Муминовичем, примечал, как порой огромная загруженность и естественная усталость или личные огорчения брали свое и наступали минуты, когда людям, мало знавшим Муминова, он мог казаться угрюмым, замкнутым, отчужденным. Но и здесь силой и собранностью воли Ибрагим Муминович старался преодолеть усталость, скрыть свои чувства и переживания. И лишь внимательный и давний наблюдатель мог заметить, сколь горька и невесела была улыбка Ибрагима Муминовича. В минуты наиболее острых и глубоких волнений его «выдавала» бледность лица, но и тогда за внешней невозмутимостью и спокойствием Муминова только хорошо знавшие его люди улавливали внутреннее состояние этого человека.

Наиболее болезненно переживал Ибрагим Муминович неожиданное проявление недоброго к нему отношения со стороны людей, в свое время пользовавшихся его доверием и поддержкой.

...И еще об одном свойстве характера Ибрагима Муминовича. Как и всякий другой, он имел свои человеческие слабости. Иногда, поддаваясь минутному настроению, он мог бросить раздраженную реплику собеседнику, сделать в его адрес резкое замечание, сообщить ему свое «крутое» решение по тому или иному вопросу. Но как человек впечатлительный, душевно чуткий, искренне стремившийся быть справедливым в большом и малом, он сам переживал потом случившееся и всегда находил время и повод при следующей же встрече сгладить происшедшее, пошутить, подбодрить излишне «обиженного» и, более того, не считал для себя зазорным свести на нет свою горяча принятую точку зрения. Дело всегда оставалось для него делом...

С большим вниманием относился И. М. Муминов к созданию трудов историографического характера. В 1974 г. вышла из печати составленная нами книга «Историография общественных наук в Узбекистане. Библиографические очерки». Предложение о подготовке подобного рода книги к печати было в свое время поддержано И. М. Муминовым, охотно согласившимся возглавить редакционную коллегию. Он вникал в работу по составлению персоналии «Очерков», его ценным и деловым советам составитель обязан весьма многим.

Ибрагим Муминовича не стало в августе 1974 г. Но еще долгое время трудно было свыкнуться с мыслью, что с нами нет человека, с которым связывали многие годы совместной работы...

К. МУНИРОВ

ҲАҚИҚАТДА УЛУҒ ИНСОН ЭДИЛАР

Дунёда шундай одамлар борки, уларнинг фикри-зикри инсонларга яхшилик қилишдан иборат. Улар ўз халқининг ўтмишига катта эҳтиром билан қарайдилар, унинг келажак бахт-саодати учун курашадилар ва бу йўлда ўз жонини қурбон ҳам қиладилар. Бундай одамлар ўз халқининг фахри ва гурури ҳисобланадилар.

Ана шундай улуғ инсонлардан бири домла Иброҳим Мўминов эдилар...

Марҳум домла Иброҳим Мўминов Ўзбекистон Фанлар академияси ижтимоий фанларига бошчилик қилган вақтларида, бир хил анъана вужудга келган эди.

Заҳрирдин Муҳаммад Бобурнинг 475 йиллик юбилеи Андижонда, Абу Али ибн Синонинг 1000 йиллик тўйи Бухорода ва Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг 150 йиллик юбилеи Хивада ўтказилган эди. Шу муносабат билан Андижон, Бухоро ва Хива шаҳарларида республика Фанлар академияси ижтимоий фанлар бўлимининг кўчма илмий сессиялари ўтказилган бўлиб, унинг ишида Тошкентдан юзлаб олимлар иштирок этган эдилар.

Кечагидек эсимда, Мирзо Бобур юбилейини ўтказиш учун Андижонга борганимизда, сессия иши тугагандан сўнг Иброҳим Мўминов бошчилигида илмий сессия қатнашчилари Бобур фармойиши билан Уш шаҳрида Сулаймон тоғи устида қурилган уйни зиёрат қилиш учун борган эдилар. У ерда эсдалик учун олинган расмлар ҳам менда сақланиб қолган.

Ибн Сино юбилеи қатнашчилари ҳам илмий сессия тугагандан сўнг, Иброҳим Мўминов бошчилигида зиёрат учун Ибн Сино тугилган Афсона қишлоғига борган эдилар.

Муҳаммад Ризо Огаҳий ижодида бағишланган илмий сессия қатнашчилари Огаҳий қабрини зиёрат қилган эдилар. Огаҳийга бағишланган илмий сессия ишида, Ўзбекистон Фанлар академияси Президенти, академик Ҳ. М. Абдуллаев, академик Т. Н. Қори-Ниёзий домла ҳам қатнашган эдилар.

Иброҳим Мўминов домла Огаҳий юбилейига бир рисола тайёрлашни менга маслаҳат бердилар. Мен марҳум домлам академик Я. Ғ. Ғуломов раҳбарлигида Огаҳийнинг тарихнавислик фаолиятига бағишланган рисолаи ёздим. Бу Огаҳийнинг тарихий асарлари ҳақида ёзилган биринчи китоб эди. Иброҳим Мўминовнинг ёрдамларида, марҳум нашриёт директори Аҳмаджонака Еқубов кўмагида, рисола тезлик билан нашр этилди.

Уша йиллар носоз вақтлар бўлишига қарамай, домла томонидан бу кўчма илмий сессияларнинг олим ва шонларимиз туғилган шаҳарларида ташкил этилиши ва Бобур, Ибн Сино, Огаҳий номи билан боғлиқ ерларни зиёрат қилиш ишлари бежиз бўлмаган эди.

Бу ўтказилган тадбирлар аввало ўз аждодларимизга бўлган эҳтиромимизни билдирса, иккинчидан ёш авлоддан ўтмишга катта ҳурмат билан қарашда катта аҳамиятга эга эди.

Бу олиб борилган ишларнинг ҳаммаси ўша, қийин вақтларда Иброҳим Мўминовнинг ўтмишга катта ҳурмат билан қараш, уни эъзозлаш ва ўзлигини англаш керак деганлари эди.

Домланинг қилган ҳар бир иши жуда узоқни ўйлаб қилинган иш бўлар эди.

Биз институтда сақланаётган қўлёзма ва босма асарларни дастлабки ўрганиш ишини жонлантириш мақсадида, махсус бир бўлим ташкил қилиш ташаббуси билан домлага мурожаат қилдик. Институт фондида сақланаётган 1000 йиллар давомида яратилган ҳар хил шарқ тилларида ёзилган қўлёзма ва босма асарларни дастлабки илмий ишловдан ўтказмай» ва уларга турли фахрестлар тузмай туриб, улардан фойдаланиш жуда қийин эди.

Бу илм учун зарур ва қилиниши мушуқул бўлган ишларни тузукроқ амалга ошириш учун, махсус бўлим зарурлигини англаган домла тезда ёрдам кўрсатдилар ва президиум қарори билан институтда «Қўлёзма ва босма асарларни дастлабки илмий ишлаш», фахрестлар тузиш ва уларни илмий асосда сақлаш» бўлими тузилди. Шу вақтда мен қўлёзма асарлар фонди мудири бўлиб ишлаётганим учун, мени шу бўлимга мудир этиб тайинлашди. Мана 30 йилдирки, бўлим илмий ходимлари институт фондида сақланаётган минглаб қўлёзма ва босма асарларни ўрганиб, турли фахрестлар тузишга муваффақ бўлдилар. Бу иш нафақат ўзбек олимлари, шунингдек бутун дунёдан келган олимларнинг қўлёзма ва босма асарлардан фойдаланиши учун катта имконият яратади. Шундай бўлимининг ташкил этилиши зарурлигини англаган Иброҳим Мўминов, ўзлари бош бўлиб бу бўлимни тузган эдилар. Мен номзодлик ишимни Ўзбекистон ФА ижтимоий фанлар бўлимининг катта илмий кенгашида Домла раислигида ҳимоя қилдим.

Менинг номзодлик дипломимда Иброҳим Мўминовнинг ўз табаррук қўллари билан битилган имзолари нақшланган. Ҳар гал дипломини кўрганда Иброҳим Мўминовни беихтиёр эсга оламан.

Яна шунинг ҳам айтмоқчи эдим. Марҳум домла Иброҳим Мўминовнинг табаррук номлари, ўзлари бош бўлиб қурдирган Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг мрамар деворида шарқ алломаларининг ёнидан ўрин олмоғи жонзидир.

Хулоса қилиб айтганда, Иброҳим Мўминов домла ниҳоятда бағри кенг улуғ инсон эдилар. У кишининг республикамизда ижтимоий илмларни ривожлантиришда бошчилик қилганлиги ва қўшган катта ҳиссалари ҳаммага маълум. У киши билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Оллоҳ у кишидан рози бўлсин. Ётган ерларини нурга тўлдирсин.

С. Ш. ШЕРМУХАМЕДОВ

ВЫДАЮЩИЙСЯ УЧЕНЫЙ, МУДРЫЙ НАСТАВНИК

Мое знакомство с Ибрагимом Муминовичем Муминовым состоялось в 1952 г. в Самаркандском государственном университете им. А. Навои. Тогда я учился на пятом курсе. Такой трудный и серьезный предмет, как история философии, читал нам молодой тогда доктор философских наук (один из первых докторов философии в Узбекистане), профессор И. М. Муминов. Он читал увлеченно, захватываясь. Это были не лекции, а скорее беседы о проблемных вопросах, обществе, человеческом мышлении.

После сдачи экзамена (экзаменатором, естественно, был Ибрагим Муминович), к моему удивлению, меня пригласили к нему на кафедру. После длительной беседы Ибрагим Муминович предложил мне остаться в аспирантуре по специальности «философия». Не скрою, я был польщен этим предложением и по окончании университета в 1953 г., не раздумывая, остался в аспирантуре. Научным руководителем мне утвердили Ибрагима Муминовича. Он же стал моим научным консультантом и по докторской диссертации.

С того времени я имел счастье вместе работать, общаться с ним, наблюдать его на работе и дома, в быту, среди друзей и близких.

Прежде всего, это был выдающийся ученый-философ, неутомимый труженик. Он всегда говорил своим ученикам: «Чтобы стать настоящим ученым, надо быть чернорабочим в науке». Постоянно работая над своими, казалось бы, уже законченными трудами, он неоднократно возвращался к ним. К этому побуждали его научный поиск, стремление к истине, исключительная добросовестность, нежелание и умение останавливаться на достигнутом. Всему этому учил он нас, молодых аспирантов, своих учеников.

Поражали в нем широта и масштаб научных интересов. Его интересовали буквально все аспекты философии, каждому из них он уделял большое внимание.

В этом отношении показательны уже первые его исследования — «Алишер Навои — великий просветитель» и др. В дальнейшем его интересы все более расширялись и углублялись исследование все новых актуальных для развития науки и культуры проблем.

Ибрагим Муминович прекрасно знал историю философии вообще, историю философии Востока в особенности. Об этом свидетельствуют его исследование взглядов крупного представителя прогрессивной общественно-философской мысли народов Средней Азии и Индии эпохи средневековья — Мирзы Бедия. Мироззрение Бедия рассматривается в связи с общим развитием общественно-философской мысли народов Средней Азии, решаются теоретические проблемы, имеющие важное значение для изучения и понимания сущности особенностей средневековой общественно-философской мысли народов Востока, в частности Средней Азии.

Благодаря огромной эрудиции, широте научного диапазона, разносторонним знаниям и интересам, особой щедрости души и беспредельной доброжелательности, И. М. Муминович всегда готов был оказать любую помощь молодым ученым, аспирантам, студентам.

Ибрагим Муминович был добрым, мудрым наставником, крупнейшим организатором науки, выдающимся ученым-философом в полном смысле этого слова. С большим уважением относился он к своим коллегам, умел по достоинству оценить их труд.

Многообразие научных интересов, жажда познания, творчества позволили Ибрагиму Муминовичу создать философскую школу в Узбекистане, поставившую своей целью исследование актуальных проблем философии.

Когда думаешь об этом бесспорно талантливом человеке, вспоминаются встречи, беседы с ним.

В своем рабочем кабинете он появлялся без опозданий и сразу окунался в самую гущу дел, с которыми к нему обращались ученые, аспиранты и др. Что прежде всего обращало на себя внимание в нем как человеке? Его доброжелательность, готовность хоть чем-то помочь людям, стремление вывести молодежь на широкую дорогу науки. Его многочисленные пометки на полях рукописей заставляли и молодого аспиранта, и докторанта, порой уже убежденного сединами ученого, задумываться над поставленными вопросами.

Ибрагим Муминович был в полном смысле слова наставником. Он «болеет», переживал за каждого студента и аспиранта, страстно хотел видеть в них продолжателей своих идей и начинаний. Ибрагим Муминович своей твердой рукой вводил воспитанников в мир науки, в область исследований, порой давал уроки не только философии, но и жизни. Он не оставлял без внимания молодого человека до тех пор, пока тот не становился самостоятельным исследователем. И даже после этого Ибрагим Муминович продолжал следить за творческим ростом бывшего подопечного, поправлял его. И как терпелив он был в своем наставничестве. Всегда учил нас, молодых, быть настойчи-

вами, дисциплинировал наше неследовательское мышление. Все, чем владел сам, он стремился передать нам. И еще очень ценная черта была у Ибрагима Муминовича — воспитывать у молодежи способность к самокритике, не удовлетворяться уже достигнутым.

С большим интересом слушали участники различных советов, конференций, совещаний выступления Ибрагима Муминовича, всегда очень содержательные, с четко выраженной научной мыслью. Ибрагим Муминович владел искусством не только говорить, но и слушать. Не перебивал, не торопил, как бы ни был занят, не поправлял, внимательно слушал. Только когда посетитель все выскажет, он уточнит кое-какие детали и начинает говорить.

Нас всегда поражали сдержанность и самообладание нашего наставника, способность в любой ситуации находить верное решение.

Это был незаурядный человек. Его ясный ум, требовательность учёного, отеческая забота и подлинно человеческая доброта снискали ему уважение всех, кто знал его, работал с ним рядом.

АХБОРОТ

БУЮҚ АЛЛОМА ҲАҚИДА СЎЗ

Атоқли олим, дилбар инсон, меҳрибон устоз, улкан фан ташкилотчиси, Ўзбекистонда янги фалсафа мактабининг асосчиси Иброҳим Мўминовнинг ҳаёти ва фаолияти, унинг илмий мероси, ҳар хил баҳс-мунозаралар, турлича ёндашув ва баҳоларга сабаб бўлиб келмоқда. Бу табиийдир. Чунки улкан аллома қолдирган илмий мерос ижтимоий фанларнинг даярли барча соҳаларига даҳлдор бўлиб, кўп қиррали ва кенг қамровликки, унга бир томонлама ёндашиш асло мумкин эмас.

Шу йилнинг 26 май куни Ўзбекистон Республикаси Фалсафа жамияти, Ўзбекистон зиёилари Илм-маърифат Уюшмаси, ТошДУ фалсафа факультети томонидан буюқ аллома, академик Иброҳим Мўминов таваллудининг 85 йиллиги олдидан Хотира йиғилиши ўтказилди. Ингилишни Ўзбекистон Фалсафа жамиятининг Президенти, Беруний мукофоти совриндори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, фалсафа фанлари доктори, профессор С. Ш. Шермухамедов олиб борди. Унда Ўзбекистон Республикаси зиёилари Илм-маърифат Уюшмаси Президенти, академик Э. Ю. Юсупов «И. Мўминов — атоқли олим, йирик фан ташкилотчиси, давлат ва жамоат арбоби» — деган мавзуда маъруза қилди. Шундан сўнг Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиклари И. Искандаров, М. Ҳайруллаев, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзолари С. Азимжонова, М. Баратов, А. Валиев, фалсафа фанлари докторлари А. Ахтамов, М. Нурматов, О. Файзуллаев, фалсафа фанлари номзоди, доцент М. Усмонов ўртоллар сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Олимларимиз ўз нутқларида — буюқ олим жамоат ва давлат арбоби Иброҳим Мўминовнинг ҳаёти, кўп қиррали ижодий фаолияти тўғрисида юксак меҳр билан сўзладилар.

Ш. Саматов

И. М. МЎМИНОВНИНГ 85 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ МУЗЕЙИНИНГ КЎЧМА КЎРГАЗМАСИ

1993 йил ноябрда Ўзбекистон Республикаси ФА академиги, Беруний мукофоти совриндори, Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, фалсафа фанлари доктори, профессор Иброҳим Мўминовчи Мўминов таваллудининг 85 йиллиги нишонланади.

Ўзбекистон тарихи музейида ушбу санага бағишланган кўргазма тайёрланди. Кўргазма стендларида акс эттирилган суратлар ва ҳужжатлар фотоси И. М. Мўминовнинг давлат ва ижтимоий соҳада олиб борган кўпқиррали фаолияти тўғрисида, бутун умр халққа садоқат билан хизмат қилиш намунаси бўлган ҳаёти, фалсафа фанининг йирик тадқиқотчиси ва тарғиботчиси, доно мураббий ва ёш олимларнинг сазий устози, ижтимоий фанларнинг улкан ташкилотчиси, давлат ва жамоат ишларнинг фаол иштирокчиси эканлиги ҳақида ҳикоя қилади.

Кўргазманинг биринчи стендида И. М. Мўминовнинг қатор фотопортретлари ва оилавий суратлари кўрсатилган бўлиб, уларда И. М. Мўминовнинг ўқувчилик даври (1922—1927), Самарқанд Педакадемияси толиби бўлган даври (1928—1931), Алишер Навоий номи Самарқанд Давлат дорилфунунида иш фаолиятининг бошланиши (1933) акс эттирилган. Кейинги стендларда кўрсатилган суратлар И. М. Мўминовнинг ижодий фаолиятини босқичма-босқич кўрсатишга бағишланган. И. М. Мўминовнинг педагогик фаолияти нақадар катта аҳамият касб этганлигини қатор экспонатлар орқали яққол намоян қилинади. Экспонатлар орасида И. М. Мўминовнинг «Халқ маорифи аълочиси» нишони, кафедра мудири лавозимда ишлаганиги ҳақида гувоҳнома (1943), доцентлик (1942) ва профессорлик (1950) аттестатларини ва бошқа ҳужжатларини кўришингиз мумкин. Фотосуратларда И. М. Мўминовнинг Ўзбек Давлат дорилфунунида ўқиган лекцияларидан лавҳа, И. М. Мўминов Алишер Навоий номи Самарқанд Давлат дорилфунуни, Бухоро Педагогика институтини талабалари ва ўқитувчилари орасида (50-йиллар), Алишер Навоий номи Ўзбек Давлат дорилфунуни 20 йиллиги (1947) нишонланишида иштирок этган олимлар — Д. Саидов, С. Умаров, И. Мўминов, М. Мўминов, Е. Коровин, С. Айний, Т. Н. Қори-Нисий, О. Содиков, У. Орипов ва бошқалар акс эттирилган.

Атоқли олим Иброҳим Мўминов ўзининг фалсафа, тарих, адабиёт ва ижтимоий илмининг бошқа соҳаларига оид қимматли асарлари, илм-фан, маданият тараққиётига қўнган салмоқли ҳиссаси билан, ўзи яратган Ўзбекистон Республикаси-

нинг фалсафа мактаби орқали доимо барҳаётдир: Унинг бу соҳадаги фаолияти у муҳаррирлик қилган тўрт жиллик «Ўзбекистон ССР тарихи», икки жиллик «Самарқанд тарихи», 1967 йилда Беруний номлидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотига сазовор бўлган уч жиллик «Ўзбекистон ишчилар синфи тарихи», бир жиллик «Ўзбекистон ССР тарихи» ва «Совет Ўзбекистони ишчилар синфининг тарихи» каби асарларида намоён бўлди.

Кўргазмани 1959 йилда И. М. Мўминовнинг «ЎзССРда хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвони билан тақдирланган нишонини очиб беради. И. М. Мўминов маҳаллий миллат вакиллари орасида биринчилардан бўлиб фалсафадан илмий даража олишга эришган. Экспонатлар орасида И. М. Мўминовнинг фалсафа фанлари номзоди (1941) ва доктори (1950) илмий даражасининг тасдиқловчи дипломлар, Абу Райҳон Беруний номли Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти нишонини тасдиқловчи диплом (1967) ва бошқа ҳужжатлар бор.

Қатор фотосуратларда И. М. Мўминов ўз шоғирдлари ҳамда Ўзбекистон ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти ходимлари, тарихчи олимлар, чет эллик ҳамкасблари, ислом дини тадқиқотчиларининг халқаро анжумани иштирокчилари, шарқшуносларнинг XXV халқаро анжумани вакиллари орасида теурийлар даври санъати бўйича ўтказилган симпозиум ва ҳоказотларда ақс эттирилган. Фотосуратлар 50—70-йилларга акс бўлиб, бу тарихий экспонатлар И. М. Мўминовнинг илмий қизиқишлари гоёт-кенг бўлганлигидан далолат беради.

И. М. Мўминовнинг фақуллода қобилиятлари Ўзбекистон Фанлар академиясидаги серқирра фаолиятида, «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» ойнамаси, Ўзбекистон Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти, Археология институти, Ўзбек Совет Қомусини ташкил этиш ва уларга раҳбарлик қилишда, Ўзбекистон Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти, Тарих институти бирлашган илмий кенгашлари раиси бўлиб ишлаганида илмий тадқиқотларнинг истеъдодли ташкилотчиси, олимлар катта жамоасининг йўлбошчиси сифатида намоён бўлди.

Кўргазманинг кейинги стендларида намоён қилинган материаллар И. М. Мўминовнинг 18 йил мобайнида Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти лавозимида ишлаганлиги тўғрисида, ўша даврдаги ишларини очиб беради. Ҳужжатлар орасида И. М. Мўминовнинг Ўзбекистон академиясига муҳбир аъзоси этиб сайланганлиги (1943) Ўзбекистон Фанлар академиясига академик ва вице-президент этиб сайланганлиги (1956) ва вице-президент лавозимида ишлаганлиги ҳақида гувоҳномадор мавжуд. Фотосуратларда И. М. Мўминовнинг ўша йиллардаги қизғин фаолияти ўз аксини топган: И. М. Мўминовнинг иш жойи, Ўзбекистон Фанлар академияси Президиумининг йнгиллишлари, Президиум ходимлари билан суҳбати, шунингдек И. М. Мўминов билан ушбу суратларда Ўзбекистон Фанлар академияси президенти Х. М. Абдуллаев, О. С. Содиқов, илмий котиб Ўзбекистон Фанлар академияси академиги М. З. Ҳомудонов, академик Х. Фозиловни кўришнигиз мумкин.

Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти, Ўзбек Совет Қомусининг биринчи Бош муҳаррири И. М. Мўминов собиқ СССР Катта Совет Қомуси Бош муҳаррири мувини Л. С. Шаумян, Ўзбекистон Фанлар академияси Президенти О. С. Содиқов, Ўзбек Совет Қомуси ходимлари даврасида (1968 йил 24 март), иккинчиси И. М. Мўминов раҳбарлигида Ўзбек Совет Қомусига киритилган расмлар муҳокама қилинаётгани (1970) ҳақидаги суратлар алоҳида аҳамиятга эга.

Бир гуруҳ фотосуратлар И. М. Мўминовнинг республика, Бутуниттифоқ, халқаро анжуманларда бир неча бор Ўзбекистон олимларининг делегациясига бошчилик қилганлигидан, Ўзбекистонда илмий ҳаёт, ижтимоий фанлар муаммоларини тадқиқ этиш тўғрисида маърузалар қилганлигидан, у Ўзбекистоннинг фан соҳасида эришган ютуқларини чет элларда фаол тарғибот қилган олим эканлигидан далолат беради. Уларда И. М. Мўминовнинг Ўзбекистон олимлари билан Покистон, Афғонистон, Булгарияда бўлган пайтлари акс этган. И. М. Мўминовнинг тинчлик тарафдорларининг Москвада бўлиб ўтган жаҳон конгрессида (1973) қатнашганлигидаги сурат бор.

Кўргазмада И. М. Мўминовнинг давлат ва жамоат ишларидаги фаолияти кенг ўрин олган. У 1958—1974 йиллар мобайнида Республика Файласуфлар жамияти ва Республика «Билим» жамиятининг раиси эди.

Кўргазмада кўрсатилган фотосуратларда И. М. Мўминов Бутуниттифоқ «Билим» жамиятининг III (1960), IV (1964), V (1968), VI (1972) қурултойлари иштирокчилари орасида акс эттирилган. И. М. Мўминовнинг ўшу соҳадаги фаолиятини очиб берган ҳужжатлар ҳам мавжуд.

И. М. Мўминов ЎзССР Олий Совети Ташқи ишлар бўйича доимий комиссиясининг раиси, 1955 йилдан ЎзССР Олий Совети депутати эди.

И. М. Мўминов ўзининг давлат ва жамоат ишлари соҳасидаги фаолиятини халқимиз бахт-саодати йўлига бахш этди. Бу гуруҳ фотосуратларда ўзбек халқ бахшиси Эргаш Жуманбулбул ўғли ҳайқалини очиб маросимида, байрам тантаналарида қатнашганлиги акс этган.

И. М. Мўминов сазовор бўлган мукофотлар ва депутатлик белгилари унинг самарали фаолиятининг Ҳукумат томонидан юксак баҳоланганлигидан далолат беради.

Кўргазманинг охириги стендидаги экспонатлар И. М. Мўминовнинг хотирасини абадийлаштиришга бағишланган. Бу ерда Ўзбекистон Ҳукуматининг қарори келтирилган бўлиб, унга биноан И. М. Мўминовнинг тўрт жиллик таъланган асарлари

нашр этилди. Ўзбекистон Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти, Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат дорилфунунининг фалсафа кафедраси И. М. Мўминов номи билан аталади.

Бухоро вилояти Шофрикон ноҳиясидаги 38-ўрта мактабга, Тошкент шаҳридаги йирик кўчалардан бирига олимнинг номи берилган. Файзулла Хўжаев номидаги Бухоро Давлат Педагогика институтида И. М. Мўминов номида стипендия белгиланган.

Юқорида айтиб ўтилган суратлардан ташқари кўрсатилган материаллар орасида Бухоро вилояти, Шофрикон ноҳиясидаги 38-мактабда очилган И. М. Мўминовнинг музейига кириш эшиги, музей заллари, Тошкентдаги Чигатой қабристонидида И. М. Мўминовга қўйилган ёдгорлик тасвирланган фотосуратлар мавжуд.

И. М. Мўминовнинг номи ҳамisha халқ хотирасида абадий сақланади.

Янги йилнинг марта кўрсатилаётган нишон ва ҳужжатлар орасида И. М. Мўминов таваллудининг 85 йиллиги олдида ўтказилаётган хотира йиллигига тақдирнома (1993), Ўзбекистон Республикаси Фалсафа жамиятининг академик Иброҳим Мўминов номидаги мукофоти низоми ва нишон, Иброҳим Мўминов таваллудининг 85 йиллигига бағишланган юбилей тадбирлари режаси ва ҳоказолар ўрин олган.

Шундай қилиб, музей кўргазмаси И. М. Мўминовнинг 85 йиллигини нишонлаш билан унинг ўлмас хотирасини халқимиз орасида кенг ёйишга ўз ҳиссасини қўшади.

Н. К. Султонова

ЎЗФА «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ МАФҚУРАСИНING ИЛМИЙ АСОСЛАРИ» КОНЦЕПЦИЯСИ ЛОЙИХАСИНING МУҲОКАМАСИ

Ўзбекистон Республикасида салкам икки йил мобайнида суверен давлат барпо этиш борасида кўзга кўринарли тадбирлар амалга оширилмоқда. Республикада иқтисодий ва ижтимоий соҳани кўзловчи бозор иқтисодийни режали тузиш ва су³ верен давлатни руҳий-маънавий жиҳатдан ривожлантириш учун ҳамма шарт-шароитлар яратилмоқда. Айниқса, ҳозирги давр миллий истиқлол, маънавият, халқ манфаатлари йўлида тинмай ишлашни, ислохотларни тезроқ амалга оширишни, ташаббускор бўлишни талаб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ўзининг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон — келажиги буюк давлат», «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг» китобларида, турли чиқишлари, суҳбатларида иқтисодий, ижтимоий, сиёсий тараққиёт учун истиқлол мафқураси асосларини яратиш зарурлигини бир неча бор таъкидлаб ўтган эди.

Ушбу масъулиятли бир даврда Ўзбекистон Фанлар академияси олимлари Республика Президентининг юқорида кўрсатиб ўтилган асарлари асосида «Ўзбекистон Республикаси миллий истиқлол мафқурасининг илмий асослари» концепцияси лойиҳасини тайёрладилар ва бу ҳужжат 1993 йил 9 июль куни Ўзбекистон Фанлар академиясининг умумий мажлисида кенг муҳокама қилинди.

Умумий мажлисни кириш сўзи билан ЎзФА Президенти, академик М. Салоҳидинов очди.

ЎзФА вице-президенти, академик И. Искандаров бу ҳақда маъруза қилди.

Маърузада Ўзбекистон ФА ижтимоийшунос — олимлари Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг китоблари асосида «Ўзбекистон Республикаси миллий истиқлол мафқурасининг илмий асослари» концепцияси лойиҳасини тайёрлаганлиги ҳақида гапириб ўтдилар.

«Маълумки,— деди акад. И. Искандаров,— ҳар қандай ижтимоий жамият ўзига монанд мафқура асосида камол топади ва ривожланади. Эндиликда СССР парчалаб кетиши муносабати билан марксизм-ленинизм яккаҳоқимлик мафқураси ҳам тарих саҳнасида сурилди ва мутлақо янги сиёсий-ижтимоий ҳолат вужудга келди.

Бундай шаронгда республикамиз ҳам бошқалар сингари ўз мустақиллигига эришиши ва бозор иқтисодиёти сари қадамба-қадам силжимоқда.

Бинобарин, давлат бошқаришдан тортиб, то ҳар бир фуқаронинг турмуш тарзида янги тафаккур пайдо бўлмоқда. Эндиги вазифа бу ижтимоий-сиёсий тараққиётга монанд мафқурани бунёд қилиш, уни инсон онгига сингдириш туфайли унинг куч-қудратини буюк истиқлол талабларига сафарбар этишдан иборатдир.

Мафқура тушунчаси жуда кенг ва уни ҳар хил ифодалаш мумкин, қисқа қилиб айтганда бу жамиятда яшовчиларнинг идеалидир.

Шунга биноан олимларнинг фикрича мафқура жамиятда истиқомат қиладиган фуқароларнинг манфаатларига, ҳуқуқларига монанд келадики, уларнинг турмуш тарзини, юриш-туришини, хатти-ҳаракатини белгилайдиган, мамлакатни эса умумбашарий қадриятлар чинакам демократия асосида ривож топишни акс эттирадиган қарашлар тизимининг мажмуаси деб ифодалаш мумкин.

Ўзбекистоннинг миллий мафқураси кучлик иқтисодий манбага, илм-фан потенциалига, бой маданий мерос ва қадриятларга, дин эркинлиги ва одилола ҳуқуқий мақомларга таянган ҳолда халқимиз ва мамлакатимизнинг жаҳон цивилизацияси маконидан муносиб ўрин эгаллашни таъминловчи гоявий воситадир.

«Миллий мафкурамизнинг шаклланишида академия олимларининг ҳиссаси сезиларли бўлмоқда,— деб фикрини давом эттирди акад. И. Искандаров. Аввалам бор ўтган 1992 йилги (2 июлда) ижтимоий-гуманитар фанларнинг «Ўзбекистон мустақиллиги ва ижтимоий-гуманитар фанларнинг вазифалари» хусусида ўтказилган махсус сессияда алоҳида муҳокама қилиниди ва бу соҳадаги вазифаларимизни аниқлашга бағишланган бир қатор кенгашлар ўтказилди».

Кейинги пайтларда академия аъзолари, бир қатор директорлари ва йирик олимлар ўзларининг истиқлол мафкураси бўйича хулосаларини матбуот орқали билдирмоқдалар ва бу жараён давом этмоқда.

Буларнинг ҳаммасини ҳисобга олиб, ижтимоий-гуманитар фанлар бўлимининг аъзоларидан бир гуруҳи Ўзбекистон Республикасининг мафкураси илмий асосларининг концепциясини яратиш зарурлигини таклиф этдилар. Академия Президенти М. С. Салоҳидиновнинг розилигини олганимиздан кейин ишчи гуруҳи (академик М. М. Ҳайруллаев, ЎзФА мухбир аъзоси А. П. Қайюмов, фан доктормлари А. У. Уринбоев, Н. Р. Раҳмонов, Т. М. Мирзаев, А. Қодиров, тарих фанлари номзоди Л. М. Трансидан иборат) тузилди, тайёрланган концепция лойиҳаси икки марта муҳокама этилиб ҳозирги даражага келтирилди. Бу материал барча бўлимлар орқали академия аъзоларига ва тегишли ташкилотларга етказиб берилди ва кенг муҳокама этилди.

Энди бу ҳужжат мазмунига келсак, энг аввало биз унга илмий нуқтан назардан ёндашиб, мафкуранинг барча қирраларини қамраб олишга интилдик. Шу боисдан мафкура лойиҳаси 9 йўналишдан ташкил топган (мафкура лойиҳасининг тўла матни журналнинг шу сонинда илова қилинади).

Лойиҳада қайд этилган гоғлар, қарашлар мафкуранинг яхлит ажралмас қисми сифатида амалга оширилса, у республикамиз ўз олдига олиб қўйган олий мақсадларга самимий хизмат қилган бўлур эди. Бу лойиҳадаги фикр-мулоҳазалар кенг муҳокама учун ўртага ташиланмоқда ва олимларимиз таклифлари мамнуният билан ҳисобга олинади.

«ЎзР миллий истиқлол мафкураси...» лойиҳасини муҳокама этишда акад. М. Ҳайруллаев, акад. Э. Юсуфов, акад. С. Қамолов, акад. А. Асқаров, ЎзФА мухбир аъзолари И. Султонов, Ғ. А. Абдурахмонов, Қ. Н. Бедришев, х. ф. д., проф. А. Х. Саидов, ф. ф. д., проф. А. Жалолов сўзга чиқдилар. Нотиқлар лойиҳа матнини асосан маъқулладилар ва бу борада Ўзбекистон Фанлар академиясида олиб борилаётган самарали ишларни қўллаб-қувватлаб, мақсадга мувофиқ деб баҳоладилар. Шу билан бирга лойиҳадаги айрим камчиликларга ургу берилиб, унга қатор қўшимча тузатишлар ва аниқликлар ҳам киритилди. Ишчи гуруҳига зса мазкур лойиҳа устида ишни давом эттириш зарурлиги, олимлар ўз фикр-мулоҳазаларини бериши тавсия этилди. Мажлис якунида қуйидаги қарор қабул қилинди:

1. «Ўзбекистон Республикаси миллий истиқлол мафкурасининг илмий асослари» концепцияси лойиҳаси асос сифатида қабул қилинсин.

2. Лойиҳа юзасидан билдирилган фикр ва мулоҳазаларни умумлаштириб, Ижтимоий-гуманитар фанлар бўлимига топширилсин ва улар лойиҳанинг сўнгги таҳририда инобатга олинсин.

3. Лойиҳа фикр-мулоҳазалар асосида тўла таҳрир қилинган ҳолда нашрга тайёрлансин.

Шу билан «Миллий истиқлол мафкураси...» лойиҳаси муҳокамасига бағишланган ЎзФАнинг Умумий мажлиси ўз ишини якунлади.

Журналда эълон этилаётган концепция лойиҳаси билан олимларимиз яна бир бор танишиб ўз муносабатларини ва фикр-мулоҳазаларини ЎзФАнинг ижтимоий-гуманитар фанлар бўлимига билдирсалар лойиҳанинг такомиллашишига катта ҳисса қўшган бўлур эдилар.

Қ. Шоакрамов

Концепция лойиҳаси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИНING ИЛМИЙ АСОСЛАРИ

Ўзбекистон суверен демократик республикадир.

Ўзбекистонда қудратли ҳуқуқий давлат ва унинг ўзига хос табиий, маънавий ва тарихий хусусиятларини назарга олган ҳолда халқ манфаатига, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисоди, адолатли демократик тизим, очиқ ташқи сиёсатга асосланган фозил жамият қуриш асосий мақсадимиздир. Бу жамият иқтисодий ва сиёсий воситалар ёрдамида маънавиятни юксалтиришни, Ўзбекистон халқлари учун фаровон ҳаёт, миллий маданият ва қадриятларнинг уйғоншини, шахсининг ахлоқий етуқлигини, қиммат инсон тарбиясини таъминлашни асосий вазифа қилиб қўяди. Бундай жамиятда тинчлик, фуқаролар ўртасида аҳиллик ва дўстлик, умуминсоний қадриятларга, уларни ўзлаштиришга интилиш, бошқа давлатлар ва халқларга зўр ҳурмат туйғуси ҳукмирон бўлади. Бу жамиятда фуқароларнинг миллатидан, динидан, ижтимоий келиб чиқиши ва сиёсий эътиқодидан қатъи назар, эркинлиги, конституцион ҳуқуқлари ҳимоя этилади.

Ҳар қандай ривожланган жамият ўз мафқурасига эгадир. Мафқура эса маънавиятнинг уйғунлашган, маълум мақсадга йўналтирилган назарий ифодасидир. Ўзбекистон Республикаси мафқураси унинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, истиқлолни белгилаш, миллий маданиятнинг ривожланиш йўлини аниқлаш дастури бўлиб хизмат қилади ва ҳар қандай сиёсат ва сиёсий қарашлардан, партия ва партиявий интилишлардан устун туради, у эркин тафаккурга, ранг-баранг фикрларнинг уйғунлашуви ва асосий мақсад томон йўналтирилишига асосланади.

Бу мафқура республикамиздаги иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, фалсафий, диний қарашларнинг асосий қоидаларини ўзида ифодалайди.

У она ватанимиз — Ўзбекистонга чексиз муҳаббат ва садоқатли бўлиш, унинг мустақиллигини ва манфаатларини ҳар доим ва ҳар ерда ҳимоя этиш, чуқур ватанпарварлик ҳисси билан сугорилгандир.

У инсонга, унинг ҳис-туйғуси, истеъдоди, фикри ва фаолиятига, авваламбор, унинг меҳнатига ва меҳнат маҳсулига зўр ҳурмат ва эҳтиром ҳисси, инсонпарварлик туйғуси билан ҳар томонлама сугорилгандир.

* * *

Ўзбекистоннинг миллий мустақиллик ва истиқлол мафқураси жамият ҳаётининг турли соҳаларида ўз ифодасини топувчи гоаяларнинг мантиқий ва узвий боғлиқлиги асосида шаклланади. У, биринчи галда, қуйидаги гоаяларда ўз ифодасини топади:

1. Иқтисодий гоаялар соҳасида:

— халқ манфаатларига хизмат қилувчи мустақил иқтисодиётни такомиллаштиришнинг энг самарали услуби ва воситаси — бозор муносабатлари асосида ташкил топган иқтисодий тизимга ўтишидир. Бу тизим кўп йиллар давомида йиғилиб қолган оғир иқтисодий қийинчиликларни ҳал қилишга, миллий иқтисодиётни жаҳон ҳўжалиги билан узвий боғлашга, ишлаб чиқаришнинг маҳсулотга бўлган талабини ҳисобга олган ҳолда тез суръатлар билан ривожлантиришга ва, шу билан бирга, иқтисодиётнинг ижтимоий йўналишини кучайтиришга катта имкон яратади;

— ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш узок ва мураккаб жараёндир, шунинг учун ҳозирги иқтисодий ислохотнинг асосий боسقичи — бозор муносабатларига ўтиш даврининг асосий мақсади ва вазифасини аниқлаш ва унинг самарали ишлашига шарт-шароитлар яратишидир. Бу аниқ мақсадга йўналтирилган иқтисодий ва ҳуқуқий ислохотлар ёрдамида амалга оширилади. Бозор муносабатларига ўтиш даврида муҳим шартлардан бири иқтисодий вазиятни ва аҳолининг ҳаёт даражасини барқарорлаштиришидир. Бу эса, давлат томонидан иқтисодиётни бошқариш, тартибга солишни ва унга зарур шароитлар яратиш учун аниқ амалий чоралар кўриши талаб қилади.

Хусусан:

а) республикада барпо қилинган ишлаб чиқариш ва, айниқса, етакчи саноат соҳаларида лмий-техника потенциалини сақлаб қолиш;

б) ҳар қандай иқтисодий бирлиكنинг (шахс, корхона, ташкилот ва ҳоказолар) тўлиқ иқтисодий эркинлигини ва ишлаб чиқаришда турли хил мулк шаклларининг ўзаро рақобати, ҳуқуқий жиҳатдан тенглиги ва ҳимояланганлигини таъминлаш;

в) эркин нархларга ўтиш йўлида молларнинг алоҳида муҳим турлари ва яқка зиратчилик тарзида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг нархларини давлат томонидан бошқариш сиёсатини шакллантириш;

г) солиқ тизимини, молия-кредит ва бюджет сиёсатини такомиллаштириш, уларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва рағбатлантириш йўналишида олиб бориш;

д) ишлаб чиқариш тузилмасини такомиллаштириш, давлат бошқарув тизимлари ва ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасидаги масъулиятни аниқ чегаралаш асосида иқтисодиётни ҳудудий бошқариш усулларини қайта кўриш;

е) иқтисодни миллийлаштириш, яъни халқ ҳўжалиги таркибини тавомиллаштириш, ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва жойлаштиришда республика аҳолисининг миллий ва маданий анъаналарини, тарихий турмуш ва тафаккур тарзини ҳисобга олиш;

ж) давлатнинг ташқи иқтисодий сиёсатини шакллантиришда давлатлараро иқтисодий муносабатларнинг янги қоидаларини ишлаб чиқиш, бунда миллий манфаатлар устуворлиги ва ўзаро фойдала ҳамкорлигини таъминлаш, Марказий Осиё минтақавий бозорини ташкил қилиш, унинг ташкилий ва иқтисодий механизмларини яратиш.

2. Ижтимоий-сиёсий қарашлар соҳасида қуйидаги гоаялар белгилувчи аҳамиятга эга бўлади:

— жамият ва шахс интилишларининг уйғунлашуви, давлатнинг ўз фуқаролари ҳақида ғамхўрлиги ва уларнинг комил инсон сифатида шаклланиши учун кенг моддий ва маънавий имкониятлар яратиши, халқни фозил жамоа қуриш мақсади атрофида уюштириш ва шу мақсад томон йўналтириш;

— шахс эркинлиги, унинг меҳнат қилиши, касб танлаши, истаган ташкилот, муассасада хизмат қилиши, мулк соҳиб бўлиши ёки ёлланиб ишлаши, кексайганда, меҳнат ласқатини йўқотганда ва бошқа ҳолларда ижтимоий таъминотга эга бўлиши, тиббий хизматдан фойдаланиши;

— аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, инсонларнинг ўз меҳнатига яраша ҳаёт кечириш имкониятларини яратиш, аҳолининг пачор қатламларини давлат томонидан ҳимоя этиш ва уларга ёрдам бериш;

— фуқароларнинг маънавий даражасини юксалтириш, хусусан, уларнинг билим оlishи, умумий таълимни давлат томонидан бепул таъминлаш, мактаб ишларини назорат этиш, ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги бериш, маданият ютуқларидан фойдаланиш;

— фуқароларнинг миллати, билими, хизмати, қайси табақага мансублиги, ишчи, зиёлини, хизматчини, тadbirkорми, диндорни, фермерни, фахрийни, ким бўлишдан қатъи назар, барча соҳада-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маданий соҳалардаги тенг ҳуқуқлиги;

— Ўзбекистон ташқи сиёсат ботида ҳам ўзининг мустақил йўлидан боради. Бу йўл қарамликнинг барча шакллари, фуқароларнинг ҳафсизлигига таҳдид қилиниши, ички ишларига аралашини ва қурол кучи билан бостириб кириши инкор қилади. Орқага, собиқ Иттифоқни тиклашга қайтмаслик қарори қатъий бўлгани ҳолда, Ўзбекистон тенгҳуқуқлик, ўзаро ҳурмат ва манфаатдорлик, бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига амал қилиш асосида жаҳоннинг барча давлатлари билан муносабатлар ўрнатади. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати улуг давлатчилик таъсирини ҳам, ақиданарастлик (фундаментализм) тамойилларини ҳам рад этади.

Ташқи сиёсат ботида Ўзбекистон қарча халқлар, хусусан, Марказий Осиё халқлари билан бирлики сақлашга интилади. Тарихий илдизлари, тили, урф-одатлари, ўтмиши ва келажиги бир-бирга яқин бўлган қардош Марказий Осиё халқлари билан анъанавий бирдамлик ва биродарлик муносабатларини ривожлантириши табиий эҳтиёж деб ҳисоблайди ва улар билан умумий сиёсий фикр бирлигига эришиши келажикнинг асосий вазифаси деб билади.

3. Ҳуқуқий қарашлар соҳасида ушбу ғоялар етакчи аҳамият касб этади:

— Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини мустақкамлаш, унинг бошқа давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини изчил ривожлантира бориш ва кенгайтириш;

— давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини белгилашда халқнинг манфаати ва эркига асосланиш, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчилик, ижро этувчилик ва суд ҳокимиятига бўлиниши қондасига риоя қилиш, улар ўртасидаги ҳамкорлик ва ўзаро алоқадорликни мустақкамлаб бориш;

— сайлов тизимини демократиялаш, давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши ва амалга оширилишида демократия қоидаларига риоя қилиш ва уларни янада такомиллаштира бориш, халқ демократияси шакллари, сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларини, фикрий хилма-хиллик ва ошкораликни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш ва ривожлантириш;

— давлат бошқарув жараёнида такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш;

— инсон ва фуқароларнинг шахсий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва эркинликларини қўриқлаш ва кенгайтириш, уларнинг муносиб ҳаёт кечиринларини, миллатлараро тотувликни таъминлаш;

— қонунчиликни мустақкамлаш, қонунларни такомиллаштириш ва улар ижросини кучайтириш асосида ҳуқуқнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солиб туришдаги аҳамиятини ошириш, суд ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи бошқа идоралар фаолиятида ҳам қонунчилик ва ижтимоий адолатни мустақкамлаш;

— иқтисодий ўзаро муносабатларни таъминлайдиган иқтисодий тизим субъектлари учун ҳуқуқий замин яратиш ва ҳ. к.

4. Тарихий онг ва маданий меросга муносабат соҳасида:

— мустақил Ўзбекистон маънавиятининг ривожига янги тарихий онгнинг шаклланиши ва маданий меросга янгича муносабат муҳим аҳамият касб этади;

— ўтмиш маданият бойликлари, халқ яратган маънавий қадриятлардан кенг фойдаланиш, синфий, партиявий, субъектив ёндашувлардан қутулиб, уларга кенг, ҳар томонлама объектив ва илмий муносабатни шакллантириш, халқнинг ўз тарихига, унинг мустақиллик учун кураши, маданий-маънавий қадриятларни яратишдаги буюк хизматига катта ҳурмат ҳиссини тарбиялаш;

— Ўзбекистон, Марказий Осиёнинг жаҳон маданияти ривожига қўшган ҳиссасини ўрганиш ва у билан гурурланиш ҳиссини тарбиялаш, бошқа халқлар билан бўлган тарихий, маданий алоқаларни ўрганиш орқали ёшларга миллийлик ва байналмилаллик руҳини сингдириш. Тарих — халқ хотираси, тарихий-маданий мерос халқ маънавиятининг миллий маданиятини юксалтиришнинг энг муҳим манбаидир. Бу мерос ижтимоий-сиёсий, ахлоқий, бадний-эстетик, фалсафий, диний бойликлар, қадриятлардан ташкил топади.

5. Ахлоқий-педагогик қарашлар соҳасида қуйидаги ғоялар муҳим аҳамият касб этади:

— ахлоқий қарашлар ва ахлоқий тарбияда Ўзбекистон мустақиллигини ҳимоя этиш, Ватанга муҳаббат ва садоқат, унинг ривожини йўлида жисмоний ва ақлий имкониятларини сафарбар этиш туйғуси ва хулқини сингдириш ва камол топтириш, ёшликдан бошлаб богча, мактабларда ёшларни шу руҳда тарбиялаш, уларда керакли малакаларни шакллантириш;

— ахлоқда, хулқ-одобда ва фуқаролар онгида миллийлик руҳини, ҳис-туйғуларини ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратиш, халқ анъаналари, урф-одатлари, расм-русмларига кенг йўл очиб бериш, ўзбек тилига муҳаббат, уни севиб ва унда

завқ билан сўзлашишни одат тарзида тарбиялаш, шу билан бирга бошқа тилларни эгаллашга интилишни ҳам яхши ҳулқ-одобнинг фазилати, деб таълим бериш. Ахлоқ ва онда миллий гурурни шакллантириш;

— ахлоқдаги, ҳулқ-одобдаги миллийликни, умуминсоний ахлоқий қадриятларни ўзлаштириш, уларни тарбияга сингдириш асосида юксалтириш, ахлоқий меросдан кенг фойдаланиш, ахлоқ ва онгни бошқа ҳалқ ва миллатларга хайрихоҳлик, дўстлик, улар билан тинч-тоғувлик руҳида тарбиялаш, ёшларга байналмилаллик туйғусини ҳамда миллий низооларга, камситишларга, менсимасликларга эса нафрат ҳиссини сингдириш;

— фуқаролар ахлоқида инсонпарварлик, инсонга унинг миллати, ёши, жинсидан қатъи назар муҳаббат ҳис-туйғуларини, инсон қадр-қимматига, унинг яратувчилик ижодий қобилиятига зўр ҳурмат билан муносабатда бўлишни тарбиялаш;

— меҳнатсеварлик, ҳалол меҳнатнинг унумдорлигига эришишга интилиш, билим олиш, илм-фанга, маънавиятга муҳаббат, мустаҳкам эътиқодли бўлишни тарбиялаш;

— жамият ҳаётида ва айниқса фуқаролар; ёшларда бозор иқтисодига ўтиш жараёнида вужудга келувчи қийинчиликлар таъсирида пайдо бўлувчи турли салбий ҳислатлар, порахўрлик, шахсиятпарастлик, рискорлик, бўҳтон, худбинлик, алдаш ҳисоби-га бойиш қабиларга нафрат туйғусини тарбиялаш;

— оилани мустаҳкамлаш, ота-оналарга зўр ҳурмат, уларга гамхўрлик, бола тарбиясига эътиборни кучайтириш, ёш авлодга мустақил Ўзбекистоннинг истиқлолини яратувчилар, деб қараш, аёлларда ифрат ва эҳтиром ҳиссини тарбиялаш;

— ёшларни ўз меҳнат коллективига, маҳалла аҳли, қўни-қўшниларга ҳурмат, иззат ва улар фикри, интилишлари, манфаатлари билан ҳисоблашган ҳолда иш олиб бориш туйғусини тарбиялаш;

— ижтимоий адолат ва тенгликни, ижодий фикр, ташаббускорлик, фаоллик ҳулқий ҳислатларини ҳаётнинг барча соҳаларига сингдириш ва уларни муҳим ахлоқий фазилатлар сифатида улуғлаш;

— табиатга, табиий муҳитга ниҳоятда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, табиий бойликлардан тежамкорлик билан келажак авлоднинг ҳам манфаатларини назарда тутиб фойдаланиш, экологик маданиятни юксалтириш ахлоқий тарбиянинг, маънавий ривожланишининг муҳим ва ажралмас йўналиши бўлмоғи керак.

6. Бадий-эстетик қарашлар соҳасида:

— инсон маънавиятини, мафкурасини шакллантиришда адабиёт ва санъат, фольклор асосий бадий усуллар, воситалар манбаи, бадий-эстетик онгни тарбиялашнинг қудратли омил бўлиб хизмат қилади;

— адабиёт, санъат, фольклор Ўзбекистон фуқароларига ўз воситалари ёрдамида мустақиллик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, етук ахлоқийлик, умуминсоний қадриятларга ҳурмат ғояларини сингдириш орқали баркамол инсонни тарбиялашга хизмат қилади, бу жиҳатдан синфий ва партиявий манфаатлардан устун туради;

— ҳақиқий ижод эркинлигини таъминлаш, лаҳзатлар, бадий дидлар хилма-хиллиги ва ижодкор ўзлигини намоён этишга кенг шароитлар яратиш, бадий ижодда ақидачилик, қолиплар, бир хилликлардан қочиш, юксак маънавийлик ва бадийлик мустақил Ўзбекистон адабиёти ва санъати ривожланишининг бош йўлидир;

— адабиёт ва санъатда ғайрининсоний ғояларни тарғиб қилишга, айрим бир миллат манфаатларини бошқалардан айрича устун қўйишни, бошқа миллат ва элатларни ошқора камситишни, ўғриликни, фаҳшни, босқинчиликни, урушни тарғиб этадиган асарларга, ана шундай ғояларни байроқ қилиб олган мафкурага қонун кучи билан йўл қўйилмайдн. Шунингдек, адабиёт ва санъатнинг, умуман, маданиятнинг тижоратлашувининг олдини олиш, уларнинг энг яхши намуналари чайқов бозорининг ҳосиласига айланиб қолмаслиги учун курашиш, китоб бозорини олди-қочди асарлар билан тўлдаришга йўл бермаслик зарур;

— Ўзбекистон ривожидagi янги давр миллий бадий-эстетик онгини тараққий-сига хизмат қилади, миллий шарқ адабий-бадий меросидан кенг фойдаланиш имконини вужудга келтиради, адабиёт ва санъатнинг инсон маънавиятини юксалтиришдаги аҳамияти ва вазифасини оширади;

— адабиёт ва санъат инсонни эстетик тарбиялашга, уни ўраб олган ижтимоий муҳитдан завқланиш ва илҳомланишига, гўзалликни қадрлашни, ундан баҳраманд бўлиш, Ўзбекистон шароитида фуқароларни янги жамиятнинг етуклиги учун курашишга илҳомлантириш йўлида хизмат қилади.

7. Маданият, миллий тил, илм-фаннинг жамият ҳаётидаги ўрни ҳақидаги асосий ғоялар:

— жаҳон маданияти, илм-фани ва техникаси ютуқларини ўзлаштириш ва ривожлантириш, миллий таълим тизимини яратишда барча давлатлар эришган ижобий натижалардан, ёшларга билим, касб-ҳунар беришда сернатияли, тажрибадан ўтган усул, шакллардан фойдаланиш. Ёшлар билимини ошириш, ҳунар малакасини шакллантиришда ўқитувчи-мутахассислар етиштиришнинг сифатини ошириш. Бу соҳада эришган ютуқларимиздан кенг фойдаланиш, бизда вужудга келган маориф ва фан тизимини, миллий мустақиллик ҳамда дунё халқларининг илгор тажрибаси асосида қайтадан ташкил этиш ва янги миллий мазмун билан бойитиш;

— ўзбек адабий тили Ўзбекистон Республикасининг давлат тили сифатида ўз макъси ва мақомини мустаҳкамлаб боради. Бу даврда ўзбек тилининг ижтимоий ва

зифалари, уларнинг донраси ниҳоятда кенгайди, давлат тили ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий ҳаётнинг барча соҳаларида асосий ва етакчи алоқа воситасига айланади. Айниқса, расмий-идоравий бошқаруving, халқро муаммолар ва дипломатик ишларнинг, олий, ўрта махсус ва ўрта мактаб таълимининг давлат тилида олиб борилиши ўзбек тилининг обрўсиди, унинг давлат тили сифатидagi мақенини мустаҳкамлайди ҳамда бу тилининг халқ оmmasининг кундалик турмуш тили сифатида кенг ёйилиши ва илдиз отишига олиб келади;

— бу даврда давлат тили, асосан, ўз ички имкониятлари ва қонуниятларига таянган, халқ тилининг зарурий лугавий бойликларини ўзлаштиргани ҳолда ривожланишига интилади. Шу билан бирга, умумбайналмилал тусдаги илмий атамаларнинг ўзбек тилида мустаҳкамланиб қолиши, баъзи байналмилал атамаларнинг эса ўзлаштириш жараёни давом этади;

— давлат тили Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилувчи бошқа элат ва халқларнинг миллий тилларига ўз баракали таъсирини кўрсата боради. Бунда ўзбек бўлмаган бошқа миллатларнинг ўзбек тилини ўргана боришлари, республиканинг давлат тилида ўзаро мулоқотда бўлишлари муҳим омил бўлади. Шу билан бирга, мустақиллик даврида Ўзбекистонда яшовчи бошқа элат ва миллатларнинг тиллари ҳам тенг ҳуқуқлилик асосида, ўз эҳтишжларига яраша ривожланиб боради. Ўзбекистоннинг дунё миқёсида мустақил давлатлар қаторига кириши ва бошқа давлатлар билан турли соҳадаги алоқаларининг кучая бориши чет тилларини, хусусан, халқро аҳамиятга эга бўлган европа ва шарқ тилларини чуқур ва изчил ўрганиши ва ўзлаштириши, уларда иш олиб бориш кўникмаларини ҳосил қилиши тақозо этади;

— илм-фан, техниканинг жамият ҳастидаги ролининг ошиб бориши, уларнинг ҳаракатлантирувчи қудратли кучга айлана бориши Ўзбекистонда илм-фан ташкилотларини изчил ривожлантириш, уларни ҳозирги замон илмий асбоблари билан таъминлаш, илмий мутахассислар тайёрлаш ишини чуқурлаштириш ва кенгайтириб боришнинг талаб қилади. Илм-фан юксак даражада ривожланган мамлакатлар олимлари билан алоқаларини мустаҳкамлаш, бу соҳада «очик эшиклар» сисёсатини олиб бориш маънавий юксалишнинг асосий йўналишига айланиши лозим. Бу йўлда Ўзбекистон Фанлар академиясининг илмий потенциалини кучайтириш ва ундан республиканинг илмий маркази сифатида кенг фойдаланиш, республиканинг йirik университетларида мутахассислар имкониятини назарга олиб, айрим илмий йўналишлар бўйича марказлар очиш;

— илм-фаннинг ҳозирги ютуқлари ва келажак ривожидан келиб чиқиб, республикада ахборотлаштириш дастурини амалга ошириш, компьютерлаштириш, халқнинг компьютер савдоқдорлигини ошириш, ягона ахборотлар банкини, жаҳон ахборот марказлари билан телерадио алоқаларини ўрнатиш ва умумий компьютер тизимига қўшилишни долзарб вазифа деб билиш;

— фан ва техника ижодкорларининг ҳар доим маданий-маънавий юксалишнинг олдинги сафида бўлишларини назарда тутиб, уларга эътиборни кучайтириш, малакасини ошириш шароитини яхшилаш, меҳнатидан тўлиқ, самарали фойдаланиш, улар салоҳиятини ўз Ватанининг илмий-техникавий қудратини мустаҳкамлашга сафарбар этиш, бу муҳим вазифанинг иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий томонларини кўриб чиқиш.

8. Диний қарашлар ва динга муносабат соҳасида:

— мустақил Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий тизими, диний йўналиш асосида эмас, дунёвий тараққиёт йўлидан бориб, фозил жамият қуриш ва камил инсонни шакллантириш томон ривожланади. Шу билан бирга виждон ва дин эркинлиги тўлиғича таъминланади;

— диний фикр ва урф-одатлар ҳамда илмий-техник равнақ, маърифат бир-бирига зид қўйилмай, балки маънавиятнинг турлича ифодаси сифатида фикр эркинлиги, тўлиқ демократия асосида ривожланади. Улар, асосан, янги жамият яратиш, етук инсонни тарбиялаш ишига хизмат қилади. Бу йўлда ислом қадриятларини тиклаш ва улардан халқни маънавий бойитиш, ахлоқий тарбия, жамоанинг тартиб-интизоми, яқддигини таъминлаш, ҳамдўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш каби муҳим вазифаларни амалга оширишда фойдаланилади;

— диний фанатизм ва фундаментализмга (ақидачиликка), динни сиёсийлаштиришга, уни маънавиятнинг устуви ва етакчи кучига айлантиришга интилиш Ўзбекистон умумий тараққиёт йўлига зиддир.

9. Фалсафий ғоялар:

— мустақил Ўзбекистон мафкурасининг фалсафий ғоялари Марказий Осиё халқларининг узоқ тарихга эга бўлган ижтимоий-сиёсий қарашларига, бой фалсафий меросига ҳамда умуминсоний қадриятларга, жаҳон фалсафий фикри тараққиётининг ютуқларига асосланади;

— фалсафий қарашлар табиат ва жамиятнинг ривожланиши қонуниятлари, уларни билиш, ўрганиш усуллари ҳақидаги умумий билимлар тизмасидан ташкил топади. Бунда бир ёқламалик, ақидачилик, материализм ёки идеализм билан чегараланиб, улар зиддиятини мутлоқлаштиришга йўл қўйилмайди. Фалсафий ғоялар ҳур фикрлик, хилма-хиллик, мавжудотнинг бой, ранг-баранг кўринишларини турли томонлама талқин этиш асосида ривожланади;

— фалсафий ғояларнинг асосий мавзуи — инсондир. Инсон мавжудот кўринишининг энг олий ифодасидир, унинг манфаатларини асослаш, ҳар бир муаммони шу

манфаатлар нуқтан назаридан ҳал этиш фалсафанинг муҳим вазифаси бўлиб, бунда илмий, диний, миллий тафовутларга ва зиддиятларга йўл қўймаслик, фикр эркинлиги асосий воситадир;

— инсон ҳар қандай жамоанинг асоси, ижтимоий рабнақнинг бош мезонидир. Инсон билимининг орта бориши, бошқалар билан муносабатининг мустаҳкамлана бориши, ижодий меҳнати ёрдамида муҳитни, жамиятни янгилаш ва яхшилаш имкониятларига эга бўлади. Бу имкониятларни рўйбга чиқариш орқали инсонлар ижтимоий тараққиётни таъминлаш, турли низолар, зиддиятлар, курашларнинг олдини олиш, уларга йўл қўймаслик, ғуққорлар аҳиллигига эришиш вазифасини олга сурядилар. Бу вазифаларни амалга оширишда давлат фаолияти, унинг тўғри сиёсати ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгадир;

— ер юзида фозил жамият қуриш, комия инсонни етиштириш, ижтимоий ривожланишнинг асосий мақсади бўлиб, бу мақсадга итилиш турли давлат, мамлакатлар халқларининг яқинлашуви, ўзаро ёрдами, дўстона муносабатини тақозо этади;

— мустақил Ўзбекистон ўзининг ижтимоий-иқтисодий фаолияти, ўз сиёсатида халқ фаровонлиги, бахт-саодатга эришиш, ривожланган етук жамиятни яратиш, бошқа халқлар билан дўстликни мустаҳкамлашни мақсад қилиб қўяди.

Жамиятда мафкура ғуққорлар, ёшлар дунёқарашининг шаклланишига фаол таъсир кўрсата оласа, уларнинг кундалик фаолиятида ўз ифодасини топа олсагина жамиятни шу мақсад томон йўналтира олиш ва ундан кутилган мақсадга эришиш мумкин. Бу, аввало, ушбу мафкурани чуқур ўрганиш, ўзлаштириш, халқ ўртасида кенг тарғиб этишни тақозо қилади. Бунинг учун мавжуд кучлар ва имкониятларни тўла сарфбар этиш, турли восита ва шакллардан фойдаланиш, маълум маблағ ажратиш, ёш мутахассисларни ўстириш, етиштиришни талаб этилади.

*Ижтимоий-гуманитар
фанлар бўлими*

МИЛЛИЙ УЗБЕК ЁЗУВИ ИСТИҚБОЛИГА БАҒИШЛАНГАН ИЛМИЙ АНЖУМАН

Республикамизнинг бир қатор институтлари ва университетларининг ўзбек тили кафедраларида лотин графикаси асосида ўзбек миллий алифбосига қайта ўтиш масаласи бўйича муҳокама ва мунозаралар бўлиб ўтди. Масалан, Бухоро давлат университетида 1992 йили шундай мунозара бўлиб, унинг маҳсули сифатида шу университетнинг профессорлари К. Муқимов, Ҳ. Нейматов, доцент Ф. Ҳамроев муаллифлигида «Ўзбек лотин алифбоси ва имлоси» рисоласи лойиҳа тарзида chop этилди.

Бундан ташқари, республикамизнинг бир қатор рўзнома ва журналларида лотин графикасига қайта ўтиш бўйича турли хил илмий, илмий-ёммабоп мақолалар эълон қилинди ва муҳокама этилди. Чунончи, шу йилнинг 28 июлида «Халқ сўзи» рўзномасида муаллифлар гуруҳи: И. Қўчқортоев, А. Ҳожиёв, О. Ёқубов, Н. Маҳмудов, Э. Бегматов, А. Жабборов, А. Рафиев, А. Мадвалиевларнинг «Тилимиз жозибасининг тилсимми» деб номланувчи мақола босилиб чиқиб кўпчилик газетхонлар томонидан маъқул топилди. Анжуман олдидан эса (шу йилнинг 13 августига) «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» рўзномасида шу масалага бағишланган сўнгги мақола газетхонлар фикрига ҳавола қилинди. У муаллифлар А. Ҳожиёв, И. Қўчқортоев, Н. Маҳмудов, Ҳ. Бектемировлар қаламига мансуб бўлиб, «Ўзбек миллий имлоси» деб номланган эди.

Ушбу мавзунинг олимлар, педагоглар, вилоят ҳокимиятлари вакиллари, қолаверса барча эсиллар ўртасида кенг муҳокама этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг ташаббуси билан ташкил қилинган Ўзбек ёзуви истиқболига бағишланган республика илмий-амалий анжумани, шу йилнинг 16 августига ЎзФА Президентининг катта мажлислар залида бўлиб ўтди. Унда республиканинг етакчи олимлари, вазирлик, идора ва жамоат ташкилотлари, вилоят вакиллари қатнашдилар.

Анжуманини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Вазирлар маҳкамаси Давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш комиссияси раисининг ўринбосари М. Қорабобоев кириш нутқи билан очди ва бошқариб борди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши «Маданият ва миллий меросини асраш масалалари» қўмитаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси П. Қодиров «Янги алифбога қайтадан ўтиш тайёрлигининг қисқача тарихи ва бугунги аҳволи тўғрисида ахборот», ЎзФА Тилшунослик институти директори, ЎзФА муҳбир аъзоси А. Ҳожиёв «Лотин алифбоси асосидаги ўзбек ёзувига қайта ўтишнинг илмий-назарий асослари», «Ўзбек тили» жамияти раиси, ТошДУ профессори, ЎзФА муҳбир аъзоси И. Қўчқортоев «Логик ҳарфли ўзбек алифбосининг янги лойиҳаси ҳақида», Тошкент давлат Педагогика институти филология факультети декани, проф. Н. Маҳмудов «Ўзбек тили товушларининг лотин ёзуви асосидаги миллий алифбода фойдаланиш масаласига доир», Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамашунослик қўмитаси раисининг ўринбосари, филология фанлари номзоди Ҳ. Бектемиров «Лотин алифбоси асосидаги миллий ёзувга ўтиш дастурий тайёрлаш ҳақида» маъруза қилдилар.

Маърузачилар ўз нутқларида рус графикасидаги, шунингдек, араб ёзувидаги ўзбек алифбоси, гарчи бир қанча ислоҳ қилинган бўлса-да, ўзбек тили учун талабга жавоб берадиган етук алифбо даражасида эмаслигини, ўзбек тили феномаларини, шу тилининг товуш табиятини мажбур бўсқлари, оҳанглири билан тўла ифода эта олмаслигини таяжидладилар. Мамлакатимизда, мустақиллик ҳар жабада ўз аксини топиши керак бўлган, топилган ва бундан буён мустаҳкамланиб, қудратга тўлиб жаҳон-

га танилишимизда бизга ғайрат бахшида қилар экан, тилимиз товушларини рўй-рост, баралла, аниқ-равшан ифода эта оладиган ёзувга ўтишимиз зарур бўлиб қолди.

Бу ёзув 20-йиллардаёқ тилимиз фонемаларини ифодалашда қўлланила бошлаган лотин графикасидир. Мақсадимиз халқимиз тилини, буюк Алишер Навоий даҳоси билан яққалам қилинган ўзбек адабий тилини ва бу тилини янгича шартда ўз оҳанги билан ривожлантирувчи, бойитувчи жонли тилимиз, даҳжаларимизни бутун оҳангдорлиги билан ифода этувчи миллий графикамизга эга бўлишидир.

Бинобарин, 20-йиллардаги лотин ёзуви асосида яратилган ва эндиликда айрим ислохотлар билан тикланиши лозим деб таъкидланаётган ўзбек алифбоси худди шундай миллий графикамиз бўлиб хизмат қила олишини анжуман аҳли — олимлар, мутахассислар, идора ва жамоа вакиллари томонидан ижобий баҳоладан ва ҳақиқатдан ҳам, бу алифбо ўзбек тили товуш талаффузига аъча мос келади, деб тоғилди. Тарихий меросимиз тилининг ёзуви бўлиб хизмат қилиб келган араб графикасига, шунингдек, кирил ёзувига асосланган, ўзбек алифбоси республикамизнинг ўқув юртлирида ўқитиб ўргатилади, мутахассислар томонидан чуқурроқ эғаллаб борилади.

Маърузачилардан кейин муҳокама учун олимларга, мутахассисларга сўз берилди. Улардан: ЎзФА вице-президенти, ЎзФА Қорақалпоғистон бўлимининг раиси, академик С. Камолов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси О. Ғафуров, Денов ноҳиясидан К. Турсунов, Уруш ва меҳнат фахрийлари вакиллари Ж. Хоназаров, ЎзР Халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев, Ўзбекистон халқ шоири А. Орипов, ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари, ЎзФА мухбир аъзоси Б. Назаров, Бухоро давлат университети профессори Х. Нейматов, Андижон давлат университети профессори А. Нурманов, ЎзФА академиги, ЎзФА Тарих институти директори А. Асқаров, Самарқанд давлат университети профессори В. Эгамов, ЎзФА мухбир аъзоси Н. Султонов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг биринчи котиби, Ўзбекистон халқ шоири Ж. Камол, ЎзР Маданият ишлари вазири Э. Ҳайитбоев, ЎзФА академиги М. Э. Мавлонов, ЎзР Халқ маорифи вазирилик қошидаги Педагогика илмий тадқиқот институтининг катта илмий ходими Н. Абдуллаев, ЎзФА Тилшунослик институтининг катта илмий ходими С. Отамирзаева ва бошқалар ўз сўзларида анжуманнинг кун тартибидagi масала айна вақтида кўтарилган масала эканлигини, агар чиндан ҳам, жаҳоннинг энг ривожланган давлатлари қўллаб келаётган графикага ўтсак, бизга ҳам дунё етилмаганлар деган нотиклар ҳам бўлди. Кўпчилик томонидан лотин ёзуви асосида яратилган миллий графикага ўтиш вақти келган, бу графикани қайта кўриб чиқиш учун эса ЎзФА Тилшунослик институти қошида ишчи гуруҳи ташкил қилиниши лозимлиги ва ўтиш муддатлари ҳақида қелишиб иш кўриш зарурлиги, маърузачилар томонидан баён қилинган муддатлар эса қайта кўриб чиқишли кераклиги қайд қилиб ўтилди:

Ингилиш сўнггида музокарада иштирок этган кишиларнинг таклиф ва танқидларини ҳисобга олган ҳолда республика илмий амалий анжумани қуйидаги қарорни қабул қилади.

1. Анжуман кун тартибига киритилган масалалар бўйича ахборот ва маърузаларда, сўзга чиққан бошқа нотикларнинг нутқларида билдирилган фикр-мулоҳазалар маълумот учун қабул қилинсин ва лотин ёзуви асосидаги миллий ўзбек алифбосига ўтиш пухта тайёргарлик билан шошма-шошарликка йўл қўйилмасдан бошқичма-бошқич амалга ошириш мақсадага мувофиқ деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг «Ўзбек алифбосини лотин графикасига ўтказиш тўғрисида»ги масалани навбатдаги сессия кун тартибига киритиш ҳақидаги қарори маъқуллансин ва Олий Кенгашнинг XIII — сессиясидан бу масалани ижобий ҳал этиш сўралсин*.

3. Ишчи комиссия тақдим этган лотин ёзуви асосидаги янги ўзбек алифбоси ва ҳарфларнинг жойлашиш тартиби асосга олинсин ва анжуманда билдирилган фикрлар асосида мукаммаллаштириб илмий хулоса сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига тақдим этилсин (илова қилинади).

4. Лотин алифбоси асосидаги ўзбек ёзувиге ўтиш билан бир қаторда кўп минг йиллик тарихимиз битилган араб графикаси асосидаги эски ўзбек ва ярим асрдан орттиқроқ қўлланиб келаётган кирил ёзувини ўқиб ўрганиш учун барча зарур шарт-шароитлар яратиш лозимлиги ҳисобга олинсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига қаратилган мурожаатнома ўқиб эшитирилади.

Шундан кейин Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев яқунловчи нутқ сўзлайди.

Шу билан ўзбек ёзуви истиқболига бағишланган республика илмий-амалий анжумани ўз ишнини тамомлади.

А. И. Қосимов

* Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн учинчи сессиясида «Ўзбек имлосини лотин графикасига ўтказиш тўғрисида» қонун қабул қилинди.

МУНДАРИЖА

И. М. Мўминов таваллудининг 85 йиллигига бағишланади

Ўзбекистон ФА академиги И. М. Мўминовнинг ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида.	3
И. Мўминов. Ўрта Осиё тарихида Амир Темурнинг тугган ўрни ва роли: Чоп этилган ёзма манбалар асосида.	7

Хотиралар

И. Исқандаров. Фанимиз сардори.	29
А. Асқаров. Ҳаёт принцигига содиқ устозлар.	34
В. К. Қобулов. Доно инсон, ҳақиқий олим.	35
Д. К. Саидов. Машҳур олим, дилкаш инсон.	36
Ш. З. Ҳразаев. Ешларга гамхўр мураббий.	37
М. М. Ҳайруллаев. Миллий маданиятимизнинг жасур жонқуяри.	38
Э. Юсулов. Қамтарин ва буюк инсон.	43
С. Азимжонова. Олижаноб инсон эдилар.	45
М. Баратов. Устоз.	48
А. Қ. Валиев. Ҳамниша биз билан.	51
О. Ҳикматов. Иброҳим Мўминов тўғрисида хотира.	52
М. А. Абдуллаев. Ўзбек Қомусининг дарғаси.	54
М. Н. Абдуллаева. Севимли домлаимиз.	56
Х. Алиқулов. И. М. Мўминовнинг ахлоқ ҳақидаги илмга қўшган ҳиссаси.	57
Н. Ғойибов. Буюк аллома.	58
А. Жалолов. Хотира ҳурмати.	61
Б. В. Дунин. Унутилмас хотира.	62
К. Муниров Ҳақиқатда улуг инсон эдилар.	65
С. Ш. Шермухамедов. Атоқли олим, доно раҳбар.	66

Ахборот

Ш. Саматов. Буюк аллома ҳақида сўз.	69
Н. К. Султонова. И. М. Мўминов 85 йиллигига бағишланган Ўзбекистон тарихи музейи кўчма кўрғазмаси.	69
Қ. Шоакрамов. ЎзФА «Ўзбекистон Республикаси миллий истиқдол мафкурасининг илмий асослари» концепцияси лойиҳасининг муҳокамаси.	71
Ўзбекистон Республикаси миллий истиқдол мафкурасининг илмий асослари: Концепция лойиҳаси.	72
А. И. Қосимов. Миллий ўзбек сўзи истиқболига бағишланган илмий анжуман.	77

СОДЕРЖАНИЕ

Посвящается 85-летию со дня рождения И. М. Муминова

О жизни и научной деятельности академика АН Узбекистана И. М. Муминова.	3
И. Муминов. Роль и место Амира Тимура в истории Средней Азии: В свете данных письменных источников.	7

Воспоминания

И. Искандеров. Лидер нашей науки.	29
А. Аскарлов. Истинные наставники жизненных принципов.	34
В. К. Кабулов. Мудрый человек, настоящий ученый.	35
Д. К. Саидов. Видный ученый, обаятельный человек.	36
Ш. З. Уразаев. Заботливый наставник научной молодежи.	37
М. М. Хайруллаев. Решительный приверженец нашей национальной культуры.	38
Э. Юсупов. Скромный и великий человек.	43
С. Азимджанова. Он был благородным человеком.	45
М. Баратов. Учитель.	48
А. К. Валиев. Навеки с нами!	51
А. Хикматов. Воспоминания о И. Муминове.	52
М. А. Абдуллаев. Кормчий Узбекской Энциклопедии.	54
М. Н. Абдуллаева. Наш любимый учитель.	56
Х. Аликулов. Вклад И. М. Муминова в науку этики.	57
Н. Ганбов. Выдающийся зрудит.	58
А. Джалалов. Честь его памяти.	61
Б. В. Лунин. Неувядающая память.	62
К. Муниров. Он был поистине велик.	65
С. Ш. Шермухамедов. Выдающийся ученый, мудрый наставник.	66

Хроника

Ш. Саматов. Слово о большом ученом.	69
Н. К. Султанова. Передвижная выставка Музея истории Узбекистана, посвященная 85-летию И. М. Муминова.	69
К. Шоакрамов. Обсуждение проекта Концепции АН Узбекистана «Научные основы идеологии национальной независимости Республики Узбекистан».	71
Проект Концепции «Научные основы идеологии национальной независимости Республики Узбекистан».	72
А. И. Касымов. Научная конференция, посвященная будущему национальной узбекской письменности.	77

НАШИ АВТОРЫ

- Аскарлов А. — академик АН РУз, директор Института истории АН РУз.
Искандеров И. — академик АН РУз, вице-президент АН РУз.
Кабулов В. К. — академик АН РУз.
Сайдов Д. К. — академик АН РУз.
Уразаев Ш. З. — академик АН РУз.
Хайруллаев М. М. — академик АН РУз, директор Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни АН РУз.
Юсупов Э. — академик АН РУз, член-корреспондент РАН.
Азимджанова С. — член-корреспондент АН РУз, зав. сектором истории и источников эпохи Бабура и Бабуридов Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни АН РУз.
Баратов М. — член-корреспондент АН РУз, зав. отделом проблем человека и культуры Института философии и права им. И. М. Муминова АН РУз.
Валиев А. К. — член-корреспондент АН РУз, зав. отделом социальной философии и социологии Института философии и права им. И. М. Муминова АН РУз.
Хикматов А. — член-корреспондент АН РУз, директор Института экономики АН РУз.
Абадуллаев М. А. — доктор философских наук, зав. кафедрой философии Академии сельскохозяйственных наук Узбекистана.
Абдуллаева М. Н. — доктор философских наук, зав. отделом теории развития и познания Института философии и права им. И. М. Муминова АН РУз.
Аликулов К. — доктор философских наук, зав. отделом истории философии Института философии и права им. И. М. Муминова АН РУз.
Гаибов Н. — доктор философских наук, председатель Национальной ассоциации международных культурно-просветительских связей Республики Узбекистан.
Джалалов А. — доктор философских наук, директор Института философии и права им. И. М. Муминова АН РУз.
Лукин Б. В. — доктор исторических наук, гл. научный сотрудник Института истории АН РУз.
Шермухамедов С. Ш. — доктор философских наук, зав. кафедрой философии ТашГУ.
Муниров К. — кандидат исторических наук, зав. рукописным фондом Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни АН РУз.

40 р.
10 р. для индивидуальных подписчиков

ИНДЕКС — 75350
75349

ISSN 0202—151X. Общественные науки в Узбекистане. 1993 г. № 7